

**“ТИҚХММИ” МТУ хузуридаги
ШҚҚТ ва УМО тармоқ маркази**

**АНИҚ ҚООРДИНАТАЛИ ҚИШЛОҚ
ХЎЖАЛИГИ АСОСЛАРИ**



2022



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ
йўналиши**

**“ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ОБЪЕКТЛАРИ
ВА УЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ”**

модули бўйича

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

ТОШКЕНТ – 2022

Мазкур ўқув-услугий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчи: ТИҚХММИ-МТУ “Қишлоқ хўжалик машиналари”
кафедраси мудири т.ф.д., проф. К.Астанакулов

Такризчи: РДАУ-МҚХА профессори т.ф.д., профессор В.Балабанов

Ўқув - услубий мажмуа “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети кенгашининг 2021 йил 23-декабрдаги 12-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

М У Н Д А Р И Ж А

	бет
I. ИШЧИ ДАСТУР	5
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ	9
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР	13
1-мавзу: Интеллектуал мулк объектлари ва уларга патент олиш, талабномаларни расмийлаштириш, муаллифлик	13
1.1. Интеллектуал мулк объектлари ва патент ҳақида тушунча	13
1.2. Интеллектуал мулк объектларига патент олиш ишлари	18
1.3. Патентнинг ҳуқуқий субъектлари. Муаллифлик.	23
Патент берилмайдиган ҳолатлар ва субъектлар	27
1.4. Ихтирони аниқлаш усуллари ва интеллектуал мулкка патент олиш қоидалари	33
1.5. Патент олиш, талабномаларни расмийлаштириш, Муаллифлик	44
2-мавзу: Лицензия ҳақида тушунча, маҳсулот ва хизматларни лицензиялаш ва сертификатлаш, хорижий давлатлардаги сертификатлаш тизими, сертификатлаш қоидалари	52
2.1. Лицензия тўғрисида тушунча, маҳсулот ва хизматларни лицензиялаш	52
2.2. Сертификат ҳақида тушунча, маҳсулот ва хизматларни сертификатлаш	56
2.3. Хорижий давлатлардаги лицензиялаш ва сертификатлаш tizими	60
2.4. Маҳсулот ва хизматларни лицензиялаш ва сертификатлаш қоидалари	65
1-амалий машғулот. Патент қидирувини олиб бориш ва патент қидируви ҳисоботини расмийлаштиришни ўрганиш	81
2-амалий машғулот. Патентларни таҳлил этиш ва аналог прототипларни аниқлашни ўрганиш	88
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ	93
VII. ГЛОССАРИЙ	94
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	98

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг қишлоқ хўжалигини механизациялаш йўналиши бўйича касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, аниқ координатали қишлоқ хўжалигига оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Модулнинг мақсади: интеллектуал мулк объектлари ва уларни муҳофаза қилиш модули тингловчиларда интеллектуал меҳнат натижасида яратилган ёки ишлаб чиқилган ишланмаларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларининг билим, кўникма ва компетенцияларини оширишдан иборат.

Модулнинг вазифалари:

- патент тўғрисида тушунча, интеллектуал мулк объектлари ва уларга патент олиш шартлари, патентнинг ҳуқуқий субъектлари, муаллифлик, патент берилмайдиган ҳолатлар ва субъектлар,
- ихтиро, фойдали моделни аниқлаш усуллари ва интеллектуал мулкка

патент олиш қоидалари, талабномаларни расмийлаштириш, ихтиро ёки фойдали модел формуласи, интеллектуал мулкка патент олиш учун бериладиган аризалар экспертизаси, бож тўлови, ҳимоя хужжатлари ва маълумотларни чоп этиш,

- лицензия ҳақида тушунча, маҳсулот ва хизматларни лицензиялаш, маҳсулот ва хизматларни сертификатлаш, хорижий давлатлардаги сертификатлаш тизими, маҳсулотларни мажбурий ва ихтиёрий сертификатлаш, маҳсулотларни сертификатлаш қоидалари, уларнинг асосий вазифаси ва таълим жараёнидаги имкониятлари ва амалиётда қўллаш усуллари ҳақида назарий ва амалий билимларни, кўникма ва малакаларни шакллантиришдан иборат.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

Модулни ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- патент тўғрисида тушунча, интеллектуал мулк объектлари ва уларга патент олиш шартлари, патентнинг ҳуқуқий субъектлари, муаллифлик, патент берилмайдиган ҳолатлар ва субъектлар, ихтиро, фойдали моделни аниқлаш усуллари ва интеллектуал мулкка патент олиш қоидалари, талабномаларни расмийлаштириш, ихтиро ёки фойдали модел формуласи, интеллектуал мулкка патент олиш учун бериладиган аризалар экспертизаси, бож тўлови, ҳимоя хужжатлари ва маълумотларни чоп этишни билиши керак.

- интеллектуал мулк, ихтиро, фойдали модель, маҳсулот ва хизматлар, уларни патентлаштириш, лицензиялаш ва сертификатлаш учун талабнома расмийлаштириш ва топшириш ҳамда уларни асослаш *кўникмаларига* эга бўлиши лозим.

- интеллектуал мулк, ишланма, ихтиро, фойдали модел, лицензияланган фаолият турлари ва сертификатланган маҳсулотлардан фойдаланиш ва уларни таълим жараёнида қўллаш билиш *малакаларига* эга бўлиши лозим.

- таълим тизимида интеллектуал мулк, ишланма, ихтиро, фойдали модел, лицензияланган фаолият турлари ва сертификатланган маҳсулотлардан фойдаланиб таълим жараёнини ривожлантириш *компетенцияларига* эга бўлиши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

Модулни ўқитиш маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Модулни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

-ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усуллари кўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Интеллектуал мулк объектлари ва уларни муҳофаза қилиш” модули мазмуни ўқув режадаги “Қишлоқ хўжалик техникалари ва технологияларидаги замонавий ютуқлар”, “Трактор ва автомобил тизимларидаги инновациялар”, “Агросаноатда техник тизимлар самарадорлигини ошириш”, “Аниқ координатали қишлоқ хўжалиги асослари” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг таълим жараёнида интеллектуал мулк объектларини ишлаб чиқиш, муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар таълим жараёнида ихтиро, фойдали модель ва бошқа патенлаштирилган ёки муҳофаза қилинган интеллектуал мулклардан фойдаланиш ва амалда кўллашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модуль мавзулари	Аудитория ўқув юклараси			
		Жами	жумладан		
			Назарий	Амаий машғулот	Кўчма машғулот
1.	Интеллектуал мулк объектлари ва уларга патент олиш, талабномаларни расмийлаштириш, муаллифлик	4	2	2	
2.	Лицензия ҳақида тушунча, маҳсулот ва хизматларни лицензиялаш, маҳсулот ва хизматларни сертификатлаш, хорижий давлатлардаги сертификатлаш тизими, сертификатлаш қоидалари	4	2	2	
	Жами:	8	4	4	

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Интеллектуал мулк объектлари ва уларга патент олиш, талабномаларни расмийлаштириш, муаллифлик (**2 соат**).

- 1.1. Интеллектуал мулк объектлари ва патент ҳақида тушунча.
- 1.2. Интеллектуал мулк объектларига патент олиш ишлари.
- 1.3. Патент олиш, талабномаларни расмийлаштириш, муаллифлик.

2-мавзу. Лицензия ҳақида тушунча, маҳсулот ва хизматларни лицензиялаш ва сертификатлаш, хорижий давлатлардаги сертификатлаш тизими, сертификатлаш қоидалари (**2 соат**).

- 2.1. Лицензия ҳақида тушунча, маҳсулот ва хизматларни лицензиялаш.
- 2.2. Сертификат ҳақида тушунча, маҳсулот ва хизматларни сертификатлаш.
- 2.3. Хорижий давлатлардаги сертификатлаш тизими.
- 2.4. Маҳсулот ва хизматларни лицензиялаш ва сертификатлаш қоидалари.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот. Патент қидирувини олиб бориш ва патент қидируви ҳисоботини расмийлаштиришни ўрганиш (2 соат).

2-амалий машғулот. Патентларни таҳлил этиш ва аналог прототипларни аниқлашни ўрганиш (2 соат).

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларида фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

«ФСМУ» методи.

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан мавзу машғулотларида, мустақамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;

- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

Ф	• фикрингизни баён этинг
С	• фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
М	• кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
У	• фикрингизни умумлаштиринг

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштири-лишига асос бўлади.

Намуна.

Фикр: “Патентлаштириш интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилишнинг асосий усулларида биридир”.

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

Венн диаграммаси методи

Методнинг мақсади: Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқиладиган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқиладиган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

Намуна: Интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш бўйича ҳужжатларнинг турлари



SWOT-таҳлил” методи

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўллари топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

S – (strength)	• кучли томонлари
W – (weakness)	• заиф, кучсиз томонлари
O – (opportunity)	• имкониятлари
T – (threat)	• тўсиқлар

Намуна: Интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

S	Интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилишнинг кучли томонлари	Интеллектуал мулк объектларига нисбатан муаллифлик ҳуқуқи ва назорати ўрнатилади ...
W	Интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилишнинг кучсиз томонлари	Интеллектуал мулк объектларига нисбатан муаллифлик ҳуқуқининг бузилганлигини ўша вақтнинг ўзида аниқлашнинг имкони йўқлиги ...
O	Интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилишнинг имкониятлари	Интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш ундан фойдаланиш имкониятини кенгайтиради ...
T	Интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилишнинг тўсиқлари	Патент олиш жараёнининг мураккаблиги ва узоқ давом этиши ...

Хулосалаш (Резюме, Веер) методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айти пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида

аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантикий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан мавзу машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни тарқатади;



ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қилади;



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзу якунланади.

Намуна:

Интеллектуал мулк объектларига бериладиган ҳимоя хужжатлари			
Ихтирога патентлар		Фойдали моделга патентлар	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги
Хулоса:			

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу: Интеллектуал мулк объектлари ва уларга патент олиш, талабномаларни расмийлаштириш, муаллифлик

Режа:

- 1.1. Интеллектуал мулк объектлари ва патент ҳақида тушунча.
- 1.2. Интеллектуал мулк объектларига патент олиш ишлари.
- 1.3. Патентнинг ҳуқуқий субъектлари. Муаллифлик. Патент берилмайдиган ҳолатлар ва субъектлар
- 1.4. Ихтирони аниқлаш усуллари ва интеллектуал мулкка патент олиш қоидалари
- 1.5. Патент олиш, талабномаларни расмийлаштириш, муаллифлик.

Таянч иборалар: *интеллектуал мулк объектлари, ихтиро, фойдали модель, талабнома, патент, ускуна, мослама, усул, услуб, модда, ишлаб чиқаришда қўлланиш учун ихтиро, муаллифлик, ихтиро ва фойдали модел формуласи, чегаравий қисм, фарқловчи қисм.*

1.1. Интеллектуал мулк объектлари ва патент ҳақида тушунча

XXI асрда бутун дунё илмий-техник ривожланишнинг компьютерлаштириш ва ахборотлар технологияси асрига кириб келди. Бу асрда ривожланган мамлакатларда космик фазони янада узлаштириш, биотехнология соҳасини ривожлантириш ва бошқа долзарб соҳаларни кескин ривожлантириш билан биргаликда мамлакатнинг барча устувор йуналишларига компьютер технологияларни жорий этиш, интернет тизимидан кенг куламда фойдаланишга катта эътибор ва маблағ сарфланади.

Мамлакатимиз раҳбарияти барча соҳалар бўйича илмий-техник

ривожланиш масаласини қўйган бўлиб, дунё миқёсида тенг бўлмаган янги материаллар, технологик жараёнлар ва тубдан фарқ қиладиган кам ҳаражатли меҳнат воситалар яратишни белгилаб қўйган.

Ҳаммага маълумки, илм ва ишлаб чиқариш соҳаларидаги барча янгиликлар дунё миқёсидаги ихтироларда ўз аксини топади. Шунинг учун бизнинг мамлакатимизда илғор ишчилар, муҳандис-техниклар ва илм вакилларининг ижодий фаолияти натижасида янгилик ва ихтиролар яратиб келинмоқда.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки пайтларида Республикаимизнинг илмий-техник салоҳиятидан самарали фойдаланиш, саноат мулки объектларини ҳимоясини таъминлаш ва патент-лицензия фаолиятини такомиллаштириш мақсадида 1992 йил 12 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 432-сонли қарори билан Ўзбекистон Республикаси саноат мулки тўғрисида Низом тасдиқланди. Давлатимизда патент-лицензия масалалари билан бевосита шуғулланиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январдаги “Интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4168-сонли ва 2019 йил 1 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4168-сонли қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги №609-сонли қарори билан Адлия вазирлиги ҳузурида ташкил этилган Интеллектуал мулк агентлиги зиммасига юклатилди.

Агентликнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланган:

- интеллектуал мулк соҳасида ягона давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлаш, ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, товар белгилари ва бошқа интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш;

- интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий муҳофазаси ҳолатини комплекс таҳлил қилиш, ушбу соҳасини ривожлантириш бўйича аниқ таклифларни ишлаб чиқиш;

- интеллектуал мулк соҳасидаги ҳуқуқни қўллаш амалиётини изчил ва бир хилда таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

- интеллектуал мулк масалалари бўйича халқаро-ҳуқуқий ҳамкорликни, шу жумладан интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни ўзаро муҳофаза қилиш ҳақидаги халқаро шартномаларни тузиш орқали йўлга қўйиш ва мустаҳкамлаш;

- интеллектуал мулк соҳасидаги илмий-тадқиқот ва бошқа ишларни ўтказишда иштирок этиш;

- жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ва интеллектуал мулкка нисбатан ҳурмат ҳиссини шакллантириш.

Ихтиро қадимдан буён давлатнинг барча илм соҳа ходимларининг диққат ва эътиборида бўлиб келмоқда. Янгилик – инсоннинг интеллектуал фаолияти, илмий изланишлар натижаси бўлганлиги туфайли психологларни, ихтирочилик фаолият билан илмий ва ижтимоий ривожланишнинг боғлиқликлари социологларни ўзларига жалб этади. Замонавий илмий-техника ривожланишдаги ихтиронинг ўрни билан файласуфлар, илм ва техника ривожланишида, инсоният билимига анча ҳисса қўшгани учун тарихчилар ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда ихтиронинг муҳим аҳамияти бўлганлиги туфайли иқтисодчилар эътиборида доимий равишда бўлади, ниҳоятда ҳуқуқшунослар ихтирони ҳуқуқий субъект сифатида ўрганишади.

Ихтиро узининг келиб чиқишидан табиий-техник тоифасига киради, чунки ихтирочилик инсониятга ҳос, ўнинг ҳаёти ва фаолияти даврида зарурий атрибут сифатида кириб келган. Ибтидоий жамиятдаги одам чупнинг учини ўткирлаб пичоқ, ўнинг учига йўнилган тошни боғлаб найзани ихтиро қилган, ҳайвон гуштлирини олов тутунида димлаб, гўшт маҳсулотларини узок муддатга сақлаш йўлини топди.

Ихтиро сўзи – кўп маъноли сўз. Аввал маълум бўлмаган янгиликни кашф этиш жараёни ва шу жараёндан олинган натижа ихтиро деб аталади. Жараён натижаси ҳам ҳар хил бўлиши мумкин. Масалан, машиналарни ихтиро қилиш, технологик услублар, шахмат, ёзув жараёни ва ҳ.к.

Давлат томонидан ихтирони аниқлаш, тузиш, яратиш ва амалда қўллаш масалалари доимий назоратга олинади ва ўлар албатта илмий техник тараққиётни ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқаришда қўлланилиши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, ихтиро – халқ хўжалиги, ижтимоий- маданий ва давлат мудофааси соҳалари учун яратилган ва янгиликга, етарли фарқларга эга булган техник ечимлар.

Демак, ихтиро қўйидаги талабларга жавоб бериши керак:

1. Техник ечим бўлиши;
2. Бу техник ечим янги бўлиши;
3. Аввал маълум бўлган техник ечимлардантубдан фарқ қилиши;
4. Бу ечим ижобий самара олиб келиши.

Ихтиро объектлари

Техник ечим. Техник ечимга комплекс талаблар қўйилади. Улардан биттаси бўйича ихтиро масалани ечиш учун фақатгина масала мақсадини қўймасдан унинг аниқ ечиш йўллари курсатиш керак. Техника сўзининг узи ижтимоий ишлаб чиқаришда меҳнат воситаларининг мажмуаси ҳисобланади. Шунинг учун техника тушунчаси фақатгина техникада қўлланиладиган соҳа деб тушунилмаслиги керак, чунки меҳнат воситалари барча соҳаларда мавжуд.

Ихтиро объектлари нималар бўлиши мумкин? Низомга асосан ускуна, мослама, усул, услуб, модда ва ишлаб чиқаришда қўлланиш учун ихтиро.

Ускуна ёки мослама конструктив (жойлашиш) хоссалари билан ифодаланади. Буларга элементларнинг (детал, йиғма детал) аниқ шакллари, ўларнинг узаро жойлашиши, бир-бирлари билан боғланиш усуллари, ўлчам қийматлари ва х.к. киради.

Усул ёки услуб ихтиро объекти сифатида технологик воситалар билан ифодаланади. Буларга турли жараёнлар (ишлов бериш, кузатиш, назорат қилиш ва б.), уларнинг таркибидаги жараёнларнинг кетма-кетлиги, мувофиқлиги, режимлари (температура, вақт ва х.к)

Модда ихтиро объекти сифатида кимёвий тузилиши ёки таркиби билан ифодаланади.

Ишлаб чиқаришда қўлланиш учун ихтиро объекти сифатида маълум предметнинг бошқа предметга янги нисбати билан ифодаланади ва натижада бу предмет бошқа, янги вазифани бажаришга қодир бўлади. Бунинг асосий моҳияти маълум предметни бошқа соҳада, бошқа вазифада қўлланиши. Буни албатта мутахассислар ҳал қилишади.

АҚШ, Япония, Жанубий Корея ва Ғарбий Европа мамлакатларида патентшуносликни ривожланиши

Хорижий мамлакатлар, айниқса АҚШ, Япония, Жанубий Корея, Германия, Англияда ихтирочиликка жуда катта аҳамият беришади. Йирик корхона ва ташкилотларда махсус булимлар ташкил этилган ва уларнинг асосий вазифалари дунё миқёсида шу соҳа бўйича патентлар, ихтиролар билан танишиш, уларни таҳлил қилиш ва банк маълумотларни тайёрлашдан иборат. Агарда корхонада қандайдир янги маҳсулот чиқариладиган бўлса, албатта даставвал ўнинг патент экспертизаси ўтказилади ёки дунё миқёсида ушбу чиқариладиган маҳсулот бўйича янгиликлар жамланади ва таҳлил қилинади. Экспертиза ҳулосасига асосан корхона конструкторлари, технологлари лойиҳа ишларини бажаришади, агар керак бўлса ихтирога патент олиш учун ариза ва ҳўжжатлар тайёрланади.

Патентнинг аҳамиятини қуйидаги мисол орқали тушуниб олса бўлади.

Россиянинг бир йирик саноат шаҳрида аёлларнинг устки кийими (пальто, плащ, костюм, куртка ва х.к) чиқаришга мўлжалланган фабрика фаолият курсатган. Бу корхона шу соҳа бўйича мамлакатда илғор корхоналар сафида ҳисобланарди. Корхона директори ёзги таътилини Карлови Вари куротларининг бирида ўтказди ва шу ерда Париж шаҳрида аёллар кийими савдоси билан шуғулланаётган йирик магазин эгаси билан бирга дам олишади ва дўстлашади. Яқиндан танишгандан кейин корхона директори ва магазин эгаси Парижга энг замонавий, парижликлар яхши курадиган чарм палто (дубленка) ларни тайёрлаб магазинда сотишга келишишади. Таътилдан қайтгач корхона директори мутахассисларни тўплаб шартнома ҳақида ахборот беради. Корхонанинг тегишли мутахассислари фабрикада ушбу буюртмани бажариш учун керакли бўлган ишларни бошлашади. Шаҳар раҳбариятини фабрика директори тузилган шартнома билан таништиради ва бў тўғрисида оммавий ахборот воситаларида мақолалар чоп этилади. Маълумки, ривожланган мамлакатларда маркетинг ишлари жуда яхши кўйилган. Хар бир йирик корхонада маҳсулот чиқарилаётган соҳа бўйича бутун дунёдаги маълумотлар йиғилади ва доимий равишда янгиланиб борилади ва бошқа мамлакатларда чиқарилаётган газета ва журналлар, телекурсатувлардан нусхалар маркетинг булимида картотека қилинади. Дунёдаги барча рақобатбардош бўладиган корхоналар рўйхати махсус журналда қайд қилинади ва шартли белгилар орқали ўларнинг рақобатбардошлиги аниқланади. Масалан, қизил рангдаги белги билан кучли, яшил рангли белги билан ривожланаётган корхона, сариқ рангдаги белги билан яқин орада рақобатбардош бўла олмайдиган корхоналар белгиланади. Россиялик фабрика маркетинг хизмати экспертлари томонидан яшил рангга бўялган бўлади. Корхонанинг тижорат ишлари бўйича директори патент хизмати бошлиғига зудлик билан мутахассислар томонидан аёллар пальтоси (дублёнка) бўйича патентлар олишга топшириқ беради.

Россиянинг фабрикаси 2-3 хил аёллар пальтосидан чет давлатга сотиш учун бир партия тайёрлайди ва керакли ҳужжатларни тахт қилиб бир вагон аёллар пальтосини Парижга жўнатади. Фабрика вакили товарни магазинга олиб келиб сотиш кунини магазин эгаси билан аниқлайди ва бу тўғрисида хабар шаҳар телевидение курсатувларида реклама қилинади. Магазин белгиланган кунда очилиб савдо бошланади. Париж аёллари янги кийимга қизиқиши кўп бўлганлиги туфайли бир зумда дукон олди харидорлар билан тўлади. Савдо энди қизиган пайтда бир киши магазин ходимларидан савдони тўхтатишни сўрайди. Сабабларини суриштирганда у ҳужжатларини курсатиб, бу буюмлар ўғирланган дейди. Магазин директориға сотилаётган пальтоларга олинган патентларни курсатиб бу моллар фалон фирмаға

тегишлилигини исботлаб беради. Россия фабрикасининг вакили, қанча исботлашга ҳаракат қилмасин, молни ўғирланмаганлигини, ўзлари ишлаб чиқарганларини исботлаб бера олмайди ва натижада магазин ёпилиб савдо тўхтатилади. Навбат кутиб турган харидорларга бу мол Россияники эмаслиги, унинг ўғирланганлиги тўғрисида айтиб харидорлардан узр сурайди. Патент эгаси бўлган корхонанинг вакили магазиндаги барча молларни мусодара қилиб олиб кетади. Россия фабрикаси ушбу пальтоларни тайерлашга, Парижга олиб келиш учун кетган харажатлари билан қолади. Энг ёмони, чет элда бундан кейин ушбу фабрика томонидан чиқарилган маҳсулотларга, умуман фабрикага ишонч қолмайди.

Шу мисолда ва Байкал-Амур магистраль темир йўл қурилишида лойиҳа бўйича тайга оралиқ қурилиши мўлжалланган жойларни дарахтлардан тозалаш ҳамда Горький автомобил заводида ГАЗ-24 русумли автомобилларни такомиллаштиришда патентга эътиборсизлик билан қаралиш мисолларда ҳар бир ташкилот ва корхонада янгиликга, айниқса яратилаётган ихтиро ва янгиликларни ўз вақтида давлат томонидан ҳимоя қилиш кераклиги яққол намоён бўлади.

Чет давлатларда патентшуносликнинг аҳамияти тўғрисида сўз кетганда Япония, Жанубий Корея, Хитой, Исроил мамлакатларни мисол келтиришимиз мумкин. Иккинчи жаҳон уруши натижасида Япония мамлакати жуда инқирозли ахволга тушган эди, лекин мамлакат олимлари давлат салоҳиятини кўтариш учун барча соҳада янгиликлар, янги технологияларни киритишни асосий вазифа деб белгилади ва тез орада дунёнинг етакчи мамлакатлари қаторида жой эгаллади. Жанубий Корея, Хитой мамлакатлари мамлакатда янги технологиялар яратишга, Исроил ва яқин утмишда қашшоқлар мамлакати деб ҳисобланган Ҳиндистон компьютер дастурларини яратиш ва ўларни дунёнинг мамлакатларига сотиш натижасида ривожланган давлатлар қаторида ўз ўринларини эгаллади.

1.2. Интеллектуал мулк объектларига патент олиш ишлари.

Агарда *ихтиро* янги бўлса, ихтиролик даражасига эга бўлса, саноатда қўлланилиш имконияти бўлса, унда у *хуқуқий ҳимояланган* деб ҳисобланади.

Ихтиро техника даражасида маълум бўлмаса *янги* деб ҳисобланади.

Ихтиро техника даражасидан мутахассисга маълум бўлмаса, *ихтиролик даражасига* эга деб ҳисобланади.

Ихтиро қайд этилган санадан бошлаб дунё ҳамжамиятидаги маълум бўлган барча маълумотларни қиёслаш билан унинг *техник даражаси* аниқланади.

Ихтиро саноат, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва халқ

хўжалигининг бошқа соҳаларида фойдаланилиши мумкин бўлса, ўнда у *саноатда қўлланилиши* мумкин деб ҳисобланади.

Давлатнинг ихтирочилик бўйича қонунчилигида қўйидаги ихтиро объектлари белгиланган:

- ускуна еки машина;
- усул ёки услуб;
- модда;
- фойдаланиш учун ихтиро.

Демак, ихтиро учун тавсия қилинадиган таклифлар шуларнинг бирига тўғри келиши керак, акс холда ихтиро бўла олмайди. Бу унда ёки кашфиёт ёки фараз, ёки ташкилий таклиф, ёки ҳимояланмайдиган объектлар рўйхатига киритилганлар бўйича таклиф бўлиши мумкин.

Шунинг билан бирга таклиф этилаётган ихтиро уз ўрнида қурилмайди. Масалан, машина ёки ускунага ихтиро олиш учун берилган аризада муаллифлар унинг усули ёки услуби тўғрисида батафсил ёзишади ва услубга патент берилишини сўрашади. Шундай адашишлар бўлмаслиги учун кўп йиллик шу соҳадаги тажрибалар асосида қўйидагича аниқлаш мумкин.

Бир бири билан узаро боғликлиги бўлиб фазода аниқ жойлашган элементлар тизими – *машина ёки мослама* дейилиши мумкин.

Усул, услуб - бу аниқ кетма кетликда ёки аниқ қоидаларга асосланган холда, ёки аниқ шароитларда бажариладиган машқлар.

Модда – аниқ элементлар таркибининг фазода жойлашиши билан ифодаланади.

Юқорида қайд этилган ихтиро объектлари узига хос таснифларга эга бўлганлиги туфайли аввал биз уларнинг айрим таснифлари билан танишамиз.

Ихтиро формуласига ихтиро объектида фойдаланиш учун киритилган ҳар бир курсатма (узел, детал, жараён ёки усул шакли, ингредиент ёки моддадаги таркибий қисм); формулада қайд этилган деталь ёки элементнинг шакли; деталь ёки элементларнинг узаро жойлашуви; деталь ёки элементлар орасидаги узаро боғлиқларнинг мавжудлиги ва шакли; деталь ёки элементлар улчамларининг нисбийлиги; температуравий, вақтий, электрик ва бошқа режимлар орқали улчамларга ҳар хил кўрсатмалар ва ҳ.к.

Ихтиро объектларининг барча таснифлари объектнинг моҳиятини тушунтириш учун мавқеига қараб гуруҳларга булинади:

1. *Моҳиятли (асосий);*
2. *Қўшимча ва тасадуффий (ортиқча);*

Ҳар бир предмет сингари ихтиро объекти ҳам бизнинг онгимизда қуп хил таснифлар билан туради ва улар объектни бутунлай, яхлид шаклида ва уларнинг қисмлари билан ҳам ифодалайди. Масалан, улар объектнинг

тузилишини, элементларини, ишлаш принципларини, объектнинг қандай материалдан тайёрланганлигини, унинг сифатини, ташқи куринишини (тозаллигини), унинг рангини ва ҳ.к. лар билан ифодалайди. Ихтиро объектнинг кўп хил таснифлари ичида унинг моҳиятини, табиатини, асосий хусусиятларини белгилайдиган моҳиятли - асосий таснифлари бор. Объектнинг қолган таснифлари асосий таснифни тўлдиради ёки уларни янада конкретлаштиради. Айрим ҳолатларда асосий ва қўшимча таснифлар ўринлари билан алмашиши мумкин. Масалан, тропик ҳудудларда жойлашган мамлакатлар учун чиқарилаётган автомобилларда қўшимча тасниф

– автомобилнинг пастки қисмини антикоррозийлаш, асосий тасниф бўлиб қолади. Худди шундай, эски пайтда чиқарилган автомобилларнинг моторини айлантириш учун мўлжалланган ручка–асосий тасниф бўлган бўлса, ҳозирги чиқарилаётган автомобилларла бу ручканинг мавжудлиги - қўшимча тасниф.

Формал мантиқда шу икки хил таснифлар билан кифояланса ҳам бўлади, лекин патентшуносликда бу таснифлар - асосий ва қўшимча, етарли эмас. Шунинг учун ихтиро объектларини ўрганишда учинчи – кераксиз еки тасадуффий таснифлар ишлатилади. Агарда асосий таснифлар моҳиятни очиб берса, қўшимча таснифлар шу моҳиятларни тўлдирса ёки конкретлаштиради, кераксиз ёки тасадуффий таснифлар объектнинг конкрет шароитда мавжуд бўлган тасадуффий моҳиятларини тушунтиришга ёрдам беради.

Масалан, автомобилларга мўлжалланган карбюратор поплавокли камера, игнали клапан, жиклерли аралаштиргич камера, пуркагич, диффузор, дроссель ва ҳаво заслонкаларидан иборат булиб, дроссель заслонкага қаратилган жиклёрда раструб мавжуд. Раструб поплавокли камеранинг ичида конуссимон йўнилган бўлиб, унинг сиртки юзаси босим остида алюминий қотишмадан тайёрланган. Поплавокли камеранинг ташқи тарафида латунли пластина шаклида заводнинг маркаси белгиланган бўлиб, ўнда тайёрлаган заводнинг номи, карбюратор тури ва тайёрлаган санаси ўйилган. Тажриба сифатида таклиф қилинаётган карбюратор нотўғри тайёрланган, чунки корпусни тайёрлашда технологик режим бузилган. Бу мисолда карбюраторнинг тузилиши берилган, шунинг билан бирга қатор асосий ва қўшимча таснифлар билан биргаликда объектга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган қатор тасадуффий таснифлар ҳам келтирилган. Уларга завод маркаси, унинг манзили ҳақида маълумотлар, карбюраторни нотўғри тайёрлаш сабаблари, карбюратор корпусини босим остида алюминий қотишмасидан тайёрланганлиги ва умумий қилиб олганда бу объектга, еки асосий мақсад – ёнилғини ҳаво билан аралаштиришни яхшилашга ҳеч қандай

алоқаси бўлмаган таснифлардир.

Ихтиро объектининг ҳар бир гуруҳи узларига хос сифатлар билан ажралиб туради, лекин шунинг билан бирга улар узининг моҳиятига қараб умумий қонуниятларга бўйсинади. Бу қонуниятга ихтиро объекти сифат курсаткичларининг узаро боғлиқликлари ҳам киритилади. Ихтиро объектининг моҳиятини тушунтиришда нафақат асосий ва қўшимча таснифларни ёритиш, балки шу ихтирога таалуқли бўлган таснифларнинг узаро боғлиқликларини ҳам ифодалаш зарур.

Ихтиро объекти – ускуна (машина, мослама, деталь) – бир бири билан узаро боғлиқ конструктив элементлардан ёки конструктив элементлар мажмуидан таркиб топган, янги, мавжудлардан аниқ фарқ қилувчи ва фойдаланилганда ижобий самара берадиган иншоот, маҳсулот, буюмдир.

Ишлаб чиқариш ва технологик жараёнларни бажариш, табиатга таъсир этувчи еки инсоннинг талабларини қондириш учун мўлжалланган агрегатлар, машиналар, механизмлар, ишчи қуроллар, асбоблар ва бошқа меҳнат маҳсулотлари *ускуналар* деб аталади.

Ускуналар икки турга булинади.

Биринчи турга мосламалар, асбоблар, меҳнат қуроллари, тайёр маҳсулотлар киради. Уларнинг хусусиятлари шундан иборатки, на узлари, на ўларнинг таркибидаги элементлар иш жараёнида узаро функционал боғлиқ эмас, масалан слесарлик ва дурадгорлик асбоблар, йиғишдан олдин деталларнинг ҳолати.

Иккинчи турга агрегатлар, механизмлар, асбоблар, электр схемалари ва х.к, ва уларнинг айрим деталь ва узеллари иш жараёнида бир бири билан функционал боғлиқда бўлишади.

Ускунани ифодаладиган таснифлар:

1. Ускуна таркибидаги элементлар – деталлар, агрегатлар, йиғма деталлар ва шунга ухшаш яқунланган моддий бирликлар.

2 а. Элементларнинг узаро жойлашуви.

2б. Элементларнинг узаро боғлиқлиги, ёки ускуна элементларининг бир бирига таъсир этишидаги боғловчи ҳаракатлар ва ишчи аъзолар.

3. Бутун ускуна, ёки унинг бир қисми, ёки элементларнинг узаро боғлаиши шакли.

4. Ускуна таркибидаги элементларнинг улчам нисбийлиги.

5. Бутун ускуна еки элементлар гуруҳи, ёки элементлар тайерланган материал.

Биринчи гуруҳ таснифлари – асосий таснифлар, чунки уларсиз ускунани тасвир қилиш ҳам, тушуниш ҳам мумкин эмас. Агар биринчи гуруҳ таснифлари бўлмаса ускунанинг узи ҳам бўлмайди.

Одатда 1- гуруҳдаги таснифлар ихтиро формуласининг матнига қўйидаги: *таъминланган, мавжуд, жойлашган, беркитилган, киритилган, қамраб олган, жиҳозланган* каби сўзлар ёрдамида киритилади.

Иккинчи гуруҳ таснифлари – ихтиро объекти таркибида элементларнинг узаро жойлашиши ва узаро боғлиқликлари. Улар моҳияти буйича 1-гуруҳ таснифларидан кейинги таснифлар, чунки фақат элементларнинг мавжудлиги – ҳали ускуна эмас. Қачонки ускуна таркибидаги элементларнинг узаро жойлашиши ва узаро боғлиқлиги ёритилса, шундагина бу ускуна бўла олади ва бу таснифлар 2-гуруҳ таснифларга тегишли. Агарда бино қурилишида ишлатилаётган ғиштлар элемент, еки 1-гуруҳ таснифлари бўлса, ғиштларни бир бири билан боғлайдиган растрвор 2-гуруҳ таснифлари ҳисобланади.

Одатда 2-гуруҳ таснифлари ихтиро формуласининг матнида қўйидаги: *қотирилган, беркитилган, уланган, жойлашган* каби сўзлар ёрдамида киритилади. Камроқ *таъсир этади, боғланади* деган сўзлар ишлатилади, уларни ҳам иложи булса *таъсир этувчи, боғланувчи* деган сўзлар билан алмаштириш мақсадга мувофиқдир.

Ихтиро формуласида элементларнинг узаро жойлашиши ва узаро боғлиқлиги кўпроқ қўш сўзлар: *таъсир этувчи, боғланган, жойлашган, алмашган, қўшилган, бириктирилган, орқали, ҳаракат олиши учун жойлашган ёки урнатилган* ва х.к. билан ифодаланади.

Учинчи, тўртинчи ва бешинчи гуруҳ таснифлари одатда ускуна таркибидаги элементларнинг геометрик шаклини, ўзаро боғлиқлик шакллари, ўларнинг улчам нисбийлигини, ўлар тайёрланган материал турларини ифодалайди ва ўлар ёрдамчи, қўшимча таснифларга кириб, биринчи ва иккинчи гуруҳлар ифодалайдиган таснифларга аниқлик киритади, уларни конкретлаштиради. Ихтиро формуласида охириги учта гуруҳ таснифлари одатда формуланинг боғлиқ бандининг фарқ қилувчи қисмида келтирилади. Ихтиро формуласида учинчи, туртинчи ва бешинчи гуруҳ таснифлари баён этилганда *...тариқада бажарилган, қўйидагича ифодаланган, (1/2) нисбатда, П-симон, конус, цилиндр шаклида* каби сўзлардан фойдаланилади.

Ихтиро объекти – усул, услуб – янги, моҳиятли фарқлари бўлган, ишлаб чиқаришда ижобий самара берадиган узаро боғлиқ ҳаракатларини бажариш учун қўлланиладиган жараён.

Усул ускунадан еки машина ва механизмлар ҳаракатидан жараёнлар ва усулларнинг узаро боғлиқлиги бўлмаслиги билан фарқ қилади ва жараённинг умумий мақсадига бўйсинади. Шундан келиб чиққан холда қўйидагича ифодалаш мумкин.

Усул (услуг) – кетма-кет бажарилаётган операциялар мажмуи бўлиб, ўлар орасида узаро боғлиқлик бўлмайди, фақат ўларни бирлаштираётган нарса – бу усулнинг умумий мақсади.

Усулларга қўйидагилар киради:

а) хомашё ва материалларни қазиб олиш ва тайёрлаш;

б) моддий объектларни фойдали узгартириш мақсадида бажарилган технологик жараёнлар. Бунга хомашё ва ярим фабрикатларни тайёр маҳсулотларга айлантириш учун бажарилаётган жараёнлар;

в) тайёр маҳсулотларни зарарли таъсирлардан сақлаш усуллари, сифатини таъминлаш, озиқ-овқат ва маҳсулотларни маркалаш, қадоқлаш, жойлаштириш, тахтлаш;

г) табиатда мавжуд ёки сунъий равишда олинган объект ва ходисаларни талаб этилган улчамларга мос келишини таққослаш, улчаш усуллари, синаш ва тайёрлик назоратини ўтказиш;

д) иншоот, ускуна ва буюмларни тахтлаш, йиғиш ва ўрнатиш; е) машина, агрегат, ускуна ва поток линияларнинг нормал

ишлашини таъминлаш мақсадида ростлаш, созлаш, бошқариш, аварияларнинг олдини олиш жараёнлари;

ж) ишлаб чиқариш ва бошқа чиқиндиларни йўқ қилиш ва қайта ишлаш, ташқи муҳитни ифлосликдан сақлаш ва ҳимоя қилиш;

з) табиий жараён ва ходисаларни фойдали йуналтириш мақсадидаги таъсир усуллари, чуқувчи қумларни мустаҳкамлаш усуллари, ўсимлик ва ҳайвонларнинг усиши учун қўлланиладиган усуллар, селекция ва гибридизация;

и) инсон ва ҳайвонларнинг касаллигини олдини олиш, аниқлаш ва даволаш усуллари.

Усулни ифодаладиган таснифлар:

1. Аниқ мақсадга эришиш учун қўлланилаётган усул ва операциялар ёки ҳар хил мақсадли йўналтирилган ҳаракатлар. Бу ҳаракатларнинг бажарилиши ва кетма-кетлиги жараённинг тугалланишидан далолат беради

2. Жараёнларнинг бажарилиш тартиби. Технологик жараёнларининг бажарилиши ҳар хил бўлиши мумкин. Кўп ҳолда бир турдаги жараёнларнинг бажарилиши бир хил операциялардан иборат бўлиб, фақат уларнинг кетма кетлиги ҳар хил бўлиши мумкин.

3. Жараёнларни бажариш режимлари ёки улчамлари (температура, босим, концентрация, кимеда – вақт, металлга ишлов беришда – йуниш кучи, кескичнинг қаттиқлиги ва х.к.).

4. Жараён бажарилишида қўлланиладиган материалларнинг бир бирига нисбати.

5. Жараён бажарилишида элементларнинг (аппаратлар, машиналар, механизмлар, назорат-улчов асбоблари ва х.к.) ва материалларнинг (хомашё, ярим хомашё, катализаторлар) қўлланиши.

Бу ерда ҳам ускунадаги сингари биринчи тасниф асосий тасниф ҳисобланади.

1-гурӯҳдаги таснифлар ихтиро формуласи матнига кўп қўлланадиган, номи эса қоладиган (иситади, пресслайди, жипслайди, кўшади, тортади, суюклаштиради, аралаштиради, тешиб чиқади, уриб чиқади) термин ва сўзлар билан киритилади.

2-гурӯҳдаги таснифлар 1- гурӯҳ таснифлари билан яқин боғлиқ, чунки бунда ҳам жараёнлар кетма кет ҳолатда бажарилади ва ихтиро формуласининг матнига киритишда штамповкадан олдин қиздирилади, сульфат кислота қўшилгандан кейин аралаштирилади кабига ўхшаш терминлардан фойдаланилади.

3-гурӯҳ таснифлари ихтиро формуласи матнига қўйидаги олдин, кейин, изидан, бир вақтда, кетма-кет, параллел, ундан кейин каби сўзлар билан киритилади.

4-гурӯҳ таснифлари жараёнларни бажариш режимларига таалуқли бўлиб, ўлар 1- ва 2- гурӯҳ таснифларини конкретлаштиради. Жараён бажариш режими деб ўни бажарилишининг аниқ шакли айтилади. Масалан, иситиш жараёнини бажариш усулида температуранинг аниқ интерваллари ва шу температурани сақлаб туриш вақти кўзда тутилади.

5-гурӯҳнинг маълум бўлган таснифлари одатда ихтиро формуласига киритилмайди, янги таснифлари эса ўнинг фарқ қилувчи қисмида қўшимча сифатида киритилади.

Ихтиро формуласи матнига 3-гурӯҳ таснифлар албатта оралик улчамлари билан киритилади. Масалан: 20-500С температурага қадар, 1,5 дан 2,0 МПа босимда ва х.к.

6-гурӯҳ таснифлари – усулда қўлланилаётган модда ва материалларнинг миқдори ва нисбатига таалуқли. Одатда улар кимёвий жараёнда ёки янги модда олишда қўлланадиган таснифни ифодалашда ишлатилади ва ихтиро формуласининг қўшимча қисмига киритилади.

7-гурӯҳ таснифлари жараёнда ҳар хил элементларни (материалларни) қўллашда фойдаланилади. Элементларни мустақил ифодаладиган таснифлар ихтиро формуласининг қўшимча бандига киритилади, материалларни ифодаладиган таснифлар – асосий бандига киритилади.

Ихтиро объекти – модда – янги, моҳиятли фарқга эга, сунъий равишда узаро боғлиқ элементлар, ингредиентлар ёрдамида яратилган моддий бирикма бўлиб, ишлаб чиқаришда фойдаланилганда ижобий самара беради.

Ихтирочилик ҳуқуқида модда – сунъий равишда олинган материаллар, одатда тузилиши бўйича улар бир хил таркибда бўлиб, ҳар хил элементларни тайёрлашда ёки тайёр маҳсулот сифатида фойдаланилади:

1. Ингредиентларни механик аралаштириш натижасида ҳосил бўлган модда, масалан: аралашмалар, қора ва рангли металлларнинг ҳар хил маркалари, турли конструкцион материаллар ва х.к.

2. Физик-кимевий узгаришлар натижасида пайдо бўлган моддалар. Бунда механик аралаштириш билан кузга илинмайдиган даражада кимевий жараёнлар ҳам содир бўлади. Қотишмалар, керамик массалар, қурилиш материаллари, ойналар ва х.к. таркибда кўп миқдорда ҳар хил молекулардан иборатлиги учун уларни аниқ бир кимевий формула билан ифодалаш қийин.

3. Кимевий усул билан олинган моддалар ёки кимевий бирикмалар, шу жумладан юқори молекуляр моддалар.

Нокимевий усул билан олинган моддалар қўйидаги хусусиятларга эга:

1. Ингредиентлар ёки моддага ишлов берилгандан кейинги компонентлари, масалан: эритишдан кейин.

2. Ингредиентларнинг узаро жойлашуви

3. Айрим ингредиентларнинг шакли.

4. Ингредиентлар пропорцияси (нисбати).

5. Ингредиентлар таснифи.

1- гуруҳ таснифлари энг аҳамиятли таснифлар ҳисобланади. Ингредиентсиз ҳеч қандай моддани тасаввур қилиш мумкин эмас. Модданинг таркибида янги ингредиент бўлсагина у моддани янги дейиш мумкин, чунки янги ингредиент одатда моддада янги хоссаларни пайдо қилади, бу эса моддадан фойдаланишда ижобий самара беради.

2- гуруҳ таснифлари – ингредиентларнинг узаро жойлашиши – нокимевий усулар билан олинган моддаларда жуда кам фойдаланилади. Кимевий усулда олинган моддаларда бу гуруҳ ингредиентлари модданинг таркибий формулаларини ифодалайди.

3- гуруҳ таснифлари – айрим ингредиентларнинг шакли – одатда ихтиро формуласининг қўшимча бандларида ишлатилади. Ихтиронинг асосий бандида ўлар, деярли фойдаланилмайди, фақат ингредиентларга тасниф беришда қўлланилади.

4- гуруҳ таснифлари – ингредиентларнинг нисбати – 1-гуруҳдан кейинги ўринда турувчи таснифлар бўлиб ихтиро формуласининг ҳам асосий, ҳам қўшимча бандларида фойдаланилади. Одатда, ихтиро формуласида ингредиентлар нисбати конкрет берилмасдан, уларнинг

қиймати қандайдир чегара орасида берилади, аниқ рақамлар билан нисбат қийматини ихтиро матнида бериб кетиш мумкин.

5- гуруҳ таснифлари – ингредиентлар таснифлари – одатда ихтиро формуласининг қўшимча бандларида иштирок этади, асосий бандида эса фақат ингредиентларнинг номини аниқлаш мақсадида қўйилади.

Янги кимёвий структураларга эга бўлган ва фойдаланилганда ижобий самара берган кимёвий бирикмалар ихтиро объекти бўлиши мумкин. Аввал структураси маълум бўлиб, биринчи марта синтезланган кимёвий бирикмалар ихтиро объекти бўла олмайди, ихтиро объекти бўлиб фақат синтезлаш усули бўлиши мумкин.

Ихтиро объекти – фойдаланишда қўлланиладиган ихтиро.

Юқорида айтилган фикрлардан мавжуд прототипларни: *ускуна, машина, механизм, усул, моддаларни* такомиллаштириш, яхшилаш, ёки ўларнинг янгиларини яратиш - ихтирочиликда анъанавий усул ҳисобланади.

Иккала шароитда ҳам ихтирочилик ижоди маълум бўлган предметларнинг структурасини такомиллаштириш, ёки янги схемали ускуналар, миқдори узгарган, сифати яхшиланган, технологик узгарган, жойлашишга оид ечимлар, янги структуравий ечимларни ахтариш ва яратиш билан боғлиқдир. Лекин вақт тақозаси билан, айниқса, охириги йилларда ихтиро соҳасидаги изланишлар бошқа, анъанавий бўлмаган усуллар билан маълум объектлардан фойдаланиш йўллари ахтаришмоқда. Бу ерда гап *фойдаланишда қўлланиладиган ихтиролар* тўғрисида кетмоқда. Бу гуруҳга янги ихтиро қилинган объектлар билан бир қаторда аввал ихтиро этилган ускуна, машина, механизмлар, усул, услублар, моддалардан самарали фойдаланишдаги ечимлар киради. Фойдаланишда қўлланиладиган ихтироларнинг ҳуқуқий ҳимоя масалалари ҳали тўлиқ ўрганилгани йўқ. Кўп йиллар давомида фойдаланишда қўлланиладиган ихтиро деганда, биз ихтироларни ноқонуний фойдаланиши деган иборани тушуниб келганмиз. Янги низом ва норматив ҳужжатларда аввал маълум булган ихтиро объектларини янги вазифани бажаришда қўлланилиши ҳам ихтиро деб ҳисобланган.

Одатда ихтиро маълум объектларни: ускуна, машина, механизм, усул, услуб, моддаларни такомиллаштиришга боғлиқ бўлади. Бу такомиллаштиришлар, ўзгаришлар янги конструктив, миқдорий, схематик, технологик сифат курсаткичларига олиб келади. Масалан, электродвигатель ёки йиғиш асбобларни, мойлаш материалларни, коррозияга қарши қопламларни такомиллаштириб ихтирочи ушбу объектларнинг маълум сифатларини яхшилашга уринади. Агарда ускуна, усул ва моддага таалуқли ихтиролар – сунъий, синтезланган предметлар бўлса, ўлар қандайдир бир

аниқ усулда фазода ва вақтда сифатланишса, фойдаланишда қўлланиладиган ихтиролар эса маълум объектларни янги, одатда бўлмаган сифатда бўлади.

Кўз касаллигида фойдаланиладиган тонометрни ишлов берилган металл юзасининг тозаллигини аниқлашда қўлланилиши, ёки электрохимевий аккумуляторлардан электр конденсаторлар сифатида фойдаланиш мисол бўлиши мумкин. Лекин тўғридан тўғри маълум нарсаларни бошқа вазифада фойдаланиб – бу ихтиро бўлади деб бўлмайди. Фойдаланишда қўлланиладиган ихтироларнинг қатор дифференциал кўрсаткичлари бор.

1. *Функционал ихтиролар.* Бу турдаги ихтиролар маълум бўлган объектни бошқа вазифада қўллаб ўндан янги бир хусусиятни аниқлаш.

2. *Ўтказиш (фойдаланиш учун) ихтиролар.* Бу турдаги ихтиролар янги мақсадга эришиш учун шу объектнинг эски, маълум бўлган сифатларидан фойдаланилади ва шу билан аввал маълум бўлган объект бошқа бир соҳада қўлланиб кетилади.

3. *Селектив (ажратиб олинган) ихтиролар.* Бу турдаги ихтиролар маълум моддалар ёки моддалар гуруҳида ихтирочи томонидан аниқланган муҳим хусусиятлари туфайли фойдаланилади.

1.3. Патентнинг ҳуқуқий субъектлари. Муаллифлик. Патент берилмайдиган ҳолатлар ва субъектлар

Ихтиро, фойдали модель ва саноат намунасига муаллифлик

Ихтиро, фойдали модель, саноат намунасини ижодий меҳнати туфайли яратган шахс муаллиф деб тан олинади. Агарда ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси бир неча шахснинг қўшма ижодий меҳнати туфайли яратилган бўлса, шахсларнинг барчаси муаллиф деб ҳисобланади. Ихтиро, фойдали модель, саноат намунасидан фойдаланиш тартиби муаллифлар ўртасида келишувга асосан амалга оширилади.

Ихтиро, фойдали модель, саноат намунасини яратишда шахсий ижодий ҳиссасини қўшмаган, фақат муаллифларга техникавий, ташкилий ёки моддий кумаклашган, ёки ихтиро, фойдали модел, саноат намунасини хужжатлаштиришда ва улардан фойдаланишда ёрдам, маслаҳат берган шахслар муаллиф деб тан олинмайди.

Ихтиро, фойдали модель, саноат намунасига патент қуйидаги ҳолларда берилади:

- ихтиро, фойдали модель, саноат намунасининг муаллифига;
- юқорида зикр этилган муаллифнинг ворисига;
- Ўзбекистон Республикаси саноат мулкининг Давлат фондига, қачонки ихтиро, фойдали модель, саноат намунасидан фойдаланиш ҳуқуқини

муаллиф давлат ихтиёрига берса. Янги тахрирдаги низомда, бу банд вақтинча олиб ташланган.

- иш берувчига (идора, корхона, муассаса, фирма, қўшма корхона), агарда иш берувчи ва ишловчи томонидан тузилган шартномага асосан муаллиф патент ҳуқуқини иш берувчига берилишига рози бўлса. Шу шартномада ишловчига (патент эгасига) моддий таъминот, нафақа, яшаш шароити, маънавий, ҳамда ихтиро, фойдали модель, саноат намунасига патент олинса иш берувчининг кафолатланган мажбуриятлари ҳам курсатилади. Шартнома асосида ишловчи узининг хизмат доирасидаги вазибаларни бажаришда, ёки берилган топшириқнинг аниқ масалаларини ҳал қилганда ихтиро бўйича шартнома тузилади.

Агарда иш берувчи ва ишловчи томонидан шундай шартнома тузилмаган бўлса ихтиро, фойдали модель ёки саноат намунасига патент муаллифга берилади ва ўнда иш юритувчи бу патентдан фойдаланиш учун лицензия шартномаси тузади ва кейингина фойдаланади.

Патент эгаси ўзининг патентини ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахсга фойдаланиш учун бериши мумкин, фақатгина шартнома Ўз Р Патент Агентлигида қайд қилиниши лозим.

Патент эгасининг асосий ҳуқуқлари

Ихтиро муаллифларининг ҳуқуқлари

Ихтиро муаллифларининг ҳуқуқлари ва ўларга бериладиган турли имтиёзлар мамлакат қонунлари билан белгиланган бўлиб, ўлар турли ва кўп қиррали. Улар фуқаро, меҳнат, маъмурий, молиявий ҳуқуқларда акс эттирилган.

Ихтиро яратишда ёки ихтиро муаллифининг қандай ҳуқуқлари бўлиши мумкин? Айрим ҳолларда адабиётларда бу тўғрисида алоҳида ҳуқуқлар кўрсатилмаган.

Булар бўйича батафсил тушунчага эга бўлиши учун бу ҳуқуқларни куйидаги тоифаларга булиш мумкин.

1. Ихтиро таклифларини уз вақтида аниқлаш, ҳужжатлаштириш учун муаллифнинг ҳақи борлиги.

2. Муаллифлик гувоҳномаси ёки патент билан белгиланган ҳуқуқлар. Бу ҳуқуқлар уз навбатида икки хил бўлади.

а) ҳимояланган ҳужжат (муаллифлик гувоҳномаси ёки патент) орқали бериладиган ҳуқуқлар;

б) айнан ҳар бир ихтирога боғлиқ бўлмаса ҳам ҳимояланган ҳужжат эгаларининг ҳуқуқлари.

3. Бошқа ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ва уларни бажариш бўйича

муаллиф ҳуқуқлари.

Кашфиёт, ихтиро муаллифларининг шахсий ҳақ ҳуқуқларидан энг аҳамиятлиси – муаллифлик ҳуқуқи, чунки бу ҳуқуқ барча бошқа ҳуқуқларни белгилайди.

Муаллифлик – аниқ ишланмани якка шахс ёки бир гуруҳ шахсларнинг фаолиятига таалуқлигини акс эттирадиган жамоа фикри. Буни мисол тариқасида эски замонларда, ҳали ихтиролар қайд қилинмаган пайтларда машҳур янгиликлар яратган Архимед, Леонардо де Винчининг ихтироларидан келтириш мумкин ва бунда янгиликларнинг номи билан муаллифларнинг ҳам номи маълум бўлган.

Ихтирочилик қонунларида бу ҳуқуқ Давлат идоралари томонидан берилган ҳуқуқий ҳимоя ҳужжати – патент билан ифодаланади.

Муаллифлик расмий тан олиниши бу муаллиф шахсдан ташқари ҳар қандай шахс учун муаллифликни узига ўтказиш, ҳужжатда курсатилган муаллифни эътироз этиш, хуллас муаллифликка путур етказишга йўналтирилган ҳаракатларни тақиқлайди.

Муаллифликни тан олишда муаллиф томонидан ихтирога қўшимча исм ёки махсус ном ҳам берилиши мумкин. Бунинг учун Патент Агентлигига ариза бериш пайтида, ёки ариза берилгандан кейин, лекин патент бериш тўғрисидаги қарор қабул қилингандан 2 ойдан ошмаган муддатда талаб аризасини бериш мумкин.

Агарда ихтиро муаллифлари бир неча киши бўлса унга исм ёки махсус ном берилиши учун ҳамма муаллиф ёки ариза берувчиларнинг розилиги керак. Ихтирога берилган исм ёки ном патент номида, ҳамда чиқарилган маҳсулотнинг ўзида, идишида, техник ҳужжатларида акс эттирилади.

Патент эгасининг ҳуқуқлари

Патент томонидан берилган ҳуқуқларни патент эгаси давлат, жамоат манфаатларига зид булмаган ҳолда фойдаланиши мумкин.

Агарда ихтирога берилган патент эгаси ихтиродан 4 ой муддатда, фойдали моделга берилган патент 3 ой муддатда фойдаланмаса, ёки тулик фойдаланмаса ҳар қандай шахс патентдан фойдаланишни хоҳласа ва патент эгаси лицензия шартномасини тузишдан бош тортса Ўзбекистон Республикаси суд идораларига лицензияни ўнга мажбурий олиб бериш учун мурожаат қилиши мумкин.

Агарда патент эгаси томонидан юқорида курсатилган муддатларда патентдан фойдаланилмаганлиги, ёки тулик фойдаланилмаганлигини узрли сабабларга кура бажарилмаганлигини исботлай ола олмаса, суд идоралари патентдан фойдаланиши, ундан фойдаланиш муддати, фойдаланиш

чегараларини аниқлаб мажбурий лицензияни олиб бериши мумкин. Бунда лицензия нархи, лицензиянинг бозор нархидан кам бўлмаслиги керак.

Патент берилган ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси ёки усул, услубга берилган патент, патент доирасида рўхсатсиз маҳсулот чиқариш, маҳсулотлардан фойдаланиш, уларни олиб кириш, сотиш патент эгасининг ҳуқуқини бузган деб ҳисобланади.

Патент эгасининг ҳуқуқи қуйидаги ҳолатларда бузилмаган деб ҳисобланади.

- хориж мамлакатларнинг дарё кемаларида, кема бортларида, кемадаги машина, ускуналарда ва бошқа механизмларда патентлар билан ҳимояланган ихтиро, фойдали модель, саноат намуналаридан фойдаланилган бўлса ва ушбу кемалар Ўзбекистоннинг сув ҳавзасида вақтинчалик фаолият курсатса ва ушбу патентланган жихозлар кема учун зарурият сифатида бўлса;

- хориж мамлакатларнинг ҳаво, космик ёки ер усти транспорт воситалари ёки уларни ҳаракатланувчи ёрдамчи воситаларида патентланган ихтиро, фойдали модель, саноат намуналари фойдаланилган бўлса, ҳамда ушбулар Ўзбекистон ҳаво ҳудудида вақтинча ёки тасаддуфий ҳолатда фаолият курсатса;

- таркибида ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси аломатлари мавжуд ускуналар устида илмий тадқиқотлар ёки тажрибалар ўтказилса;

- шифокор рецепти (буюртмаси) асосида бир мартаба дорихона шароитида дори тайёрлаш;

- табиий офат, эпидемия ва бошқа фавкулотдаги вазиятларда ихтиро, фойдали модель ва саноат намуналарига берилган патент аломатлари бўлган ускуналардан фойдаланилса. Бунда ушбу вазият бартараф этилгандан кейин патент эгасига компенсация туланади.

- ихтиро, фойдали модель, саноат намунасига берилган патент аломатлари мавжуд ускуналардан қонуний равишда фойдаланилса.

Товар белгисига сертификат эгаси товар белгисидан тўлиқона фойдаланишга ва бошқаларни ундан фойдаланишига тақиқлаш ҳуқуқига эга, ҳеч ким товар белгиси муаллифининг розилигисиз ундан фойдаланиши мумкин эмас.

Бошқа бир шахс томонидан товар белгиси муаллифининг рўхсатсиз маҳсулотларни белгилаш, уларни рекламасида, Республикада ўтказиладиган кургазма, ярмаркаларида фойдаланиш тақиқланади.

Агар жисмоний ёки юридик шахс Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ихтиро, фойдали модель, саноат намунасига берилган приоритет муддатидан

илгари янгилик аломатлари бўлган ушбуларни тайёрлаб фойдаланилган бўлса улар ундан сонини купайтирмасдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳар томонлама патент эгасининг ҳуқуқини ҳимоялайди.

Масалан, бошқа бир муаллиф яратган ихтирони ноқонуний равишда узлаштирган ва унга патент олинган бўлса, суд масалани куриб чиқиб берилган патентни инкор қилиши мумкин ва ушбу ихтирони яратган муаллифга патент берилишига қарор чиқариш мумкин. Агарда бир ташкилот, корхона ихтиродан фойдаланган, лекин фойдаланилганлигини асоссиз, ихтирога таалукли эмас, лекин ва ихтиро муаллифининг ҳуқуқини тан олса, бундай ҳолат муаллифнинг ҳуқуқини торайтириш деб ҳисобланади. Бундай ҳолатларда суд масалани куриб чиқиб, чиқарилган маҳсулот ихтирога таалуклигини исботлаб муаллиф ҳуқуқини тулиқоналигини тиклайди.

Муаллифнинг ҳуқуқини ҳимоя қилишда маъмурий тартиб ҳам мавжуд. Бу тартиб одатда ҳуқуқни бошқариш ва назорат қилиш органлари томонидан амалга оширилади.

Маъмурий тартиб купроқ ихтирога доир ҳужжатларни расмийлаштириш пайтида учрайди ва қўйидаги ҳолларда бўлиши мумкин:

- ихтирога берилган аризани қабул қилиш ва уни куриб чиқишдан бош тортиш. Бу ҳолатда ихтиро муаллифлари Интеллектуал мулк агентлиги томонидан белгиланган муддатда куриб чиқилмаса ёки куришдан бош тортса Давлат комитетига эътироз хатини бериш мумкин. Бунда албатта ихтирога берилган ариза ва бошқа ҳужжатлар белгиланган тартиб асосида тулиқ бажарилган бўлиши керак.

- ихтиронинг сифатига берилган тасниф бўйича баҳслар. Бу ҳолат ихтирога берилган аризани белгиланган талабларга жавоб бермаганлиги учун экспертиза томонидан рад жавоб берилганда учрайди. Бу баҳслар одатда «муаллифнинг кашфиёт ёки ихтирога рад берилган жавоби билан норозилиги» деб аталади. Бундай рад жавоблар турли вазиятларда бўлиши мумкин, масалан янгилиги йўқлиги, аниқ фарқларнинг мавжуд эмаслиги ёки ижобий самара бермаслиги туфайли.

Патент берилмайдиган ҳоллар

Ихтирога агар у янги бўлса, ихтиролик даражаси бўлса ва қўлланилиши мумкин бўлса ҳуқуқий ҳимоя берилади.

Қўйидаги ҳолатларда ихтирога патент берилмайди:

- илмий назария ва математик услублар;
- хўжаликни ташкил этиш ва бошқариш усуллари;
- фикрий (руҳий) жараёнларни бажариш усуллари;

- хисоблаш машиналар учун алгоритм ва дастурлар;
- бино, иншоот ва худудларнинг лойиҳалари ва уларни жойлаштириш;
- эстетик талабларга оид, маҳсулотларнинг фақат ташқи куринишини ўзгартиришга қаратилган таклифлар;
- ўсимлик навлари ва ҳайвонлар зотлари;
- интеграл микросхема топологиялари;
- гуманизм, жамоат манфаатларига зид булган ечимлар.

Фойдали модель агар у янги бўлган, ишлаб чиқаришда қўлланиш имконияти бўлган ишлаб чиқариш ва истеъмол буюмлар ва уларнинг таркибий қисмларининг конструктив ечимларига берилади.

Моддалар, усуллар, микроорганизм штамлари, ўсимлик ва ҳайвонлар клеткаларининг турлари ва уларни бошқа бир, янги мақсадда фойдаланишга қаратилган ечимларга ҳимоялаш ҳуқуқи берилмайди.

Агарда фойдали модель муаллифи, ёки муаллиф номидан бошқа бир шахс, фойдали модель аломатларини ва маълумотларини оммавий равишда баён этса ва бунда ҳимоя қилиш учун Интеллектуал мулк агентлигига маълумотлар баён этилгандан кейин 6 ой ичида ариза топширилган бўлса фойдали моделнинг янгилик хусусияти йуқолмайди. Бу ҳолатни исботлаш вазифаси ариза берувчининг зиммасига юклатилади.

Саноат намунасига маҳсулотнинг ташқи кийёфасига таалуқли бадий ва конструктив безак беришга оид ечимлар киради саноат намунасига агарда у янги бўлса, оригинал ва саноатда қўлланилиши мумкин бўлганда ҳуқуқий ҳимоя берилади.

Қуйидаги ҳолатларда ҳуқуқий ҳимоя берилмайди:

- маҳсулотнинг фақат техник тафсилотларига таалуқли бўлса;
- гуманизм ва жамоат манфаатларига қарши бўлса;
- архитектура (меъморчилик) объектларига, шу жумладан саноат, гидротехник ва бошқа стационар объектларига, бундан кичик меъморчилик шакллар истасно.

- чоп этиладиган буюмларга;
- суюқ, газсимон, силжиб тушиб кетадиган (қум, бархан ва х.к) доимий шаклини сақлаб қолмайдиган объектларга.

Товар белгиси ва хизмат белгиси - бир жисмоний ёки юридик шахс томонидан тайёрланган маҳсулот ёки хизматни бошқа жисмоний ёки юридик томонидан шунга ўхшаш бошқа жисмоний ёки юридик томонидан тайёрланган буюм, маҳсулот ёки хизматни ажратиш учун белгиланган белгилар.

Товар белгиси сифатида сузлар, бадий белгилар, ҳажмли ва бошқа белгилар ҳимоя қилиниши мумкин.

Қуйидаги ҳолларда товар белгиси ҳуқуқий ҳимояланмайди:

- белгиларда бир биридан фарқ қиладиган аломатлари бўлмаса.
- давлат герби, байроқ ва эмблема (нишонлар) давлатнинг номи, халқаро, давлатлараро ташкилотларнинг, корхоналарнинг қисқартирилган номлари, кафолат муҳрлари, орден, медаллар ва бошқа фарқловчи белгилар. Бундай белгилар ҳуқуқий ҳимояланмайдиган элементлар бўлиб товар белгисининг таркибига киритилиши ёки товар белгиси эгасининг расман розилиги бўлса;
- маҳсулотнинг нархи, сони, хусусияти, чиқарилган жойи ва вақтига;
- агарда белги чиқарилган маҳсулот ва уни тайёрловчи тўғрисида истеъмолчини чалғитадиган маълумот берадиган бўлса;
- Ўзбекистон Республикасида бошқа шахсга таалукли бўлган саноат намуналарига;
- розилигисиз муаллифнинг ёки тегишли ташкилотнинг маълум бўлган илмий адабиёт ва саноат асарларига ва улардан келтирилган жумлаларга;
- таниқли шахсларнинг розилигисиз уларнинг исми, шарифи, тахаллуси.

1.4. Ихтирони аниқлаш усуллари ва интеллектуал мулкка патент олиш қоидалари

Ихтироларни аниқлаш

Давлатимизнинг техник тарраққиёти куп жиҳатдан ихтирочилик фаолиятини ташкиллаштириш, такомиллаштириш бўлиб ўнинг асосий ишларидан биттаси ижодий таклифларни излаш, аниқлаш ва рўёбга чиқаришдир. Янги технология ва машиналарнинг пайдо бўлиши биринчи навбатда ихтирочиларга боғлиқ бу давлатнинг долзарб масалаларига киради ва бунга маъсул этиб корхона, ташкилот раҳбари тайинланган.

Ихтирони аниқлаш – бу кўп миқдордаги конструкторлик ҳужжатлар, лойиҳа ечимлари, илмий тадқиқот ишлар ва бошқа манбалар ичидан ижобий самара берадиган, дунёвий янгилиги мавжуд, бошқалардан тубдан фарқ қиладиган техник ечимларни топишдир.

Ихтиро объектларини ўз вақтида аниқлаш бу биринчидан давлат мавкеини мустаҳкамлаш, иккинчидан ўз вақтида ҳужжатлаштирилган ихтиро чет давлатдаги мутахассисларга ушбу янгилик бўйича ихтиро яратиш имкониятини бермайди ва учинчидан, ҳар бир аниқланган ва патент олинган

ихтиро мамлакатимизнинг ихтиро фондини бойитади ва тўртинчидан бунинг мамлакатда ихтирони аниқламасдан туриб уни чет давлатда ҳимоялаб бўлмайди. Бу борада хориж мамлакатларда бизнинг ихтироларимизни патентлаш, лицензияларни сотиш катта иқтисодий самара беради. Шунинг учун ривожланган хориж мамлакатларда ишлаб чиқаришдаги инженер – техник ходимларнинг асосий кўрсаткичи сифатида ихтиролар яратиш ҳисобланади. Масалан Германияда ҳар бир лойиҳачи уч йилда 1 та ихтирога патент олади, ёки 1000 та лойиҳачи бир йилда 300 та ихтирога патент олади. Бу кўрсаткич Францияда – 150 та, Англияда – 115 та. Шунинг билан бирга айтиш керак, бизнинг давлатимизда айрим раҳбарлар бу масалага жиддий қарашмайди, ихтиро, кашфиётларга патент олиш ишлари бу муаллифнинг шахсий иши деб ҳисоблайди. Кўп ҳолларда бу ихтирочининг моддий, ташкилий тарафлардан қўлидан келмайди.

Ихтирони аниқлаш – мураккаб иш, ҳозирга қадар бу ишни қандай бошқариш бўйича услуб ишлаб чиқилмаган. Ихтиролар одатда янги технология, машина, ускуналар яратаётган корхона ва ташкилотларда, яъни илмий-тадқиқот институт, лойиҳа конструкторлик ташкилотларда, ҳамда ишлаётган техника ва технологиялар янгиланилаётган саноат корхоналарида вужудга келади.

Ихтирони аниқлаш манбалар қўйидагилар.

1. *Илмий – тадқиқот ва лойиҳа – конструкторлик ишланмалар*
2. *Одатдаги шароитда ишлатиладиган лойиҳа ишланмалардан бошқаларига ўтганда.*
3. *Рационализатор таклифлар.*
4. *Наширга тайёрланган ишлар (китоб, мақола, маъруза ва х.к.)*

Хулоса қилиб айтганда ихтиро манбаси бу маълумот ва ахборот. Ахборотни махсус патент манбалардан ҳам олиш мумкин ва бунда кўпроқ хориж патентлари билан танишиш керак.

Бўлажак ихтирони аниқлашни бу ишга киришилгандан кейин эмас, балки илмий-тадқиқот ва лойиҳа конструкторлик ишлар режаси тузилаётган пайтда бошланиш керак ва бу ишни режага киритиш керак.

Корхона ва ташкилотларда патент хизмати бўлимларини ташкил қилиш керак. Уларнинг вазифаси бажарилаётган илмий, лойиҳа ишларини доимий равишда назоратда тутиш, ёрдам бериш, йиллик ҳисоботларни патент экспертизасидан ўтказишдан иборат бўлиши керак.

Ихтирони аниқлаш муддати ва босқичлари

Техник ишланмаларни рўёбга чиқаришда ихтироларни аниқлаш ва ҳужжатлаштириш муддати катта аҳамиятга эга. Иложи бориша бу ишларни

тезроқ бажариш керак. Чунки худди шундай ишланма бошқа бир ташкилот ёки бошқа давлатда ҳам бошқариши мумкин. Демак, ишланмани қачон тугаллаши, қачон ҳисобот ёзилишини кутмаслик керак.

Янги техник ечим қўйидаги босқичлардан иборат:

1. *Янги ечим яратиш заруриятлигини сезиш.*
2. *Масалаларни аниқлаш ва қўйиш.*
3. *Қўйилган масалани ечиш бўйича асосий таклифни суриш.*
4. *Асосий таклифни бажариш учун лойиҳани тузиш ва аниқ техник жараёнларни ишлаб чиқиш.*
5. *Таҷриба намунасини ишлаб чиқиш, синаш, камчиликларини тўғрилаш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш.*

Ихтиро одатда бу босқичларнинг тўртинчисидан пайдо бўлади, чунки 1,2,3- босқичларида ҳали фақат гоя мавжуд, масалалар қўйилган бўлади, техник ечимлар эса 4-босқичда қилинади.

Ихтирони аниқлаш мақсадида лойиҳа устида ишлашнинг қўйидаги босқичлари мавжуд:

1. Ташкилот учун янги бўлган ишланмага техник топширик тузилишидан илгари патент ахтариш жараёнини бажариш. Бу босқичда мутахассис мавжуд технология ва техник воситалар ва адабиётлар таҳлили асосида мавзунинг бўлажак конструкциясининг скелетини асослайди. Шу босқичда нималарга ихтиро аризасини бериш мумкинлиги аниқланади. Бу босқичда одатда барча олинган ихтироларни шу мавзу бўйича 10% шаклланади ва ишланмада уларнинг 65-70% жорий этилади.

2. Техник лойиҳадаги мавжуд конструкторлик ишланмаларни асослаш учун керак бўлган эскиз ишланмалар бажарилади. Эскиз ишланмаларда бўлажак машина ёки усқунанинг бир неча хили тайёрланади ва уларнинг ичидан энг яхшиси танланади.

Бу босқичда одатда 20% ихтиролар яратилади, лекин ишланмаларда уларнинг одатда 20-30% жорий этилади.

3. Техник лойиҳани яқунлаш. Бу босқичда ишланманинг умумий чизмалари, унинг кинематик, технологик, электрик, гидравлик ва бошқа схемалари ва ўларнинг чизмалари тайёрланади. Бу босқичда 40% ихтиролар яратилади ва ўларнинг 90% машиналарга жорий этилади.

4. Техник лойиҳага киритилган узел ва агрегатларнинг ишчи чизмалари тайёрланади. Бу босқичда ихтиро яратиш кам бўлади, лекин машина ёки усқунанинг барча чизмалари бўлганлиги учун саноат намунасига патент олиш учун бу босқичда ариза тайёрлаш жуда қулай. Ихтирога эса бу босқичда 20-25% тўғри келади, лекин жорий этилиш деярли 100%, чунки

чизмалар қайта тўғриланмайди.

5. Тажриба нусхани тайёрлаш ва завод шароитида синов ва якуний синовларини ўтказиш. Бундан асосий мақсад – машинанинг заиф, ноқулай деталларини аниқлаш ва шунинг натижасида уларни алмаштириш ёки узгартиришдан иборат. Бу босқичда деярли ихтиролар аниқланмайди. Агарда кейин бир детални қайтадан лойиҳалаш керак бўлса, унда ихтиро ҳам чиқиши мумкин. Унинг қиймати 5% ни, жорий этилиши эса 100% ни ташкил этади.

Корхонада янги технология ва техникаларни жорий этиш кўп ҳолатда патент хизматининг ишнинг ташкил қилишига боғлиқ. Одатда техник ечимларни ҳал қилувчилар узининг соҳасини, машина ва ускуналарни жуда яхши билишади, лекин патент ишларидан хабари кам. Шунинг билан бирга Интеллектуал мулк агентлигининг ходимлари ихтироларни аниқлаш услуби, янгиликни, ихтиро формуласини тузишни яхши билсада, ҳар доим ҳам техниканинг ҳар соҳасида яхши мутахассис эмас. Шунинг учун уларга ўқишни ташкил қилиш керак, хуллас мутахассислар ва патент хизмати ходимлари бир бирларига яқинлашиши керак.

Патент бўлинмаларнинг мутахассисларига қўйидаги талаблар қўйилади:

1. *Узига беркитилган техника соҳасини мукамал билиш*
2. *Шу соҳада қайси техник ечим ихтиро бўлиши мумкинлигини билиш*
3. *Яратилаётган машиналарнинг хусусий ечимлари орасидан ихтиро бўлиши мумкинларини танлаб олиш*
4. *Ишланма лойиҳаловчи билан бирга бу техник ечимни қайси йўл билан танланганлиги, қандай қийинчиликлар бўлганлиги, нима асосида лойиҳада бу ечимга келганлиги тўғрисида билим олиш*
5. *Патент ишини, хусусан ихтирони аниқлаш услубиятини мукамал билиш.*

Техник ишланмаларда ихтирони аниқлаш услубияти

Техник ишланмаларда ихтирони аниқлаш услубияти

Юқорида айтилгандек, ихтирони аниқлаш бу корхонадаги ишланмалар, рационализаторлик ва бошқа таклифлар орасидан ҳуқуқий ҳимоя қилинадиган ишларни ажратиб олиш ёки янгилиги, ижобий самараси, мавжудлардан фарқ қилувчи белгилари борларини ажратиб олиш демакдир. Техник ишланмаларда ихтирони аниқлаш масаласига ўтишдан олдин техник ишланмаларда қандай қилиб эътиборли фарқларини аниқлаш услуби билан танишасиз.

Маълумки, мавжуд техник ишланма ихтиро билан солиштириб таҳлил

қилиш усули кенг тарқалган, биз ундан эътиборли фарқларни ажратишимиз керак. Бу усул ихтиро бўйича бироз бўлсада маълумот бўлса яхши самара беради. Лекин кўп ҳолларда жуда кўп ишланмалар устида ишлашган корхонада ҳар биттасини солиштириш жуда кўп меҳнат ва вақт талаб қилади. Оддийроқ, кўполроқ усули бу кўп техник ишланмалардан фақат ихтиро бўладиганлари танлаб олинади. Ва бундай ишланмалар жиддийроқ таҳлил қилиниб эътиборли фарқлари аниқланади. Аслида эътиборли ва эътиборсиз таклифлар орасида чегара йўқ.

Техник ишланмаларда эътиборли фарқларни аниқлашда қўйидаги курсаткичларга эътибор берилади:

1. Янги натижа олиш:

а) ижобий самара берувчи янги режалар билан аниқлашда объектнинг янги сифати:

б) ижобий самаранинг сифат тарафи – тезкор самара; в) олдин маълум бўлмаган ечим;

г) техника тарраққиётига қўйган ихтирочининг улуши;

д) мутахассисларнинг фикр тажрибасида қўлланилмаган ва зид бўлган лойиҳалашда янги йўналишни кашф этиш

2. Мураккаб техник ечимни ҳал қилиш:

а) ушбу объектни вужудга келтиришга зарурият

б) саноат ва халқ хўжалиги олдида ечимини анчадан бери кутаётган масалалар;

в) муаммони ҳал қилиш учун кўп марта бефойда кетган ҳаракатлар;

г) янги техник ечимда алоҳида жиддий тажрибилар мавжудлиги

3. Ихтиро бўлиши мумкин булган техник ечимлар доирасига кирувчи ишланмалар:

а) ихтирога муаллифлик гувоҳномалар намунаси. Буларга асосланиб ишланмани ихтиро деб тан олинисига зарур бўлган янгилик доираси аниқланади.

Ихтирога таклиф этилаётган ишланмада ихтиро бўлиши учун эътиборли фарқларнинг 3 та тасниф гуруҳлари мавжуд:

1. *Эътиборли фарқларни ижобий самара орқали баҳолаш усули.*

2. *Эътиборли фарқларни оддий лойиҳалаш усулидан кечиш орқали баҳолаш услуби*

3. *Эътиборли фарқларни янгилик доирасини аниқлаш орқали баҳолаш услуби.*

Техник ишланмада ихтирони аниқлаш кетма кетлиги

Техник ишланмада ихтирони аниқлаш кетма кетлиги бу аниқ конструкторлик ёки технологик лойиҳадан ихтиролик фикрни ажратишга йўналтирилган мантиқий услуб ва жараёнларнинг кетма кетлигидир.

Техник ишланмадан ихтирони аниқлаш кетма кетлиги қўйидаги босқичлардан иборат:

Биринчи босқич. Таклифни техник ечимга таалуқлиги аниқланади ёки ушбу техник ишланмани эътиборли фарқларга эгалиги, шундай масалаларда маълум ечимлар билан таққослаш ва бу объект ЎзР Патент Агентлиги томонидан патент билан ҳимояланиш доирасига кирадими ёки йўқми деган саволларга жавоб бериш.

Иккинчи босқич. Бу босқичда техник ишланмада ихтирога таалуқли ва шунга ўхшаш шу синфдаги ишланмаларга ҳам таалуқли бўлган ечимнинг мавжудлиги аниқланади. Одатда агар ечим фақат битта ишланмада қўлланиладиган бўлса ёки шу ишланма учун янгилик бўлса унга кўп ҳолларда патент ёки гувоҳнома берилмайди. Демак конкрет мавжуд ишланмада шундай техник ечимларни аниқлаш керакки, натижада улар нафақат шу корхона ёки цех учун янгилик балки бутун соҳа шароитида ҳам қўлланиш мумкинлиги бўлиш керак.

Учинчи босқич. Бу босқичда аниқланган ва умумлаштирилган техник ечим учун патент-техник маълумотларнинг тулиқлиги аниқланади.

Тўртинчи босқич. Бу босқичда техник ечим пайти объектнинг усул, ускуна, модда ёки фойдаланиш учун таалуқлиги аниқланади.

Бешинчи босқич. Бу босқичда ихтиронинг мақсади аниқланади. Бунда бир нечта мақсад бўлиши мумкин, бу ҳолатда ихтирони параллел равишда бир нечтага булиш керак бўлади.

Олтинчи босқич. Бу босқичда куриладиган техник ечимнинг патент-ахборотлари орқали аналог (ухшаш ечими) топилади. Аналог техник моҳияти ва натижаси билан техник ечимга ўхшаш ва унинг сифат курсаткичлари жуда яқин бўлади.

Аналогларни аниқлаш усуллари ҳар хил бўлади.

а) ихтиро матнлари билан танишиш.

б) куриб чиққан аналоглар бўйича каталог тузилади.

в) топилган аналоглар ичидан техник моҳияти ва охирги натижаси бўйича энг яқини танлаб олинади.

Еттинчи босқич. Бу босқичда техник ечимнинг эътиборли фарқлари аниқланади. Эътиборли фарқлар юқорида айтиб утилган усуллар бўйича аниқланади. Шу билан техник ишланманинг ихтирони аниқлаш босқичи

яқунланади.

Ихтирога, фойдали модель, саноат мулкига патент ва товар белгисига гувоҳнома олиш учун бериладиган аризалар

Ариза бериш қоидалари

Ихтиро, фойдали модель, саноат намунасига патент, ихтиро ва саноат намунасига дастлабки патент олиш учун аризалар Патент Агентлигига берилади.

Аризалар қўйидагилар томонидан берилади:

а) ихтиро фойдали модель, саноат намунаси муаллифи томонидан;

б) иш берувчи томонидан (иш берувчи ва ишловчи томонидан келишув шартномаси булса);

в) жисмоний ёки юридик шахс томонидан, агарда муаллиф ёки иш берувчи узининг ариза бериш ваколатини шартномага мувофиқ қонуний равишда ворис сифатида ўнга ўтказса;

г) Патент Агентлигидан рўйхатдан ўтган ишончли патент вакили томонидан агарда ариза берувчи чет эл фуқораси ёки юридик шахси бўлса;

Агарда иш берувчи – корхона, ташкилот раҳбари ишловчи томонидан ихтиро яратганлиги тўғрисида огоҳлантирилган бўлса, лекин 3 ой муддатда иш берувчи ариза бермаса, ишловчи – муаллиф патентни уз номига олиши мумкин. Бундай ҳолатда иш берувчи ушбу патентдан фойдаланиш учун муаллиф билан лицензион шартнома тузади.

Мамлакатдан ташқаридаги фуқаролар ва фуқоралиги йўқ шахслар, ёки хорижий юридик шахслар доимий равишда чет давлатларда яшаб келган, ёки уларнинг Патент Агентлигидаги ишончли вакиллари ихтиро, фойдали модел ёки саноат намунасига патент олиш ва ўни сақлаш ишларини Патент Агентлиги орқали, ёки Патент Агентлигида рўйхатдан ўтган вакиллари орқали олиб боришади.

Ихтирога патент олиш учун бериладиган аризалар.

Ариза битта ихтирога ёки бир бири билан узвий боғлиқ бўлиб ягона ихтиро аломатлари бўлган бир нечта ихтироларга таалуқли бўлиши керак.

Ихтирога ариза қўйидагилардан иборат:

1. Патент олиш учун ариза. Аризада албатта муаллиф (муаллифлар) курсатилиши керак. Ихтиро муаллифлари ариза берувчи ташкилот (иш берувчи) муаллифларнинг яшаш жойи ва худуди:

2. Ихтирони ҳаётга татбиқ этиш учун етарли бўлган унинг моҳиятини тулиқ ёритган ихтиро матни;

3. Ихтиро матнига тўлиқ асосланган, унинг моҳиятини тушунтирадиган ихтиро формуласи

4. Ихтиро моҳиятини тўлиқ тушунтириш учун, керак бўлса чизма ва бошқа материаллар;

5. Реферат

6. Ихтирога берилган аризада белгиланган миқдорда бож туловини тасдиқловчи ҳужжат.

7. аризалар ва бошқа ҳужжатлар ўзбек ёки рус тилларда тузилади. Ким томонидан ариза берилишига қараб ариза матни турлича бўлади.

8. корхона, ташкилот, муассаса номидан ихтиронинг хақиқий муаллиф (муаллифлар) ига ихтиро улар томонидан хизмат доирасида бажарилганлиги учун;

9. муаллиф ёки ҳаммуаллифлар номидан, агарда ихтиро хизмат доирасидан ташқари ҳолатда тузилган бўлса. Бунда ариза корхона орқали ҳулосаси билан жунатилади.

Аризани тўлдиришда қуйидагиларга эътибор бериш керак:

1. *Ариза берувчи ташкилот, корхонанинг номи қисқартирилмасдан тўлиқ ёзилиши керак.*

2. *Ташкилот, корхона номидан ариза берилганда Интеллектуал мулк агентлиги ташкилот, корхона билан алоқа қилади.*

Агарда ариза бир неча муаллиф ёки бир неча корхона, ташкилот томонидан берилса, аризада ким ва қайси ташкилот билан ёзишув бажарилиши курсатилиш керак.

Ихтиро матни ва ихтиро формуласи

Аризанинг асосий қисми – ихтиро матни. Ихтиронинг тақдири ихтиро матнининг қанча тўғри, тўлиқ, талаб даражасида ёзилганига боғлиқ. Кўп ҳолларда ихтиро матни жуда оғир, тушунишга қийин, ноаниқ ёзилган бўлиб Интеллектуал мулк агентлигининг экспертлари тушуниши қийин бўлади. Ихтиро матнининг тили одатдаги техник тилдан фарқ қилади ва бу тил орқали аризанинг техник моҳиятига тушуниб олса бўлади.

- ихтиронинг техник моҳиятини тўлиқ аниқлаши, керак бўлганда уни тайёрлаш ва ишлатиш имконияти бўлиши керак.

- мазкур техника соҳаси ёки халқ хўжалиги учун техник ечимнинг янгилиги, эътиборли фарқлари ва ижобий самара тўғрисида аниқ ва равшан маълумот.

Ихтиро матнининг биринчи бетининг юқори қисмида 8-9 см бўш жой қолдириш керак ва ундан кейин муаллиф (муаллифлар) нинг тулик фамилияси, исми, шарифи курсатилади.

Варақнинг ўнг тарафида Халқаро ихтиролар классификатори (ХИК-МКИ), сал пастроқда ихтиронинг номи келтирилади. Ихтиронинг номи

варақнинг ўртасида ёзилади, муаллиф (лар) нинг фамилияси, исми, шарифи варақнинг ўнг тарафида жойлаштирилади.

Ихтиро матнида қўйидагилар бўлиши керак:

- *ихтиронинг номи ва ХИК – МКИ классификатори;*
- *ихтирога таалукли техника соҳаси ;*
- *ихтиродан фойдаланиш кўзланган соҳа;*
- *ихтиро аналогларнинг таснифи;*
- *прототип танқиди;*
- *ихтиро мақсади;*
- *ихтиронинг моҳияти ва унинг эътиборли фарқлари;*
- *шакл ва чизмалар рўйхати (эҳтиёж бўлса)*
- *амалда бажарилиши мисоллари .*
- *техник иқтисодий ёки бошқа самара;*
- *ихтиро формуласи.*

Матннинг ҳар бир булими хат бошидан бошланиши керак. Ихтиро матнининг охирида ихтиро формуласи берилади.

Одатда ихтиро матни ихтиро формуласи асосида ёзилади.

Ихтиронинг номи. У қисқа ва аниқ, уз таркибида 8-10 сўздан иборат бўлиб ихтиро моҳиятига мос келиши керак. Ихтиронинг номидан ихтиронинг моҳияти ва аниқ бир техника соҳасига таалуклиги белгиланади. Бу талабни бажариш осон эмас. Масалан, ихтиронинг номи «Калит» қисқа, лекин аниқ эмас, «Трактор кабинасини ва шунга ўхшаш деталларни буяш учун мослама» номи асосиз куп сўздан иборат бўлсада аниқлиги йўқ; «Объектларни совутиш усули» номида эса ноаниқлик мавжуд.

Агарда аризада икки ёки ундан кўп объектларга даво қилинса, албатта улар пировардида битта ягона мақсадга йўналтирилса, ихтиронинг номи ушбу объектлар номи билан белгиланиши керак. Масалан: «Чигитни плёнка остига экиш усули ва уни бажариш учун машина».

Ихтирога таалукли техника соҳаси. Ихтиро матнини ёзишда ихтиро техниканинг қайси соҳасига таалуклиги ва қайси соҳаларда қўлланилиши мумкинлиги баён этилади.

Бунда ихтиро формуласидаги сўзларини қайта такрорлаш ҳам, ёки худди шу фикрни бўрттириш ҳам керак эмас.

Ихтиро аналогларининг таснифи. Бу ерда аввал маълум бўлган, шу мақсадни ечишда, ўхшаш булган, номлари бир хил бўлган ечимлар келтирилади. Аналоглар техниканинг шу соҳаси бўйича прогрессив ва ариза тузишга қадар маълум бўлган ечимлар келтирилиб, улар билан таклиф

этилаётган ечим таққосланади. Аналогнинг таснифини ёзишда, албатта унинг аризадаги ечимга ўхшаш техник моҳияти, эътиборли фарқлари келтирилиши керак. Ихтирога бериладиган ечим аналогларнинг қайси бир камчиликларини бартараф этилиши тўғрисида ҳам ёзилиш керак.

Прототипнинг таснифи. Бу ерда ихтирога техник моҳияти, ва эришилаётган ижобий самараси бўйича энг яқин маълум бўлган ечим ёзилади. Одатда прототип аввал ёзилган аналоглар ичидан танлаб олинади. Шунини ҳам таъкидлаш лозимки, прототип ва ариза берилаётган ихтиронинг эътиборли моҳиятлари бир хил бўлади.

Прототип танқиди. Бу ерда фақат ихтиро томонидан бартараф этилаётган камчиликлар бўртирилмасдан, ҳолисона ёзилади. Камчиликларни ёзишда уларнинг келиб чиқиш сабаблари тўғрисида ҳам фикр келтирилиши керак.

Ихтиронинг мақсади ҳолисона ва асосланган ҳолда баён этилади. Ҳолисоналиги жамоат манфаатини қониқтириш учун ушбу ихтиронинг зарурлиги ёки мавжуд маълум бўлган техник ечимни такомиллаштириш зарурлиги билан исботланади.

Ихтиронинг мақсада ёки ихтиродан олинadиган ижобий самара ихтиро формуласининг 1-бандида курсатилади ва у ихтиро объектининг таснифлари билан узаро боғлиқ бўлиши ва мақсадга эришишини таъминлаши лозим.

Ихтиронинг моҳияти. Бошида ихтиронинг қисқа таснифи келтирилади. Бунда барча эътиборли таснифлар жамланиб техник ечимнинг янгилиги алоҳида таъкидланади. Бу ерда ихтиро формуласидан фойдаланилади, лекин ўндаги янгилик таснифлари фақатгина қайтариб ёзилмасдан, батафсил тушунтирилади.

Чизма ва шакллар. Агарда ихтирони чизмалар билан тушунтириш керак бўлса ихтиро моҳиятидан кейин барча график чизмалар ва уларнинг ҳар бирида нима курсатилгани қисқача баён этилади. Шаклларга қайд номери қўйилади. Агарда шакл, ёки расм битта бўлса у рақамланмайди.

Ихтирони бажариш мисоллари.

Бу ерда муаллиф томонидан тақлиф қилинаётган мисоллардан энг яхшиси баён этилади. Мисол, агарда ихтиро ускуна бўлса - бошқача, усул бўлса- бошқача, фойдаланиш бўлса - бошқача услубда ёзилади.

Ускуна тўғрисида мисол келтиришда унинг конструктив бажарилиши, деталлари, узеллари ва улар орасидаги боғлиқларни тушунтириш учун ҳеч қандай қўшимча изоҳлар талаб қилинмайдиган тарзда баён этилади ва улар чизмаларда акс эттирилган бўлиши лозим. Чизмалардаги деталлар матнда учрашишига қараб 1 рақамидан бошлаб номерланади ва бу рақамларга матнда ҳам изоҳ берилиши керак.

Ускунани тушунтириш матнида унинг тузилиши статик ҳолатда келтирилади ва бунда мазкур конструкцияни тушунтириш учун унинг барча чизмада курсатилган деталлари, уларнинг вазифалари ва узаро жойлашувлари баён этилади.

Ундан кейин ускунанинг ҳаракатдаги ҳолати чизмалардаги рақамларга асосланган ҳолда келтирилади. Ускунанинг ҳаракатдаги ҳолати келтирилгандан кейин афзалликлари курсатилган ҳолда бажарилиш мисоллари баён этилади.

Усул, услубни тушунтириш матни ихтиро мақсадига эришиш учун қўлланиладиган жараёнлар, усуллар келтирилади. Кейинчалик ушбу услубларда бажарилаётган реал улчамлар (температура, босим ва х.к) келтирилади. Албатта келтирилган мисолларда ихтиро формуласида курсатилган таснифга оид ечимлар бўлиши керак.

Агар таклиф этилаётган усулни бажариш учун маълум бўлган техник воситалар керак бўлса, тушунтириш матнида уларни ҳам келтириш лозим, агарда янги техник воситалар керак бўлса унда унинг чизмалари ва тузилиш матни ёзилади.

Ихтиро формуласи - ихтиро моҳиятининг қисқа баёни. Ихтиро формуласи ихтиро ҳажмини, унинг янгилигини ва мақсадини белгиланган қоидага асосан ёзилади.

Агарда ихтирони тузишда таҳлил тўлиқ бўлса, прототип тўғри аниқланган бўлса, ихтиронинг эътиборли хусусиятлари тўғри белгиланган бўлса қўйилган талабларга мувофиқ ихтиро формуласини баён этиш қийинчилик туғдирмайди.

Фойдали моделга патент олиш учун ариза.

Фойдали моделга патент олиш учун ариза битта фойдали модель учун тузилади.

Ариза қўйидагилардан иборат:

- *патент муаллифининг исми шарифи ва патент эгасининг номи, яшаш жойи, манзили курсатилган ариза ;*
- *фойдали модель тузилишининг матни;*
- *матнга тулиқ асосланган фойдали модель формуласи ;*
- *чизмалар;*
- *реферат;*
- *белгиланган миқдорда бож туловини тасдиқловчи хужжат*

Патент олиш учун юбориладиган ариза ва бошқа хужжатлар ўзбек ёки рус тилларида тақдим этилади.

Фойдали моделга патент олиш учун қўйиладиган талаблар Интеллектуал

мулк агентлиги томонидан белгиланади

Саноат намунасига патент олиш учун ариза

Саноат намунасига патент олиш учун ариза битта саноат намунасига ёзилиши керак ва унинг вариантлари матнда келтирилиши мумкин.

Ариза куйидагилардан иборат:

- *патент муаллифининг исми, шарифи, яшаш манзили, патент эгасининг номи ва манзили курсатилган ариза;*
- *маҳсулот (макет, расм) нинг фото нусхалари, фото расмларда маҳсулотнинг ташқи куриниши тулиқ ифодаланган бўлиши керак;*
- *саноат намунасининг эътиборли моҳиятларини тушунтирадиган матн;*
- *маҳсулот, буюмнинг ташқи куриниши акс эттирилган чизма, агар керак бўлса унинг эргономик шакли, конфекцион харитаси;*
- *белгиланган миқдорда бож туланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;*

Товар белгисини қайд этиш учун ариза

Жисмоний ёки юридик шахс томонидан Патент Агентлигига тақдим этилади.

Аризага қуйидаги талаблар қўйилади:

- *ариза берувчининг исми шарифи, яшаш манзили ва ким томонидан рўйхатга утказилиши керак бўлган ташкилот номи, манзили;*
- *тақдим этилган белги ва унинг тушунтириши матни*
- *қайси товар ва хизматлар учун қайд этилиши керак булганлар рўйхати. Рўйхат Ҳалқаро товарлар классификатори асосида тузилади.*

Аризага қуйидагилар илова қилинади:

- *бож миқдори туланганлиги тўғрисида ҳужжат;*
- *агарда ариза жамоа белгисига берилса, жамоа белгиси ҳам тақдим этилиши зарур.*

1.5. Патент олиш, талабномаларни расмийлаштириш, муаллифлик

Ихтиро формуласининг вазифаси, тузилиши, турлари

Ихтиро формуласининг аҳамиятли белгилари

Ихтиро формуласи – бу ихтирони ҳаётга татбиқ этиш учун зарурий ва етарли бўлган, техник ечимнинг моҳиятини англатувчи ва белгиланган қоидалар асосида тузилган қисқа таснифи. Ихтиро формуласи ҳуқуқий, тарихий, илмий–техникавий ва ахборотли маълумот каби аҳамиятларга эга.

Ихтиро формуласининг ҳуқуқий аҳамияти.

Барча мамлакатларда ихтиро формуласининг асосий аҳамияти – ҳуқуқий аҳамият ҳисобланади.

Илгари ихтирога патент ихтиро формуласисиз, ихтиронинг тушунтириш матнига қараб берилар эди ва бу патентнинг ҳуқуқий томонларини аниқлашда кўп кийинчиликлар туғдирар эди. Ҳақиқатдан ҳам, ихтирони тушунтириш матнининг вазифаси ихтиро бўйича тулиқ тушунча бериш, унинг техникавий аҳамиятини ечиб бериш ва ҳаётга жорий этиш учун қўлланма сифатида фойдаланиш бўлган. Матнда, одатда ихтирони тайёрлаш учун ҳар хил вариантлар, ҳар хил усуллар келтирилади ва келишмовчиликка улар асосий сабаб бўлиб қолади ва бундай ҳолатда ҳақиқатни аниқлаш учун кўп вақт сарф қилинади.

Ихтиро формуласининг ҳуқуқий аҳамиятини қўйидаги қоидалар билан изоҳлаш мумкин:

- *ихтиро формуласи узининг ҳуқуқи билан доирасига кирган объектларни чегаралайди ва шунинг билан ихтиронинг ҳуқуқини аниқлайди;*
- *реал объектларда фойдаланиш доирасини аниқлайди.*

Ихтиро формуласининг илмий – техник аҳамияти.

Ихтиро формуласи нафақат ихтиронинг чегарасини белгилаб қолмасдан у техникани янги даражага кутаради. Ихтирочи уз ишида қандайдир бир маълум объектга нисбатан ишни бошлайди ва мутлақо янги, эскисидан афзалроқ техника яратади. Ихтиро формуласида объектнинг янгилик хусусияти умумлаштирилган ҳолда баён этилади.

Ихтиро формуласининг ахборотли аҳамияти. Ихтиро формуласида қўшимча тадбирларсиз ишлаб чиқаришга татбиқ этиш таснифлари келтирилади, ёки мутахассис ихтиро формуласи билан танишиб чиқиб уни машина ёки ускуна сифатида тайёрлаши мумкин бўлиши керак. Шунинг учун ихтиро формуласи муҳим информацион аҳамиятга эга ва ихтиро формуласи махсус бюллетенда ихтиро матни чоп этилишдан илгари чоп этилади.

Ихтиро формуласини тузиш қоидалари ва унга қўйиладиган талаблар

Ихтиро формуласига қўйиладиган талаблар

Ихтиро формуласи қуйидаги сифат курсаткичларига жавоб бериши керак:

аниқликка

умумийликка (кенгликка)

тулиқликка

ихтиронинг бирлигини таъминлашга.

Ихтиронинг аниқликлиги матн ортиқча сўзлар ишлатилмаслигини талаб қилади. Бунинг учун тажриба орқали шартли бўлсада ёзиш шартлари мужассамланган бўлиши керак.

Ихтиронинг умумийлиги матн иложи борича кўпроқ доирани қамраб олишдан иборат.

Ихтиронинг тулиқлиги матнда эътиборли таснифлардан нафақат умумийлари, балки хусусийлари ҳам киритилишини талаб қилади.

Ихтиронинг бирлиги матнда ҳужжат (ариза, патент) ва ихтиро формуласи битта ихтирога таалуқли бўлиши керак.

Ихтиро формуласини тузиш қоидалари

Агарда ихтиро формуласини тузишдаги талабларга мувофиқ ихтиро формуласининг умумийлиги иложи борича камроқ бўлиш дейилса, умумийлик талабига асосан барча бор таснифлари келтирилиши зарур. Бундай зиддиятларни ихтиронинг кўп бўғинли ихтиро формуласи ҳал қилади.

Ихтиро формуласининг биринчи бандида умумийлик талабларига жавоб бериш керак ёки минимал умумийлик таснифлар киритилиб, уларнинг йиғиндиси ихтиронинг моҳиятини тасниф этишга етарли даражада бўлади.

Ихтиро формуласининг бандлари биринчи ва ундан олдинги бандларга боғлиқ бўлиши керак, лекин биринчи банд қолган бандлардан тобе бўлмаслик керак. Қолган бандлар биринчи банддаги эътиборли таснифларни тўлдириб бориш керак.

Кўп бўғинли ихтиро формуласининг техник ва ҳуқуқий таснифларни кўриб чиқамиз. Одатда таклиф этилажак ихтиролар яқунланган ишланма бўлиб улар битта ёки бир нечта ҳаётга татбиқ этилиши мумкин бўлган ихтиролардан иборат бўлади. Ишланма асосида аниқланган ихтиролар бир гуруҳ объектлар учун фойдали бўлиши мумкин, шунинг учун ихтиро формуласининг бандида умумлаштирилган ихтиро ҳимоя қилинади, қолган бандларида эса ушбу банд асосида таклифнинг ҳар хил кўринишдаги бажарилиши мумкин бўлган вариантлари берилади. Айрим пайтларда ариза ёзувчи ихтиро формуласининг биринчи бандида мумкин бўлган барча таснифларни киритади ва унга берилган патентнинг ҳуқуқий имкониятлари анча тораяди.

Шундай қилиб ихтиро матнида кўрсатилган ечимларни кетма-кет, тулиқона ҳал қилиш учун муаллиф томонидан тузилган ихтиро формуласи муаллифнинг ҳуқуқини барча объектлар бўйича ҳимояланишини таъминлаш керак.

Агарда ихтиро формуласининг биринчи бандида ихтиро моҳияти тўлиқ ифодаланадиган бўлса биринчи бандга тобе бўлган қолган бандлари нимага керак, деган савол тўғилиши мумкин. Фараз қилайлик, патент тўғри берилганми, йўқми деган масала курилганда 1-банд бўйича ёзилган

ихтиронинг янгилиги экспертлар томонидан инкор қилинади, лекин ихтиронинг янгилик аломатлари ихтиро формуласининг кейинги бандларида тан олинади. Бу ҳолатда ихтиро формуласининг фақат биринчи банди инкор қилиниши мумкин, қолганлари эса кучда қолади ва бунда формуланинг иккинчи банди биринчи банднинг ўрнида бўлади. Агарда бу ҳолатда ихтиро формуласининг қўшимча бандлари бўлмаганда ихтирога патент берилмаган бўлар эди.

Агар ихтиро формуласи бир неча банддан, ёки кўп бўғинли бўлиб, биринчи банди инкор қилинса ариза берувчи ихтиро формуласининг барча бандлари бўйича ихтиро ҳимоясини текширишни талаб қилиши мумкин.

Кўп бўғинли ихтиро формуласида бандларнинг узаро боғланиши ҳар бир бандда (биринчи банддан ташқари) «биринчи банддаги баён этилган ускуна, фарқ қиладики», ёки «иккинчи банддаги баён этилган ускуна, фарқ қиладики» сўзлари билан бошланади.

Ихтиро формуласининг биринчи бандининг тузилиши ва унга кўйиладиган умумий талаблар

Ихтиро формуласининг биринчи бандини тузиш учун умумий қоидалар

Ихтиро формуласининг биринчи бандида ихтиро объектининг этиборли таснифлар йиғиндиси белгиланади.

Одатда ихтиро формуласининг ҳар бир банди бир гапдан иборат бўлиб, сўзлар вергул ишораси билан ажралиб нуқта кўйилмайди.

Ихтиро формуласининг биринчи банди икки асосий қисмдан иборат бўлиб, ўлар «фарқ қилади», (отличающийся) сўзи билан булинади. Биринчи қисм ихтиронинг маълум ва прототип билан умумий бўлган таснифлардан, иккинчи қисм эса, фарқ қиладиган, ёки янги таснифлардан иборат бўлади.

Одатда, ихтиро формуласининг биринчи қисми чегараловчи қисм деб аталади ва ихтиронинг номи билан бошланади ва «фарқ қиладики» деган сўзларга қадар давом этади. Ихтиро формуласининг иккинчи қисмида ихтиронинг мақсади келтирилади.

Ихтиро формуласининг биринчи бандида ихтиронинг моҳиятлари умумий, ихтирони ёритишга етарли бўлган сўзлар билан ёзилиши керак. Бунда ихтиронинг моҳияти тўлиқ ёритилиб ҳар қандай хусусий ҳолатда ёзилганда ҳам шу бандга тааллуқлиги қолади. Демак, биринчи бандида ихтирони торайтирадиган сўзлар ишлатилмаслиги керак. Масалан, «винт билан қотирилган», «пайвандланган» сўзларнинг ўрнига «беркитилган» деган сўзлар ишлатилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Ихтиро формуласининг биринчи бандига улчамларининг бир бирига нисбатан, объектнинг аниқ таснифлари (масалан температура, босим ва х.к), у ёки бу деталларни тайёрлаган материаллари киритилмайди. Улар одатда ихтиро формуласининг кейинги бандларида ёритилади.

Ихтиро формуласининг биринчи бандига канча кўп таснифлар киритилса, матнни тушуниш шунча осон бўлади, лекин муаллифларнинг ҳуқуқлар доираси шунча тораяди. Лекин ихтиро формуласида ҳаддан ташқари кўп умумий таснифлар бўлмаслиги керак ва унга ихтиёрий фараз ва гумонлар ҳам киритилмаслиги даркор.

Шунингдек ихтиро формуласига ноаниқ сўзлар ҳам киритилмаслиги керак. Масалан: «йўғон, қалин, совуқ, иссиқ, жуда енгил, етарли даражада мустаҳкам, етарли даражада енгил, оз миқдорда, кўп миқдорда» ва х.к. Ихтиро формуласи аниқ, техник адабиётларда қўлланиладиган оддий тил билан ёзилиши зарур. Кўп ҳолатда, оммавий равишда қўлланилмайдиган, қисқартирилган иборалар, маркалар, терминлар ишлатилмаслиги керак. Масалан,

«АМЖК – крани, 5793-котишма, юкори унумдорли йигирув дастгоҳи, ута мустаҳкам полиэтилен» ва х.к.

Бир бандлик ихтиро формуласининг таркиби. Бир бандлик ихтиро формуласи ёки ихтиро формуласининг 1- бандининг таркиби қўйидагилардан иборат:

- а) ихтиронинг номи;*
- б) чегаравий қисм (маълум бўлган ёки умумий); в) ихтиро мақсади;*
- г) фарқловчи қисм.*

Ихтиронинг номи – ихтирога таалуқли бўлган техниканинг муайян бир соҳасидаги патент бериладиган объектнинг номи.

Ихтиронинг номи қўйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

3.1.1. Ихтиро формуласига кирган эътиборли таснифларнинг энг асосийси, бошловчиси бўлиши;

3.1.2. Прототип ва таклиф зтилаётган объект учун умумийлиги;

3.1.3. Имконият даражасида ХИК (МИК) рубрикасига кириш керак. Масалан «Пахта ташиш учун транспорт воситаси» ХИК (МКИ) да В 62 «Ер усти транспорт воситалари» рубрикасига киради.

3.1.4. Ихтиро моҳиятига жавоб бериши. Ускуна ёки модда учун берилган аризага «Усул» ёки «Услуб» деб ёзмалик керак.

3.1.5. Агар машина ёки усқунанинг бир узели, ёки қисмига патент олиш керак бўлса шунга қараб ном бериш керак. Масалан: «Пахта териши машинасининг териш аппарати», «Пахта териш аппаратининг шпиндели» ва хоказо.

3.1.6. Иложи борича ихтиронинг номи кам сўздан иборат бўлиши керак. Масалан «Юк ташиш учун ускуна»нинг ўрнига «Арава»,

3.1.7. «Юклаш учун мослама» нинг ўрнига «Юклагич» деб ном берса мақсадга мувофиқ бўлади.

3.1.8. Умумий фойдаланишга мос, махсус, қисқартирилган ёки шартли номлар бўлмаслиги керак. «шакл», «схема», «конструкция» деган сўзлар ишлатилмаслиги керак. Масалан «манипулятор конструкцияси», «радионинг схемаси». Патентлар конструкция ёки схемага талаб қилинмасдан манипулятор ёки радиога сўралапти. Шунингдек ихтиро номини кўзга кўринадиган объектлар ёки жараёнлар орқали ифодалаш керак. Масалан «Гидравлик плунжер штокининг деформацияга мустақамлигини ошириш учун мослама»нинг ўрнига «Гидравлик плунжер», деб ном берса мақсадга мувофиқ бўлади, чунки «деформацияга мустақамлик»ни кўз билан кўриб бўлмайди.

3.1.9. Ихтиронинг номи ихтиро моҳиятига таалукли, иложи борича қисқа ва аниқ бўлиши керак. Масалан, бу талабларга қўйидаги ихтироларнинг номлари тўғри келмайди «Пневматик бошқариш ускуна» – нимани бошқаради?

3.1.10. Бутун бир соҳани қамраётган номлар қўйилмаслиги керак. Масалан «Пўлат қуйиш», «Пахта териш» ва хоказо.

3.1.11. Ихтиронинг номида фарқ қилувчи сўзлар бўлмаслиги керак.

Чегаравий қисм.

Ихтиро формуласининг чегаравий қисми ихтиронинг номи билан бошланади ва одатда конкретлаштиришда «Таркибида»,

«Иборат», «Асосида» сўзлар ишлатилади. Чегаравий қисмда, шунингдек бир неча прототипларга оид таснифлар, сифатни белгиловчи таснифлар, ёки усқунани ишлаш принциплари баён этилмаслиги керак.

Агарда ихтирога ихтиронинг номидан бошқа прототип бўлмаса ёки ихтиронинг моҳияти бир неча прототипда қўлланилиши мумкин бўлса, ихтиро формуласида чегаравий қисм бўлмаслиги ҳам мумкин, бунда чегаравий қисмни ифодалаш учун ихтиронинг номи кифоя бўла олади.

Ихтиро мақсади ихтиро формуласининг чегаравий қисмидан кейин «фарқ қилади» сўзлардан кейин баён этилади ва ихтирони ҳаётга татбиқ этганда қандай ижобий самара беришини ифодалайди. Ижобий самара эса ўз навбатида патент берилишига асос бўлади. Лекин ихтиронинг техник моҳиятини тушунтиришга асос бўлсада, ижобий самара ҳуқуқий қоидага эга эмас.

Ихтиронинг мақсади - жамият учун керак бўлган ихтиродан фойдаланилгандан кейин кўзда тутилган ижобий самара. Лекин ихтиро мақсади ва ихтиро формуласининг эътиборли моҳиятлари орасида ўзаро боғлиқлар бўлиши керак ва бу ихтиро формуласида намоён бўлиши зарур.

Ихтиро мақсадини ёритиш учун ихтиро формуласида бир бирига боғлиқ бўлмаган ижобий самараларни ихтиро формуласининг бир бандида ёзмастик керак, чунки бу ихтиронинг бирлигини (якдиллигини) бузади. Ихтиро мақсадини умумий сўзлар билан ифодаламастик керак. Масалан, «конструкциясини яхшилаш учун», «усулни такомиллаштириш учун», «маҳсулот сифатини ошириш учун».

Фарқловчи қисм

Ихтиро формуласининг фарқловчи қисми ихтиронинг мақсадидан кейин баён этилади. Бу қисмда ихтиро объектининг моҳиятли фарқлари таснифланади ва улар чегаравий қисмдаги моҳиятли таснифлар билан узвий боғлиқ ҳолда келтирилади. Бу қисмда шунингдек ихтиронинг янги таснифлари чегаравий қисмда келтирилмаган маълум таснифлар билан таққосланиб баён этиш мумкин эмас. Фарқловчи қисмда объектнинг уни прототипдан ажратувчи, янги моҳиятли таснифлари баён этилади. Булар ихтиро мақсадини ҳал қилишда техник ечимларни бажаришга зарурий ва етарли бўлиши керак.

Фарқловчи қисмда моҳиятли таснифлар техник масалани қўйиш эмас, балки унинг аниқ ечилишини кўрсатиш керак.

Ихтиро формуласининг тобе бандларининг таркиби

Юқорида айтилгандек, ихтиро формуласининг тобе (қўшимча) бандлари ихтиро объектининг ҳар хил бажарилиш шакллари келтирилиб, улар, одатда ихтиро формуласидаги биринчи бандни ривожлантиради ва аниқлаштирилади. қўшимча бандлар ихтиро формуласининг, яъни объектнинг янги, эътиборли хусусиятларини кўпайтирмайди, фақат аниқлайди ва кенгроқ тушунча беради. Шунингдек ихтиро формуласининг қўшимча бандлари ихтирони татбиқ этилиш даражасини аниқлашга ва патентни бошқа бир шахс томонидан яратилган ўхшаш объектга беришни чегаралайди.

Ихтиро формуласида математик боғланишларни акс эттириш

Агарда математик боғланишлар ихтиро формуласининг биринчи бандида ёзилса, бу ҳолат ихтиронинг ҳуқуқий ҳимоясини пасайтиради, чунки бунда бу жараёни бошқа бир математик боғланиш билан акс эттириб янги патент олиш мумкин. Шунинг учун математик боғланишлар ихтиро формуласининг қўшимча бандларида баён этилади.

Айрим ҳолларда янги техник ечимлар чуқур назарий тадқиқотлар натижасида вужудга келади ва математик формулалардан фойдаланилмасдан ифодалаб бўлмайди, чунки уларнинг эътиборли фарқлари янги математик боғланишларга боғлиқ булади. Бу ҳолатда агарда формула ихтиронинг ягона фарқловчи таснифи бўлмаса, ихтиро формуласининг биринчи бандига киритилши мумкин. Ҳисоб формуласи тенглама бўлиб тегишли қийматларни киритганда аниқ қийматни ҳисоблаш учун ишлатилади.

Назорат саволлари:

1. Мамлакатнинг ривожланишида қайси ижтимоий-иқтисодий омиллар кўпроқ таъсир кўрсатади?
2. Қишлоқ хўжалигини механизациялаштиришда илм-фаннинг, ихтирочиликнинг аҳамиятли ечимларидан қандайларини келтиришингиз мумкин?
3. Хорижий мамлакатларда патентшунослик, янгиликларга берилган эътиборни қандай баҳолайсиз ва Сизнинг фикрингизча бизнинг мамлакатда қайси ишлаб чиқариш соҳаларига эътибор бериш лозим деб ҳисоблайсиз?
4. Ихтиро деганда нимани тушунасиз ва у қандай талабларга жавоб бериши керак?
5. Ихтиро қачон ҳуқуқий ҳимояланган ҳисобланади?
6. Усул ихтиро объектининг қандай турлари мавжуд ва уларни ифодаладиган таснифлар?
7. Янги техник ечим қандай босқичлардан иборат?
8. Патентга талабнома кимлар томонидан берилади?
9. Ихтиро яратишда муаллифнинг қандай ҳуқуқлари мавжуд?
10. Қандай ҳолларда патент эгасининг ҳуқуқи бузилмайди?
11. Қандай ҳолатларда интеллектуал мулкга ҳуқуқий ҳимоя берилмайди?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Global Certifications for Makers & Hardware Startups: Find the regulatory path to legally bring your product to market in the US (FCC), Europe (CE) and beyond. Andy Eadie. Kanada, 2015
2. Сифат менежменти тизими ва уни сертификатлаштириш: Дарслик. Исматуллаев П.Р., Ахмедов Б.М., Матякубова П.М., Хамрокулов Ғ.Х., Тураев Ш.А. – Тошкент. 2014. «Sano-standart» – 330 б.
3. Метрология, стандатлаштириш ва сертификатлаштириш. Дарслик: П.Р.Исматуллаев, П.М.Матякубова, Ш.А.Тўраев (проф. П.Р.Исматуллаев таҳририда) – Тошкент: ТошДТУ, 2015. “Lisson-press”, 430 б.

4. Аликулов С.Р. Патентшунослик, лицензиялаш ва сертификатлаштириш. Ўқув қўлланма. Қарши, 2012. – 150 б.

5. Абдувалиев А.А., Латипов В.Б., Алимов М.Н. и др. Основы стандартизации, метрологии, сертификации и управления качеством. Ташкент, НИИМСС, 2007 – 555 с.

2-мавзу: Лицензия ҳақида тушунча, маҳсулот ва хизматларни лицензиялаш ва сертификатлаш, хорижий давлатлардаги сертификатлаш тизими, сертификатлаш қоидалари

Режа:

2.1. Лицензия ҳақида тушунча, маҳсулот ва хизматларни лицензиялаш.

2.2. Сертификат ҳақида тушунча, маҳсулот ва хизматларни сертификатлаш.

2.3. Хорижий давлатлардаги сертификатлаш тизими.

2.4. Маҳсулот ва хизматларни лицензиялаш ва сертификатлаш қоидалари.

***Таянч иборалар:** лицензия, маҳсулот, хизмат турлари, лицензиялаш, сертификат, сертификатлаш, сертификатлаш тизими, лицензиялаш қоидалари, сертификатлаш қоидалари.*

2.1. Лицензия тўғрисида тушунча, маҳсулот ва хизматларни лицензиялаш

Лицензия – давлат идоралари томонидан ташқи иқтисодий алоқа иштирокчиларига хорижга маҳсулот чиқариш ёки киритиш ҳуқуқини берувчи махсус ҳужжат. Лицензия маҳсулотни чегарадан ўтказиш учун рухсатнома сифатида хизмат қилади.

Лицензиялашга деярли ҳамма вақт аниқ бир муддатда экспорт қилинадиган маҳсулотларнинг аниқ миқдорий ва нархий квоталарини аниқлаш ёки контингентлаш киради. Демак, лицензиялаш режимини жорий этиш ва назорат орқали четдан кираётган ва чиқаётган маҳсулотларни тартибга солишдир. Агар керак бўлганда, лицензиялаш ҳаддан ташқари ошиб кетган маҳсулот оқимини чегаралаш ёки қандайдир давлат аҳамиятига молик бўлган ҳолларда қўлланилиши ҳам мумкин. Авваламбор, лицензиялаш ташқи савдо айланишини тартиблаш, бож туловлари йўқ бўлса ёки қачонки уларнинг ички бозорини ҳимоялаш имконияти бўлмаган тақдирда қўлланилади, масалан бошқа мамлакатларда валюта қийматининг кескин

тебранишида.

Халқаро иқтисодий ҳамкорликда кўпчилик миллий компаниялар иштирок этган тақдирда лицензиялаш мамлакат учун ута зарур бўлган маҳсулотни сотиб олиш учун чет эл валютасидан оқилона фойдаланишни, ишлаб чиқаришда маҳаллий маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга импортнинг узиши зарар келтирмаслиги, озиқ – овқат маҳсулотларнинг етишмовчилигини олдини олиш ва ички қишлоқ хўжалик бозорини тартибга солиш, чет эл ва миллий маҳсулотларнинг салмоғини тартиблаш мақсадида бажарилади.

Лицензиялашнинг турлари, ариза бериш қодалари

Аввало барча давлатлар асосан икки хил лицензиялашни қўллашади: асосий (бош) ва шахсий.

Бош лицензия хўжалик субъектига миқдорий ва нархий томонидан чекланмасдан маҳсулотлар барча ёки аниқ кўрсатилган мамлакатлар билан савдо қилиш учун берилди, шахсий лицензия эса белгиланган маҳсулот билан бир марта савдо қилиш учун берилди. Бу ҳужжатда нафақат маҳсулотни олувчи, балки маҳсулот миқдори, савдо қилиш муддати ҳам кўрсатилади. Бунинг барчаси экспорт – импорт операцияларни қаттиқ назорат қилиш имкониятини беради.

Иккинчи умумий хусусияти иқтисодиётнинг ва ташқи савдо фаолиятини ривожланиш билан шуғулланувчи чекланган идораларга лицензиялар беришдан иборат.

Учинчи умумий хусусиятлари уларнинг туловлиги. Ҳукумат ташқи савдо жараёнларига рўхсат берганлиги учун мукофат олиб ташқи иқтисодий савдо алоқалар апаратини сақлаш ҳаражатларини давлат бюджетидан экспортчи ва импортчиларга юклатилади.

Халқаро иқтисодий алоқаларда илмий – техник ютуқларини лицензия сотиш билан ривожлантириш афзалроқ, чунки лицензиялар билан халқаро савдо оддий маҳсулот билан қилинадиган савдога нисбатан жадал қадамлар билан бажарилади.

Қисқа муддатларда иқтисодиёт, техника ва технологияларда йирик муваффақиятларга эришган мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики лицензияларни ва “ноу - хоу” ларни сотиб олиш анча афзалроқ. Маълумки, янги маҳсулотни ишлаб чиқариш учун 60 – 70 ой муддат керак. Лицензия киритиш эса ўртача 52 ойни тежаб қолади, тажрибалар ўтказиш ва кўп миқдорда маҳсулот чиқаришни йўлга қўйиш учун ҳаражатлар миқдорини кескин камайтиради.

Лицензияларни импорт қилиш фойдали, чунки чиқарилган маҳсулотлар учун кетган ҳаражатлар лицензион тўловларга нисбатан 25 марта кўпроқ.

Янги технологиялар 40% га иш унумдорлигини оширади, ишчиларнинг малакаси эса фақат 15% га оширилади.

Лицензия сотиб олишнинг аҳамиятли сабаблари:

- маҳсулот ишлаб чиқаришда вақтинчалик оқсоқликни бартараф этиш;
- бировнинг патентини айланиб ўтиш имконияти йўқлиги;
- вақт тежалиши.

Лицензия сотиб олиш маҳсулот сифатини 93 – 99 % даражасига кутариш имкониятини беради, шу муаммони мустақил ҳал қилишда эса бу даража 70 – 80% га етади.

Лицензия сотишнинг аҳамиятли сабаблари:

- тайёр маҳсулотларни экспорт қилиш имкониятлари йўқлиги, қийинчилик тўғдириши, чиқарилаётган маҳсулотнинг ҳажми камлиги, бож тўловларининг юқорилиги, давлат томонидан сотиш ҳажмини чекланиши ва х.к.

- мазкур лицензия асосида маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун ускуна ва хомашёни сотишдан фойда олиш имконияти йўқлиги.

Лицензия билан савдо қилиш лицензион келишувларни имзолаш билан бажарилади. Лицензион келишув деганда бир (лицензиар) яккаю-ягона ҳуқуққа эга бўлган шахс бошқа бир шахсга (лицензиатга) мукофат бериш эвазига лицензиядан фойдаланиб шу кўрсатилган чегарада рўхсат бериш тушунилади.

Ҳозирги кунда лицензион келишувга кўйидагилар киради:

- патентланган ихтиролар;
- патент билан ҳимояланмаган ихтиролар (ариза берилган, лекин патент ҳали берилмаган ҳоллар);
- “ноу - хоу” патент олинмаган техник, савдо ва ташкилий билим ва тажрибалар, булар айрим белгиланган шахсларга маълум бўлиб ўлар моддий устунликка эга бўлади.
- саноат намуналари;
- товар белгилари.

Лицензион келишувлар келишув турига қараб ҳуқуқий ҳимояланган объектлар (патентланган лицензиялар) ва- ҳуқуқий ҳимояланмаган объектлар (патентланмаган лицензиялар)га булинади.

Лицензион келишувларда патентлар ва “ноу - хоу” ларни фарқлаб “ноу - хоу” ўзига ҳос лицензион объекти эканлигини таъкидлаш мумкин. “Ноу - хоу” нинг моҳияти тўғрисида Япония фирмалари томонидан сотиладиган лицензиялар нисбати мисолида айтиш мумкин. Патент учун лицензиялар

умумий сонидан 20%, “ноу-хоу” билан биргаликда патентлар учун лицензиялар 30%, фақатгина “ноу - хоу”ни лицензиялаш эса 50% ни ташкил этади.

Халқаро тажрибада икки гуруҳ - “тоза” ва “ёрдамчи” лицензиялардан фойдаланилади. Тоза маҳсулотлар таркибида фақат “ноу - хоу” ёки ихтирога тузилган лицензион келишувлар киради. Бундай сотувлар машина ва ускуналар бўйича бажарилиши мумкин. Ёрдамчи лицензиялар одатда умумий шартномалар таркибида бўлиб айрим ҳолларда жамланган ускуналар лицензияларига киради. Бу ҳолатларда алоҳида лицензион келишувлар имзоланмайди ва ўларнинг нархлари шартноманинг умумий нархидан алоҳида бўлмайди.

**Лицензион келишувлар, оддий ва тўлиқ лицензия шартномаси
Берилган ҳуқуқлар ҳажмига қараб лицензион келишувлар
қуйидаги турларга бўлинади:**

- оддий лицензия шартномаси;
- тўлиқ лицензия шартномаси;
- фақатгина белгиланган лицензия шартномаси;
- сублицензия шартномаси.

Оддий лицензия шартномасига асосан лицензиарга келишувдаги маҳсулотни мустақил равишда фойдаланишга ва шунга ухшаш лицензияни учинчи шахсларга ҳам бериши мумкин.

Тўлиқ лицензия шартномасига асосан лицензиар келишув лицензиясидан фақат узи фойдаланади. Тўлиқ лицензия шартномаси тузилганда лицензиар ихтирога берилган ҳуқуқидан тўлиқ ва муддатсиз воз кечади. Ташқи савдо келишувларда бундай шартномалар деярли ишлатилмайди.

Фақатгина белгиланган маҳсулотларга оид лицензия шартномаси асосан лицензиар лицензиатга маҳсулотларни сотишга рухсат беради ва шартнома муддатида учинчи шахсларга беришга ва шу вақтда ўзига берилган чегарада ўзининг фойдаланиши чекланади.

Сублицензия шартномаси – лицензиат томонидан учинчи шахсларга бериладиган лицензия ва бу оддий лицензия шартномасига ўхшайди.

Лицензион келишувларида лицензиар ихтиродан ёки бошқа техник ечимдан фойдаланиш, сотиш шартлари кўрсатилади.

**Одатда лицензион келишувлардаги асосий шартларига
қуйидагилар киради:**

- келишув томонлари ҳақида маълумотлар (лицензиар ва лицензиат тўғрисида маълумотлар);

- лицензион келишувдаги атамалар изоҳи;
- келишув фаолият юритадиган худудни аниқлаш;
- лицензион келишувдаги маҳсулотларнинг тавсифи, бунда кафолатланган техник ва иқтисодий кўрсаткичлар келтирилади;
- лицензиатга бериладиган ҳуқуқлари ва ўнга юклатиладиган вазифалар белгиланади, тақдим этиладиган лицензиянинг тури кўрсатилади;
- ихтиродан фойдаланиш шакллари, максимал ва минимал ҳажми ва ихтиродан фойдаланиш муддати кўрсатилади;
- лицензиарнинг керакли техник ҳужжатлари, маҳсулот намуналари, ускуна ва машиналарни етказиш каби вазифалари белгиланади.

2.2. Сертификат ҳақида тушунча, маҳсулот ва хизматларни сертификатлаш.

Сертификатлашнинг қонуний асослари, сертификатлашнинг мақсади ва вазифалари

“Стандартлаштириш тўғрисида”, “Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаш тўғрисида”, “Озиқ овқатларнинг хавсизлиги ва сифатини ҳимоялаш тўғрисида”, “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқини ҳимоялаш тўғрисида” ги қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 августдаги № 409, 2002 йил 3 октябрдаги № 342, 2004 йил 6 июлдаги № 318, 2004 йил 5 августдаги № 373-сонли қарорлари ва шу масалага таалукли қатор ҳуқуқий норматив актлар сертификатлашнинг қонуний асоси бўлади.

Ушбу қонунлар ва қарорлар асосида ҳар йили 110-120 мингга яқин мувофиқлик сертификатлар берилади, шу жумладан мувофиқлик декларацияси асосида хориж мамлакатларнинг сертификатлари тан олинади.

Сертификатлаштиришнинг мақсад ва вазифалари қўйидагилардан иборат:

- одамларнинг ҳаёти, соғлиги, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки ҳамда атроф-муҳит учун хавфли бўлган маҳсулотлар реализация қилинишини назорат этиб бориш;
- маҳсулотларнинг жаҳон бозорида рақобат қила олишини таъминлаш;
- мамлакат корхоналари, қўшма корхоналар ва тадбиркорлар халқаро миқёсидаги иқтисодий, ий-техникавий ҳамкорликда ва халқаро савдо-сотикда иштирок этиш учун шароит яратиш;
- истеъмолчини тайёрловчининг (сотувчининг, ижрочининг) виждонсизлигидан ҳимоя қилиш;
- маҳсулот тайёрловчиси (сотувчиси, ижрочиси) таъкидлаган

сифат курсаткичларини тасдиқлаш.

Ўзбекистон Республикаси Миллий сертификатлаш тизими таркибида Ўзбекистон Республикаси Сертификатлаштириш Миллий Идораси (Ўзстандарт Агентлиги), Мувофиқликни тасдиқлаш соҳасида техник сиёсат ва сифат тизимлари тасдиқлаш бошқармаси, 18 та Республика синов ва сертификатлаштириш маркази ва унинг ҳудудий марказлари, Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий тадқиқот институти, 196 та Аккредитацияланган сертификатлаштириш идоралари, 356 та Аккредитацияланган синов лабораториялари, 306 нафар сифат бўйича эксперт-аудиторлар мавжуд.

Ҳукумат топшириғига асосан 2010-2015 йилларда мамлакатда чиқарилаётган маҳсулот ва хизмат курсатиш сифатини яхшилаш, корхоналарда халқаро стандартлар ва сифат менежменти тизимини жорий этиш тўғрисида дастур лойиҳаси ишлаб чиқилди. Бу дастур бўйича рақобатбардош товарлар ишлаб чиқариш, янги технологиялар, усуллар ва сифатни бошқариш шакллари татбиқ этиш, атроф муҳитни соғломлаштириш, хомашё, моддий ва энергетик захираларини тежашга оид вазифаларни бажариш кузда тутилган.

Яқин йилларда сертификатлаш тизими қўйидаги асосий йўналишлар бўйича ривожланади ва такомиллаштирилади:

- мамлакатдаги қоидаларни халқаро қоидаларга мослаш;
- сертификатлаш шакл ва усуларини такомиллаштириш асосида европа мамлакатларидаги шакл ва усулларга яқинлаштириш;
- декларацияни қўллаш ҳисобига мажбурий сертификатлаш улушин камайтириш;
- Ўзбекистон Республикасининг “Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида” ги Қонунини қабул қилиш ва жорий этиш;
- ихтиёрий сертификатлашга оид қўшимча тўсиқларни чеклаш;
- қатор ташкилий камчиликларни бартараф этиш, масалан бир хил маҳсулотларни сертификатлаш бўйича такрорлаш (гигиеник сертификатлаш ва мувофиқлик сертификатлаш).

Сертификатлаш тўғрисида тушунча, сертификатлаш объекти ва субъектлари

Сертификатлаш – маҳсулот ёки хизматни сертификат ёки мувофиқлик белгиси орқали аниқ стандарт ёки техник талабларга жавоб беришини тасдиқлаш ҳаракати. Охириги 20 йилда мувофиқлик сертификатлаш халқаро ва ички саводини бошқаришда асосий қурол бўлиб қолади. Сертификатлаш барча даражадаги, айниқса йирик савдо муносабатларининг белгиловчи

мезонига айланди.

Сертификатлаш икки имкониятга асосланиб – истеъмолчиларнинг талабини қондириш ва савдо муносабатларини ҳуқуқий меёрлаш самарали воситалари бўлиб қолади, чунки у аниқ ифодаланган ва тушунарли норматив ҳужжатларга асосланган.

Савдода мавжуд бўлган тарифли тўсқинликлар ёки бозорга маҳсулот келишини ва техник тўсқинликларни ростлайдиган, ёки миллий бозорга чет эл таъминловчи учун миллий таъминловчига нисбатан қўлай вазиятлар яратиш каби тўсқинликларни фарқлаш керак бўлади.

Техник ёки тарифсиз тўсқинликлар стандарт ва сертификатлаш билан боғлиқ бўлади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг махсус ташкилоти – тарифлар ва савдо бўйича Асосий келишув классификацияси (таснифланиш) бўйича улар бешта тарифли ва тарифсиз тўсиқлик гуруҳининг биттаси бўлади.

Сертификатлаш ғояси ва умумий тушунчаси аввалдан маълум бўлган. Маҳсулотнинг юқори сифатини тасдиқловчи белги маҳсулот чиқарувчи томонидан қадим замонларда ҳам қўйиб келинган (тамғалаш). Сотувчи маҳсулот сифати юқорилигини истеъмолчига ишонтириш – бу ҳозирги замонда сертификатлаш дейилади ва бу амал аввалдан ишлатиб келинган.

Ҳар қандай замонавий сертификатлаш тизими стандартлар (халқаро, миллий, фирмалар стандартлари, техник талаблар ва х.к) га асосланади. Бу ишда амалда фақат йирик фирмалар иштирок этиши мумкин, чунки стандартни ишлаб чиқиш катта ҳаражатларни талаб қилади. Масалан АҚШда ҳисоблаш машиналари бўйича IBM фирмасининг иштирокисиз стандартни тайёрлашни тасаввур қилиб бўлмайди, чунки бу фирма узининг шартларини нафақат миллий, балки халқаро даражада жорий қилади. Сертификатлаш ҳам катта маблағ талаб қилади, чунки унга кетган ҳаражатлар маҳсулот таннархининг 2 % га етиши мумкин.

Сертификатлаш тизимини яратиш бўйича ҳудудий келишувларни тузиш стандартларда махсус тўсиқларнинг мавжудлиги, турли хил синов услублари, кириб келаётган маҳсулотни сертификатлашга кетган ҳаражатларни бироз бўлса ҳам камайтириш билан бу ҳудудга кирмайдиган мамлакатларнинг маҳсулотларини импорт қилишга жамоавий тўсқинлик яратади. Мисол тариқасида АҚШ қатор йиллар давомида Европанинг “умумий бозор”и томонидан яратилган сертификатлаш келишувларига учинчи мамлакатларнинг иштироки, уларнинг миллий фирмалари учун мамлакатлар орасидаги савдо – иқтисодий алоқаларини ривожлантиришга айрим афзалликларни пайдо қилади.

БМТнинг ягона Иқтисодий Комиссиясининг баҳолаши бўйича фақат

Европада бир неча юздан зиёд халқаро ва ҳудудий сертификатлаш келишувлари ёки сертификатлаш бўйича давлатларнинг маъсуллиги, маҳсулотларни синаш натижаларини узаро тан олиши мавжуд.

Халқаро стандартлаш ташкилотининг маълумотларига кура меҳнат муҳофазаси ва ҳавфсизлиги талаблари бўйича сертификатланган маҳсулотларнинг ҳажми бир йилда 200 млн. америка долларига баҳоланган.

Сертификатлаш идоралари ва уларнинг аккредитацияси

Сертификатлаш идораларининг асосий вазифалари:

- маҳсулот, хизмат, сифат тизимини сертификатлаш ҳамда сертификатларни тан олиш, бериш ва инспекцион назорат қилиш;
- сертификатлаш бўйича норматив ва услубий асосларини ташкил этиш ва юритиш;
- сертификатлаш тартибини белгилаш.

Сертификатлаш идорасининг ташкилий тузилмаси

қўйидагилар:

- бошқарув кенгаши;
- бошқарувчи тузилмалар;
- эксперт – аудиторлар гуруҳлари;
- аккредитланган синов лаборатория (марказ) лари ва инспекцион назорат идоралари (ёки шартнома асосида улар билан ҳамкорлик қилиш).

Сертификатлаш идоралари қўйидаги ҳуқуқларга эга:

- сертификатлаш бўйича ишларни ўтказиш;
 - сертификат ёки мувофиқлик белгилардан фойдаланишни бекор қилиш ёки тўхтатиб қўйиш;
 - норматив ҳужжатларини ишлаб чиқишда уз таклифларини киритиш;
 - синов лаборатория (марказ) ларини аккредитлашда иштирок этиш;
 - сертификатлаш ва инспекцион назорат ишларига бошқа ташкилот ва корхоналардан мутахассисларни жалб қилиш;
 - айрим ҳолларда сертификатлаш ишларининг бир қисмини бошқа сертификатлаш идораларга жўнатиш;
 - тегишли ташкилот ва корхоналардан зарурий материалларни сўраш;
 - маҳсулотдан намуналар олиш;
 - сертификатланган маҳсулотга мувофиқлик белги қўйиш ёки бу ишни ташкилот, корхонанинг ўзига топшириш;
 - ариза берувчилар билан иш бажарилиши бўйича шартномалар тузиш.
- Аккредитлаш шартлари бузилганлиги, асоссиз сертификат бериши ва

шартнома шартларини бузганлигига сертификатлаш идораси жавоб беради.

Аккредитлаш қўйидаги босқичлардан иборат:

- *ариза ҳужжатларини тақдим этиш ва экспертизадан ўтказиш;*
- *ариза берувчининг сўровига биноан текшириш комиссиясини тайинлаш;*
- *ариза берувчини текшириш;*
- *текшириш материалларини экспертиза қилиш, аккредитлаш бўйича ҳужжатларни тайёрлаш ва топшириш.*

Аккредитлаш натижаларига кура:

- *сертификатлаш идораси тўғрисида Низомни ва маҳсулотни сертификатлаш тартибини тасдиқлаш;*
- *лицензион шартнома имзоланади;*
- *қайд қилинган санадан уч йил муддатга аккредитлаш аттестати расмийлаштирилади ва қайд қилинади;*
- *Республика Стандарт Агентлиги сертификатлаш идорасининг Давлат реестрига киритилади.*

Одатда барча мамлакатлар ташқи савдода давлат томонидан солиқ, турли йиғинлар, импорт депозитлари ва х.к. иқтисодий таъсир кўрсатишади. Шунинг билан бирга тариф ва савдолар бўйича бош келишув (ТСБК) экспорт–импорт акцияларда лицензиялашнинг административ усулларини қўллашга имкон беради.

2.3. Хорижий давлатлардаги лицензиялаш ва сертификатлаш тизими.

Хориж мамлакатларда лицензиялаш тартиби ва қоидалари

Европа мамлакатларида лицензиялаш тартиби утган асрнинг 70-80 йилларида тўлиқ шаклланди. Ҳозирги кунда деярли барча ғарб мамлакатларида мажбурий импортга рухсат бериш бир қанча маҳсулотларга, ўз навбатида маҳсулотларнинг ҳам турлари кўп булиб, уларни экспорт қилиш учун лицензия берилади.

Ҳозирги кунда нархларнинг инфляцияси ва эркин конвертацияланган валютага муҳтож бўлган ривожланаётган мамлакатларда лицензиялаш ташқи иқтисодий алоқаларни тартибга солишда кенг қўлланилмоқда. Бу давлатларнинг ҳужжатлари маҳсулотларнинг кўп турига лицензия жорий қилинмоқда.

Ривожланаётган мамлакатларда, бундан ташқари савдо нархларига қўшимча турли ҳил талаблар қўйилмоқда. Масалан, чет эл савдо материалларига мамлакат маҳсулотларидан сотиб олиш мамлакатимиздаги

машиналарни импорт қилувчиларга савдо жараёнини молиялаштириш манбаси борлигини тасдиқлашни талаб қилмоқда.

Ривожланган ва собиқ Иттифоқ мамлакатларида ташқи иқтисодий алоқаларни лицензиялаш тизимларида бир биридан фарқи бўлсада, уларнинг умумий таснифлари ҳам бор.

Хорижий давлатлардаги сертификатлаш тизими

Францияда 1938 йилда миллий сертификатлаш белги тизими (NF) ташкил қилинган. Тизимни ташкил қилиш ва бошқариш Франциянинг стандартлаш Ассоциацияси (AFNOR) га юклатилган. NF билан сертификатланган маҳсулотлар уларни тегишли Франция стандартларига тўлиқ талаб беришини тасдиқлов ишни билдиради. Демак, тизим асосида фақат AFNOR томонидан тузилган ва тасдиқланган миллий стандартлар ётади.

NF тизимига маҳсулотларнинг аниқ гуруҳларини сертификатлашга оид 75 та сертификатлаш тизимлари киради. Масалан, хўжалик машина ва асбобларни синаш учун 15 та сертификатлаш тизими (электр хўжалик асбоблари, музлаткичлар ва х.к) мавжуд.

AFNOR ва унинг Бошқарув қумитаси томонидан қўйидаги ишлар бажарилади:

– стандартлаш комиссари томонидан 12 нафар Бошқарув қумитасининг аъзоси тайинланади. Қумитага умумий раҳбарлик ва назорат қилиш унинг Бош директориغا тайинланади;

- стандартлаш комиссари томонидан саноат корхоналари, истеъмолчилар ва ҳукумат ташкилотларидан техниканинг ҳар бир соҳасидан тайинланган махсус қумиталар бўлиб уларнинг вазифаларига уз соҳаси бўйича сертификатлаш қоидалар лойихасини ишлаб чиқиш, NF мувофиқлик белгисидан фойдаланиш қоидаларини, синов лабораторияларини танлаш, маҳсулотни сертификатлаш ўтказишга ҳуқуқи бор мутахассиларни танлаш. Давлат стандартларининг қоидаларини бажармаган корхоналарга нисбатан чора тадбирларини белгилаш кабилар киради;

- ҳар бир қумитага беркитилган ва улар соҳа, соҳалараро ёки давлат миқёсидаги синов лабораториялар ишларини ташкил этиш ва назорат қилиш;

NF белгисини сертификатлаш тизими – бу учинчи томон томонидан сертификатлаш бўлиб қўйидагиларни кўзда туттади:

- маҳсулот тайёрловчи корхоналар номидан аризалар бериш;

- сифат тизимини таъминланишини баҳолаш учун корхоналарни текширишдан ўтказиш;

- маҳсулот намуналарини синовдан ўтказиш;

- мувофиқлик белгисини маҳсулотга бериш учун сертификат ёки лицензия бериш;
- ишлаб чиқарувчи ва сотувчилардан олинган маҳсулотларни қайта синовдан ўтказиш ва корхона назорат ишларини бажариш.

Махсус қумиталар 22 та синов лабораториялар ва назорат идоралари билан ҳамкорликда ишлайди. Ишлаб чиқаришда сертификатлаш махсус экспертлар гуруҳларига ҳам топширилиши мумкин. Улар синовларни махсус синов лабораторияларида ҳам ўтказиши мумкин ва корхонанинг метрологик таъминоти, синов ускуналари норматив ҳужжатлари билан танишади. Экспертлар гуруҳи стандартлар талабларига жавоб берадиган маҳсулотни кўп миқдорда чиқариш учун керак бўлган барча шароитларга эгаллигини аниқлаб беради.

1981 йилда Франция ҳукумати томонидан сертификатлаш миллий ташкилотларидан 18 таси, шу жумладан AFNOR тан олинди.

Миллий ташкилотларини сертификатлаш бўйича вакиллик идораси сифатида тан олинishi давлатнинг саноат ва фан вазирлигининг маслаҳат берувчи қумитаси томонидан бажарилади. Бу қумитага истеъмолчилар, маҳсулот тайёрловчи корхоналар, савдо ва ҳукумат идораларидан вакиллар киради.

Маҳсулотни стандартларга мос белгисини олиш учун сертификатлаш ва белгилаш ривожланаётган мамлакатларда ҳам ривожланмоқда. Бу мамлакатларда миллий сертификатлаш тизимини шакллантиришда ривожланган мамлакатлар тажрибаси қўлланилади ва халқаро стандартлаш ташкилотининг миллий сертификатлаш идораларини ташкил этиш бўйича тавсияларни инобатга олинган. Ривожланган мамлакатларда миллий сертификатлаш тизимига раҳбарликни миллий стандарт агентликлари бажаради. Улар томонидан сертификат, лицензиялар ва мувофиқлик белгилари берилади, маҳсулот ишлаб чиқаришини назорат қилишади.

Лекин кўп ривожланаётган мамлакатлар керакли синов ва ўлчов асбоблари билан таъминланмаганлиги туфайли маҳсулотни сертификатлаш маҳсулот ишлаб чиқарувчи ташкилотлар томонидан бажарилади.

Ҳиндистонда ҳар бир маҳсулот чиқарувчи корхона агарда талаб даражасида керакли синов ва назорат ускуналарига эга бўлса, Ҳиндистон сертификатлаш институтига маҳсулотни белгилашга лицензия олиш учун мурожаат қилиши мумкин. Ҳиндистон сертификатлаш институти ариза тушгандан сўнг корхонани синов ва ўлчов ускуналари билан таъминланганлигини текширади. Бунда корхонага келиб тушадиган хомашё, йиғиладиган барча деталлардан тортиб, чиқариладиган тайёр маҳсулотгача

текширилади.

Институт томонидан берилган лицензияда маҳсулот намунасини синаш ва назорат қилиш схемаси билан таъминланади. Лицензиянинг ҳаракат даврида институт қўйидагиларни бажаради:

- доимий равишда (огоҳлантирмасдан) институтнинг махсус назоратчилар томонидан корхона томонидан чиқарилаётган маҳсулот намуналарини институтнинг синов лабораторияларида ёки мустақил синов марказларида синаш учун танлайди;
- шунингдек маҳсулотларни савдо соҳасидан ҳам танлайди;
- мувофиқлик белгиси билан белгиланган маҳсулотларнинг сифати бўйича эътирозлари институт томонидан кўриб чиқилади.

Агарда эътирозлар асосли бўлса институт унинг сабабларини аниқлаб брак маҳсулотни алмаштиришга кўрсатма беради.

Лицензиянинг ҳаракат даври бир йил ва бу муддатдан кейин маҳсулот чиқарувчи муддат тугашига бир ой қолганда институтга муддатини узайтириш учун талабнома беради.

Институтнинг мувофиқлик белгиси чет элда чиқарилган маҳсулотларга берилиши мумкин эмас, чунки бу белги ҳеч қандай мамлакатда қайд этилмаган.

Институт томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига, машинасозлик, кимё, электротехника ва электроника саноати маҳсулотларига 10 мингдан зиёд лицензиялар берилган.

Яна бир ривожланган мамлакат – **Таиланд**да сертификатлаш тизимини бошқариш Саноат вазирлиги қошида таъсис этилган Саноат стандартлари институтига юклатилган.

Шу институтнинг стандартларга мувофиқликни белгиловчи икки хил белгиси мавжуд бўлиб, бири мажбурий сертификатлашга таалукли. Маҳсулотга мувофиқлик сертификатини бериш Таиланд саноат стандартлаш институтига (ССИ) юклатилган.

Саноат стандартлаш институтини бошқариш учун махсус бўлинма ташкил этилган бўлиб у маҳсулотни сертификатлаш, режалаштириш, лицензиялар бериш ва кейинги назорат ишларини бажаради. Корхоналарни текшириш, намуналарни синаш ва шу асосида маҳсулотни белгилаш учун лицензия бериш бўйича тавсияларни, технологик жараённи узгартириш тўғрисида ёки корхона фаолиятини тўхтатиш бўйича тавсияларни, баҳсларни ҳал этиш учун саноат маҳсулотлар стандартлари Кенгашига тақдим этади.

Агарда чет элдан кириб келинган маҳсулот Таиланд стандартларига жавоб берса, бу маҳсулот экспорт қилувчи мамлакатнинг миллий белгиси

билан белгиланиши ёки кириб келинган маҳсулот Таиланд стандартлари бўйича сертификатлашдан ўтиши лозим.

Таиланд саноат сертификатлаш институти томонидан ишлаб чиқариш корхоналарнинг ҳолати доимий назорат қилинади, назоратнинг такрорланиши чиқариладиган маҳсулот турига боғлиқ бўлади.

Намуналар вазирлик университетининг синов лабораторияларида маҳсулот чиқарувчи ва истеъмолчиларга боғлиқ бўлмаган ҳолда ўтказилади.

Сертификатлаш бўйича ҳаражатларнинг кўп қисми давлат томонидан қопланади. Сертификатлаш қонунларини бузган корхоналарга жарима белгилайди ёки судга мурожаат қилади.

Колумбия, Туркия ва ривожланган қатор мамлакатларда стандартларга мувофиқлик сертификат белгиси беришга оид миллий тизимлар яратилган. Лекин кўп ривожланаётган мамлакатларда миллий стандарт сертификатлаш тизимлари мавжуд эмас. Агарда миллий сертификатлаш тизими ташкил этилган бўлса ҳам, талаб даражасида ускуналар билан жиҳозланган синов лабораториялари мавжуд эмас.

Ривожланаётган мамлакатларда сертификатлаш тизимини шакллантириш маҳсулот, айниқса экспортга чиқарилган маҳсулот сифатини оширишга олиб келади.

Ривожланган мамлакатларда сертификатлаш фаолияти давлат миқёсида бажарилади. Халқаро амалиётда сифат тизимини сертификатлаш схемаси кенг жорий қилинган.

Қозоғистон Республикасида давлат сертификатлаш тизими сертификатлаш ўтказиш бўйича комплекс норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилмоқда.

Биринчи навбатда, белгиланишда биринчи рақами “3” бўлган давлат стандартлари (ДС) ҳамда қоида ва кўрсатмалар. Сертификатлаш бўйича идораларига, синов лабораторияларига, инспекцион назорат идораларига кўйиладиган талаблар, уларни аккредитлаш тартиблари, маҳсулотларни, хизмат ва ишларни сертификатлаш тартиби, сертификат, мувофиқлик белгиларини бериш тартиби, эксперт – аудиторга қуйиладиган талаблар.

Сертификатлаш бўйича норматив ҳужжатлар илм, фан, техника ва технологияларнинг ҳозирги ютуқлари, халқаро стандартларга жавоб берадиган, маҳсулотлардан фойдаланиш шароитларини ҳисобга олиш ва халқаро савдоларга тусиқлик қилмаслиги керак.

Қозоғистон Республикаси сертификатлаш тизими кўп жиҳатдан Ўзбекистон сертификатлаш тизимига ўхшайди.

Шу жиҳатлардан бу тизимлар кўйидаги умумий талабларга жавоб беради:

- мустақиллик;
- сертификатлаш масалаларни аниқ бажариш учун ташкилий таркибнинг мавжудлиги;
- керак бўладиган ҳужжатларнинг мавжудлиги;
- аккредитланган синов лабораториялари (марказлари) мавжудлиги ёки улар билан тузилган шартномалар;
- мутахассис кадрлар мавжудлиги.

2.4. Маҳсулот ва хизматларни лицензиялаш ва сертификатлаш қоидалари.

Мажбурий сертификатлаш шартлари, сертификатлашда ишлаб чиқарувчиларнинг вазибалари

Мажбурий сертификатлаш ва уни ўтказиш шартлари

Мажбурий сертификатлаш ишларини ташкил этиш Ўзстандарт агентлиги ёки унинг ваколати доирасида албатта аккредитланган сертификатлаш идораларига юклатилади. Мажбурий сертификатлашга киритиладиган маҳсулотлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Сертификатлаштириш ишларини тартибга солувчи “Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиби тўғрисида” Низомга мувофиқ маҳсулотларни сертификатлаштиришнинг ҳамма босқичлари – мурожаатчидан ҳужжатларни қабул қилиш ва намуна танлашдан бошлаб, мувофиқлик сертификати расмийлаштирилгунча қадар бўлган ҳар бир жараённинг муддатлари, нархлари ва синов ўтказиш тартибларига керакли ўзгартиришлар киритилди. Биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикасида мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулот ва хизматларнинг рўйхати 30% га қисқартирилди.

Мажбурий сертификатлашга ишлаб чиқаришни ошириш, маҳсулотнинг таснифлари норматив хизматларда белгиланган талабларга жавоб бериш даражасини аниқлаш мақсадида синов ўтказиш, инспекцион назорат ва сертификатлашган маҳсулотларни назоратли кузатуви қиради.

Синов ўтказилиши аккредитланган синов лабораториялари (марказлари) томонидан норматив ҳужжатлар асосида, агар улар бўлмаса тегишли сертификатлаш идоралар томонидан ишлаб чиқилган ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Мажбурий сертификатлаш ишлари учун туловлар ариза берувчи томонидан қонунда белгиланган миқдорда амалга оширилади ва ариза

берувчи томонидан мажбурий сертификатлаш учун туланган туловлар маҳсулот таннархига киритилади.

Мажбурий сертификатлаш утказиладиган маҳсулотларга қўйиладиган талаблар

Мажбурий сертификатлашга қўйилган маҳсулотлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотилиши ёки олинishi мумкин эмас.

- *агар бу маҳсулот сертификатлашга қўйилган бўлса;*
- *-сертификатлаш талабларига жавоб бермаганлиги учун сертификатлашдан утмаган бўлса;*
- *агар сертификат муддати утган бўлса ёки унинг ҳаракати тухтатилган бўлса.*

Мажбурий сертификатлашга қўйилган маҳсулот чиқарувчилар (тадбиркорлар) га қуйидаги мажбуриятлар қўйилади:

- мажбурий сертификатлашга қўйилган маҳсулотни сертификатлашга қўйиш;
- сертификатлашган маҳсулотни фақат сертификат идоралари томонидан берилган ёки тан олинган сертификат бўлиши ва маҳсулот сифатини норматив хизматларига мос келган ҳолда сақлаш;
- агарда сертификатлашга қўйилган маҳсулот норматив хизматларда белгиланган талабларга жавоб бермаса уни сотиб олишни тухтатиш, ҳамда сертификат муддати утиб кетса ёки сертификат ҳаракати тегишли сертификатлаш идораси томонидан тухтатилган бўлса:
- мажбурий сертификат идораларининг мутассади ходимлар уз хизмат вазибаларини бажариш учун барча чораларини куриш, уларнинг курсатмаларини бажариш ва сертификатланилган маҳсулот устидан назорат қилиш;
- агарда сертификатланилган маҳсулотнинг техник хизматларига ёки технологик жараёнга узгартириш киритилган бўлса сертификатлаш идорасига белгиланган қоидага мувофиқ хабар бериш;
- хат билан тақдим этиладиган техник хизматларда сертификатланилган маҳсулот, қандай талабларга жавоб бериши ҳамда норматив хизматлар тўғрисида маълумот курсатилиши ва истеъмолчига ҳам етказилишини таъминлаш.

Кириб келадиган ва чиқадиган маҳсулотни мажбурий сертификатлаш

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига контракт (шартнома) асосида кириб келадиган мажбурий сертификатлашга оид маҳсулотнинг талабга жавоб

беришини тасдиқловчи мувофиқлик сертификати ва мувофиқлик белгиси бўлиб улар Узстандарт агентлиги томонидан берилган ёки тан олинган бўлиши керак.

Узстандарт агентлиги томонидан тан олинган хорижий мамлакатларнинг мувофиқлик сертификати ва мувофиқлик белгиси ариза берувчи (мурожаат қилувчи) томонидан юк божхона декларацияси билан биргаликда божхона назорат идораларига топширилади ва бу республика худудига киришга рухсат олиш учун зарурий хужжат ҳисобланади.

Киритилаётган маҳсулотнинг хавфсизлигини тасдиқловчи хужжат бўлмаса божхона назорати идоралари Узстандарт агентлигига хабар беради ва маҳсулотни сертификатлашмагунча ёки хорижий сертификатни тан олмагунга қадар киритиш учун рухсат бермайди.

Мажбурий сертификатлашиши керак бўлган маҳсулот Ўзбекистон Республикаси худудидан чиқиб кетиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ўрнатилади.

Мажбурий сертификатлаш ишларини давлат томонидан молиялаштириш

Давлат томонидан қўйидаги ишлар молиялаштирилади:

- сертификатни ривожланишини прогноз қилиш, уни утказиш қоида ва усулларини ишлаб чиқиш;
- сертификатлаш соҳасини расмий маълумотлар билан таъминлаш;
- сертификатлаш бўйича халқаро ташкилотлар ишида иштирок этиш;
- сертификатлаш бўйича халқаро қоида ва тавсиялар ишлаб чиқишда иштирок этиш;
- сертификатлаш бўйича умумдавлат аҳамиятига эга илмий – тадқиқот ва бошқа ишларни бошқариш;
- сертификатлаш қоидаларига риоя қилиш, сертификатланган маҳсулотлар бўйича давлат назоратини утказиш.

Мажбурий сертификатлаш қоидалари маҳсулот чиқарувчилар (тадбиркорлар, сотувчилар, бажарувчилар) томонидан риоя қилинишининг давлат назорати Узстандарт агентлиги томонидан амалга оширилади.

- сертификатланган маҳсулот, сифат тизими, ишлаб чиқариш аккредитланган синов лабораториялар, сертификатлаш идораларидаги эксперт–аудиторлар томонидан Ўзстандарт агентлиги белгиланган тартибда утказилади.

Ихтиёрий сертификатлаш

Юридик ёки жисмоний шахснинг ихтиёрига мувофиқ ҳар қандай маҳсулот норматив ҳужжатларга мувофиқлигини тасдиқлаш бўйича ўтказилиши мумкин. Ихтиёрий сертификатлашни Ўзстандарт агентлиги белгиланган тартибда аккредитланган юридик ёки жисмоний шахслар ўтказиши мумкин. Ихтиёрий сертификатлаш тартиб ва қоидалари Ўзстандарт агентлиги билан келишилган ҳолда аккредитланган идоралар томонидан амалга оширилади.

Баҳс–мунозарани куриб чиқиш. Сертификатлаш қонунчилигини бузганлиги учун жавобгарлик

1. Узаро баҳс – можаролар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда суд орқали ҳал қилинади.

Агарда ариза берувчи сертификатлаш натижаси билан рози бўлмаса унда у Ўзстандарт агентлигининг Апелляция кенгашига мурожаат қилиши мумкин. Апелляция кенгаши тўғрисида Низом Ўзстандарт агентлиги томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади. Апелляция кенгашида аризани куриб чиқиш муддати 2 ҳафта.

Ўзстандарт агентлиги, Апелляция кенгаши қарори қонунчиликда белгиланган тартибда судда курилиши мумкин.

2. Сертификатлаш идоралар ва синов лабораторияларининг жавобгарлиги

Сертификатлаш идорасининг маълумотлари қўйидагича:

- *асоссиз ва нотўғри мувофиқлик сертификатини бериш;*
- *ариза берувчига нисбатан ноқонуний ҳаракат қилиш;*
- *ариза берувчининг савдо сирини оммага билдириш.*

Аккредитланган синов лаборатория сертификатлаш идорасига синов натижалари бўйича нотўғри маълумотлар берганлиги учун жавобгар.

Ушбу ҳоллар бўлганда ариза берувчи курган зарар миқдори қонунчиликда белгиланган тартибда сертификатлаш идоралар ва синов лабораториялар томонидан қопланади.

3. Мажбурий сертификатлаш қоидаларини бузганлиги учун маҳсулот чиқарувчи (тадбиркорлар) нинг маъсулияти:

Мажбурий сертификатланиши керак бўлган маҳсулот агар сертификатланмасдан сотувга чиқарилган бўлса қонунда белгиланган тартибда сотилган маҳсулот нархига тенг жарима солинади. Жарима қилингандан кейин ҳам маҳсулотни сертификатлаш зарур. Жарима давлат бошқарув идораларининг мажбурий сертификатлаш қоидаларини назорат қилиш вакилининг қарорига асосан ундирилади.

Мазкур қоидалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳсулотларни сертификатлаш жараёнини соддалаштириш бўйича қўшимча чора - тадбирлар” тўғрисида 2004 й 6.07 №318 – сонли қарорига асосан қабул қилинган.

Маҳсулотларни сертификатлаш бўйича умумий қоидалар

1. Мазкур қоида асосида маҳсулотлар, шу жумладан дастурлар ва бошқа илмий – техник маҳсулотлар сертификатланади.

2. Сертификатлашни ташкиллаштириш ва утказиш белгиланган тартибда аккредитланган бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаш идоралари томонидан бошқарилади.

3. Сертификатлаш схемалари бир хил турдаги маҳсулотларга қўйилган талабларга асосан норматив хужжатлар ва сертификатлаш қоидалари билан белгиланади. Бунда маҳсулотнинг хавфсизлигига қараб текшириш ҳажми, унинг мураккаблиги аниқланади.

Сертификатлаш схемали ариза берувчининг талабларига қараб сертификатлаш идоралари томонидан танланади. Бунда маҳсулот ҳажми, олиб келиш муддати, синов усуллари, ишлаб чиқаришнинг хусусиятлари, бир миёрда ишлашнинг бузилиш мумкинлиги ҳамда ушбу маҳсулотни истеъмолчилар учун хавфлилик даражаси эътиборга олинади.

4. Сертификатлашда маҳсулотнинг норматив хужжатларда белгиланган талабларга жавоб беришини тасдиқлаш ва унда сертификатлашда текшириш лозим бўлган таснифлар, синов ва назорат усуллари бажарилади. Агарда норматив хужжатларда сертификатлаш синовлаври бўйича бўлимлари бўлмаса ёки давлатлараро стандартларни қўллаш имкони бўлмаса уша норматив хужжатлар ёки давлатлараро стандартлардаги таснифлардан биринчи навбатда хавфсизлик бўйича талаб қилинадиган таклифлар танланади.

5. Сертификатлаш ишлари учун харажатлар ариза берувчи томонидан қонунчиликда белгиланган талаблар асосида қопланади.

Сертификатлаш ўтказиш тартиби

1. Ўзбекистон миллий сертификатлаш тизими маҳсулотни сертификатлашда қуйидагиларни уз ичида қамраган.

- *сертификатлаш идорасига сертификатлаш утказиш бўйича ариза бериш ва уни куриб чиқиш;*
- *сертификатлашга қўйилган маҳсулотнинг норматив ва бошқа хужжатларини таҳлил қилиш;*
- *ариза бўйича қарор қабул қилиш;*

- *синов дастурини қўллаш ва тасдиқлаш;*
- *маҳсулот намуналарини танлаш, намуналарини лабораторияга олиб келиш;*
- *аккредитланган синов лабораторияда синов утказиш;*
- *маҳсулот чиқарувчи корхонани кузатиш, урганиш;*
- *сифат тизимини баҳолаш;*
- *маҳсулотнинг мувофиқлигини аниқлаш;*
- *олинган натижаларни таҳлил қилиш, мувофиқлик сертификат бериш ёки рад этиш;*
- *сертификатларни Ўзбекистон миллий сертификатлаш тизими давлат реестрида қайд қилиш.*

2. Гигиеник, ветеринария экспертизалар, фитосанитария назорат ва экологик сертификатлаш зарурлиги сертификатлаш идоралар томонидан тақдим этилган норматив ҳужжатларда гигиеник, ветеринария, фитосанитария ёки экологик талабларнинг мавжудлигига қараб белгиланади. Шу жараёнлар сертификатлаш синовлар билан бир пайтда утказилиши ва яқунланиши лозим бўлиб яқунда ариза берувчига тегишли сертификат бергунга қадар керакли ҳужжатларни тақдим этади.

3. Сертификатлаш идоралари ариза берувчининг талабига мувофиқ қўйидагиларни тақдим этиш лозим:

- *мажбурий сертификатлаш керак бўлган маҳсулот турларининг руйхати;*
- *аккредитланган сертификатлаш идоралари доирасида бир хил турдаги маҳсулотни сертификатлаш қоидалари;*
- *сертификатлаш хизмати томонидан берилган аккредитланганлиги тўғрисида гувоҳнома.*

4. Кириб келадиган маҳсулотларни сертификатлаш учун қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- *ишлаб чиқарилган маҳсулот учун норматив ҳужжатлар нусхаси;*
- *маҳсулотни белгилаш нусхаси ёки маҳсулот тўғрисида маълумот;*
- *Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига кириб келганлиги тўғрисида белги қўйилган маҳсулот ҳужжати (накладная, счет фактура, инвойс).*

Агарда ариза берувчи маҳсулотни сертификатлаш билан бир пайтда унга гигиеник сертификати ва мувофиқлик сертификатини талаб қилса, унда

ўрнатилган тартибда хужжатлаштирилган кейин гигиеник сертификатнинг нусхаси берилади.

5. Агарда республикага киритилган маҳсулотнинг норматив хужжатлари бўлмаса, унда сифат ва хавфсизлик курсаткичлари бўйича сертификатлаш синовлар маҳсулотларнинг ухшаш хужжатлари турлари ёки гигиеник сертификати тақдим этилганда амалга оширилади (озиқ–овқат маҳсулотлари ва озиқ–овқат билан контактлашадиган маҳсулотлар).

6. Ишлаб чиқарилган маҳсулотни сертификатлаш учун кўйидаги хужжатлар тақдим этилиши керак:

- *ишлаб чиқарилган маҳсулотга норматив хужжатлар нусхаси;*
- *маҳсулотни топшириш нусхаси;*
- *гигиеник сертификат нусхаси*

7. Агарда сертификатлаш идораси ушбу ҳудудда бўлмаса, унда ариза ва барча хужжатлар сертификатлаш бўйича миллий идорага ёки унинг ҳудудий идорасига тақдим этилади. Агарда улар ҳудудда бир нечта бўлса унда ариза берувчининг ихтиёри бўйича биттаси танланади.

8. Ариза берилгандан кейин сертификатлаш идораси уни куриб чиқади, тақдим этилган хужжатларни таҳлил қилиб икки кун орасида ариза берувчига сертификатлашнинг асосий шартлари, сертификатлаш шакли ва керак бўладиган норматив хужжатлар, синов утказувчи аккредитланган синов лабораторияси (АСЛ) тўғрисида маълумот беради.

Агарда сертификатлашган маҳсулотга гигиеник, ветеринария, фитосанитария ёки экологик талаблари бўлса, қарорда гигиеник, ветеринария, фитосанитария, экологик хулосалар (сертификат) олишни тақлиф этади.

Тез бузиладиган маҳсулотлар (қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат саноати моллари) ни сертификатлаш муддати 3 кундан ошмаслиги керак.

9. Ихтиёрий сертификатлашда сертификатлаш идоралари маҳсулотнинг ариза берувчи тақлифига асосан сертификатлаш таснифларда уларни аниқлаш усуллари белгилайди. Сертификатлаш учун синовлар аккредитланган синов лабораторияларида амалга оширилади. Бу тақлифни сертификат идоралари беради, миллий сертификатлаш идора эса объектив хулосалаш учун синов жойини, тартиб ва шартларини белгилайди.

10. Сертификатлаш утказиш учун керак бўладиган маҳсулот намуналари ишлаб чиқариш корхонасига бориб ариза бергандан икки кун ичида танлаб олинади. Намуналарини олиш, текшириш, сақлаш норматив хужжатлар ҳамда синов утказиш методикаси билан белгиланади.

Республикага кириб келаётган куп миқдордаги бир турдаги маҳсулотлардан намуналар синов утказиш учун етарли миқдорда синов идоралари томонидан белгиланган миқдори кириб келаётган маҳсулот маҳсулотларни тўлиқ сертификатлаш учун етарли даражада эмаслиги аниқланса, ариза берувчига сертификатлаш бўйича асосланган рад жавоби берилади.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотдан намуналар актланади, икки нусхада олинган намуналардан бир нусхаси ариза берувчига берилади.

11. Божхона назоратида турган импорт моллардан сертификатлаш учун намуналар олиш божхона идораси руйхати билан товар эгаси ёки унинг вакили иштирокида олинади. Бунда намуналар олиш тўғрисида акт уч нусхада қилинади ва ундан иккинчи нусхаси божхона идорасига берилади.

Ариза берувчи узининг хохиши билан сертификатлаётган маҳсулотнинг техник таснифларини тақдим этиш мумкин. Шунингдек, ариза берувчи сертификатлаш идорасига маҳсулотни

ишлаб чиқаришга қўйиш бўйича Ўзбекистонда аккредитланган ёки тан олинган мамлакат ёки хориж синов лабораторияларининг синов баённомаларини тақдим этади.

Маҳсулот эгаси ёки унинг вакилининг аризасига мувофиқ аккредитланган синов лабораторияда синов утказиш тартиби, шароитлари билан танишишга имконият берилиши керак.

12. Намуналар синов натижаларининг тўғрилиги, сифати, шунингдек синов баённомаларининг сақланишига синов утказган аккредитланган синов лабораторияси маъсулдир. Синов баённомалари ариза берувчига ва бир неча аккредитланган синов лабораторияларида утказилган бўлса, барча баённомаларда маҳсулот талаб даражасида эканлиги тасдиқланса, унда сертификатлаш натижаси ижобий бўлади.

Агарда синов натижалари салбий бўлса ёки сертификатлаш идорасига норматив ҳужжатлар тўлиқ берилмаган тақдирда синов идоралари қонуннинг қайси мисралари бўйича тўғри келмаганлигини курсатиб сертификат берилишини рад этиш ҳулосасини беради. Синов пайтида маҳсулотнинг тўлиқ бузилганлиги тўғрисида маҳсулот эгаси ёки унинг вакили иштирокида акт қилинади. Агарда маҳсулот қисман бузилган, синган ва х.к. бўлса ёзма равишда имзоланиб маҳсулот эгасига топширилади.

13. Сертификатланилган маҳсулотни ишлаб чиқараётган корхонани ўрганиш муддати маҳсулот намуналарини олгандан кейин 10 кундан ошмаслиги керак. Сертификатлаш идораси синов протоколларини, ишлаб

чиқарувчи корхона ҳолатини ариза берувчининг хошишига кура кузатгандан кейин мувофиқлик сертификатини беради ёки рад этади.

Сертификат давлат ёки рус тилида шакллантирилади ва ҳужжатлаштирилгандан кейин миллий сертификатлаш тизими Давлат реестрига киритилади. Агар сертификатлаш натижаси қайд қилинган бўлмаса у ҳақиқий ҳисобланмайди. Мувофиқлик сертификатининг шакли миллий сертификатлаш тизими томонидан белгиланади. Мувофиқлаштириш сертификати ариза берувчига икки иш кун давомида, агарда ишлаб чиқариш корхонаси кузатувдан утказилса – 5 иш кунида такдим этилади.

Мувофиқлик сертификати мамлакатга кириб келган маҳсулотга унинг яроқлик муддатига, сифатли чиқарилган маҳсулотга 3 йил муддатга берилади.

14. Мувофиқлик сертификатининг ҳаракати давомида чиқарилган маҳсулот сертификатланган деб ҳисобланади ва қайта сертификатлашдан утказилмайди. Сертификатланганлик исботи тўлиқ мувофиқлик белгиси ҳисобланади.

15. Ариза берувчи қайта сертификатлаш мақсадида маҳсулотга берилган сертификатнинг тугаш муддатига 1 ой қолган вақтда сертификатлаш идорасига ариза бериш мумкин. Бунда сертификатлаш идораси инспекцион назорат натижаларига асосланиб сертификатлаш схемасини узгартириш мумкин. Агарда аввалда расмийлаштирилган тадбирлар асосида чиқарилаётган маҳсулотга айрим узгартиришлар киритилса ёки ишлаб чиқаришга киритилган узгаришлар чиқарилган маҳсулотга таъсир этадиган бўлса, маҳсулот чиқарувчи бу тўғрида сертификатлаш идорани маълум қилиш керак, сертификатлаш идораси эса камчиликларни бартараф этиш буйича тадбирларни утказиш кераклиги тўғрисида қарор қабул қилади.

16. Агарда (.....) сирли чиқарилган маҳсулотга сертификатлаш идораси томонидан мувофиқлик сертификати унинг талабларга жавоб беришини аниқлаш учун берилган бўлса, ҳар йили ҳеч бўлмаса 1 марта инспекцион назарий текширувдан утказилади. Инспекцион назорат текшируви асосида мувофиқлик сертификати ва мувофиқлик белгисининг фаолияти давом эттириш ёки тўхтатилиши ҳақида қарор қилади.

Сертификатлаш схемалари, сертификатлашда информацион таъминот.

Сертификатлаш схемалари

Сертификатлаш тизимида 9 та сертификатлаш схемаси мавжуд бўлиб улар қўйидаги ҳолатларда фойдаланилади:

1–схема. Аккредитланган синов лабораторияларида маҳсулотни биринчи навбатда хавфсизлик томонидан сертификатлаш учун қўлланилади. Шунингдек бу схема маҳсулотга аниқ норматив ҳужжатлар бўлмаганда ҳам қўлланилиши мумкин.

2–схема. Маҳсулотнинг намунавий нусхасини текшириш аккредитланган синов лабораторияларида утказилади ва унда биринчи навбатда энг керак бўлган кўрсаткичлар бўйича сертификатланади. Шунингдек бу схема бўйича савдода (истеъмомолчида) ги маҳсулотни инспекцион назорат қилиш учун ҳам намуналар синалади.

3–схема. Бу схема ишлаб чиқарилган маҳсулотни аккредитланган синов лабораторияларида барча курсаткичлар бўйича ҳамда ишлаб чиқариш жараёнини сертификатлашда қўлланилади. Бу схема бўйича шунингдек ишлаб чиқаришни инспекцион назорат қилишда савдо соҳасида (истеъмомолчи) олинган маҳсулотни синаш учун ҳам қўлланилади.

4–схема. Ишлаб чиқарилган маҳсулотни, аккредитланган синов лабораторияларида барча курсаткичлар бўйича ҳамда ишлаб чиқаришни инспекцион назоратдан утказишда, шунингдек бу схема бўйича маҳсулотни ҳам ишлаб чиқаришдан, ҳам савдо соҳасидан (истеъмомолчи) олиб назорат қилганда қўлланилади.

5–схема. Ишлаб чиқарилган маҳсулотни аккредитланган синов лабораторияларида барча курсаткичлар бўйича ишлаб чиқариш жараёнини ёки сифат тизимини баҳолашда қўлланилади. Шунингдек бу схема бўйича маҳсулотни синаш ва ишлаб чиқаришни текшириш бўйича инспекцион назорат утказилади.

6 –схема. Сифат тизимини сертификатлашда уни баҳолаш учун ҳамда кейинчалик инспекцион назорат утказиш учун қўлланилади.

7–схема. Маҳсулотнинг яхлит тортишни сертификатлашда маҳсулотни синашда қўлланилади.

8–схема. Бу схема якка (дона) маҳсулотни сертификатлашда қўлланилади.

9–схема. Бу схема маҳсулотни сертификатлашда ва шу маҳсулотнинг талаб этилган хавфсизлик мувофиқлигини аниқлашда қўлланилади.

3–, 4–, 5–, 7–, 9– схемалар бўйича сертификатланган маҳсулотлар белгиланган тартибда мувофиқлик белгилари билан тамғаланиш мумкин.

Информацион таъминот

1. Сертификатлаш идораси улар томонидан берилган, рад этилган, тухтатилган сертификатлар тўғрисида маълумотни белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси миллий сертификатлаш идорасига беради. Қизиққан ташкилотларга ҳам уз фаолияти ва улар томонидан берилган

сертификатлар тўғрисида маълумотни беради.

2. Миллий сертификатлаш идора маҳсулотларни сертификатлаш тўғрисида қўйидаги маълумотларни чоп этади:

–сертификат берилган маҳсулотлар руйхати ва уларни сертификатланган таснифлари;

–сифат бўйича сертификатлаш идоралари, аккредитланган синов лабораториялари ва эксперт – аудиторлар руйхати;

–мувофиқлик сертификатлар фаолиятини тухтатиш;

–бир хил турдаги маҳсулотларни сертификатлашга қайд этилган руйхати.

Хорижий мувофиқлик сертификатларни тан олиш

1. Ўзбекистон Республикаси миллий сертификатлаш тизимида кирувчи миллий сертификатлаш идоралар, сертификатлаш идоралар хориж ва МДХ мамлакатларидан, агарда улар билан тан олиш шартномаси тузилган бўлса, келадиган маҳсулотларга берилган сертификатларини тан олиш ҳуқуқига эга. Тан олиш жараёни бир хил турдаги маҳсулотни сертификатлаш қоидаларига асосан бажарилади.

2. Халқаро тизим ва келишувлар доирасида берилган сертификатлар шу келишувлар асосида қабул қилинган қоидалар асосида, агарда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид келмаса, тан олишади.

3. Агарда маҳсулотга берилган сертификат худди шундай маҳсулотга Ўзбекистонда берилган сертификатнинг талабларидан паст бўлмаса тан олинади. Агарда норматив ҳужжатларда сертификатлаш учун қўшимча талаблар қўйилган бўлса шу талабларга мувофиқ синовдан утказилиб кейин тан олинади.

4. Мувофиқлик сертификатлашни тан олиш учун ариза берувчи тегишли сертификатлаш идорасига махсус шаклда ариза беради.

Аризага қўйидагилар илова қилинади:

- *сертификатнинг асл нусхаси, ёки сертификат эгаси, ёки сертификат берган идоранинг мухри билан тасдиқланган, ёки нотириал идоранинг нусхаси;*

- *белгиланган тартибда қўшимча ҳужжатлар;*

- *ариза берувчи синов баёномасининг нусхасини бериши мумкин.*

5. Агарда маҳсулот бўйича гигиеник сертификат бўлса унда қўшимча гигиеник сертификатлаш бажарилмайди.

6. Хорижий мамлакатнинг миллий сертификатлаш тизими томонидан берилган мувофиқлик сертификати тан олинса Ўзбекистон миллий сертификатлаш тизимида Давлат реестри белгиланган тартибда

мувофиқлик сертификатига алмаштирилади.

Баҳс – мунозараларни кўриб чиқиш

1. Ариза берувчи сертификатлаш натижаларидан норози бўлса, у Ўзстандарт агентлигининг Апелляцион кенгаши ёки судга мурожаат қилиши мумкин.

2. Ўзстандарт агентлиги Апелляцион кенгаш сертификатлаш идоралари ва синов лабораторияларининг қарзлари бўйича берилган аризаларни кўриб чиқади. Ўзбекистон Республикаси миллий сертификатлаш тизимида (ЎЗР МСТ) ўрнатилган тартибга мувофиқ аризалар икки ҳафта муддатда кўриб чиқилади.

3. Узстандарт агентлиги, Апелляцион кенгаш қарори бўйича норозичилик қонунчиликда белгиланган тартибда судда кўрилиши мумкин.

Мажбурий сертификатлашнинг умумий қоидалари

Умумий қоидалар

1. Маҳсулотнинг ичидан намуналарни танлаб олишда унинг аризага мувофиқлиги, белгилаш белгиси ва хати бўлиши керак.

2. Сертификатлаш учун маҳсулотни синаш хавфсизлик курсаткичлари бўйича норматив ҳужжатларда белгиланган талаблар бўйича амалга оширилади. Агарда маҳсулот муддат утмаган даврда давлат санитария идораси ёки бошқа аккредитланган синов лабораториялар томонидан синалган бўлса, ариза берувчи томонидан синов баённомаси тақдим этилса, сертификатлаш синов ҳажми камайтирилиши мумкин.

3. Ишлаб чиқариш корхонасининг ҳолати текширилганда куйидагилар таҳлил қилинади:

- сертификатлаш аризасида чиқарилган маҳсулотлар учун норматив ҳужжатларнинг мавжудлиги;

- хомашё ва тайёр маҳсулотнинг сифат назоратини бажариб келган лабораториянинг мавжудлиги ва ҳолати ёки лаборатория билан тузган шартноманинг мавжудлиги;

- ишлаб чиқариш корхонасида маҳсулот чиқариш учун зарур бўлган технологик ускуналар, ўлчов воситалари билан таъминланганлиги ва уларнинг ҳолати;

- маҳсулот чиқаришда технологик режимга эътибор қилиниши;

- маҳсулот чиқариш ва назорат қилиш бўйича мутахассисларнинг мавжудлиги;

- хомашё ва тайёр маҳсулотларни сақлаш шартномалари ва ташиш шароитларининг мавжудлиги.

Ишлаб чиқарувчи корхонани текшириш натижаси бўйича текшириш

акти тузилади ва мувофиқлик сертификати беришда асос бўлиб қолади.

Маҳсулотларини сертификатлаш хусусиятлари

Озиқ – овқат маҳсулотларини сертификатлаш хусусиятлари

1. Озиқ – овқат маҳсулотларини сертификатлашда сертификатлашнинг 3-, 4-, 7- ва 9- схемалари қўлланилади.

2. Сертификатлаш учун озиқ-овқат маҳсулотларини синашда норматив ҳужжатларда курсатилган талабларга мувофиқ хавфсизлик курсаткичлари бўйича бажарилади. Маҳсулотни хавфсизлик курсаткичлари бўйича синашда унинг физик – кимёвий курсаткичлари, саноат тозалиги, зарарли ёки токсик элементларнинг умумий миқдори, пестицидлар, нитрозамин, гистамин, полихлорли бифениллар, антибиотиклар, радионуклидлар, нитритлар, ҳашоратлар орқали зараланганлиги (дон маҳсулотлари учун), минерал моддалар, витаминлар ва х.к., хуллас, норматив ҳужжатларда белгиланган талабларга мувофиқланади. Шунингдек норматив ҳужжатларда қўйилган талабларга мувофиқ унинг маркировкаси (белгиланиш) ва қуттилаш (упаковка) ҳам эътиборга олинади.

Электротехник маҳсулотларини сертификатлаш хусусиятлари

1. Электротехник маҳсулотларини сертификатлашда сертификатлашнинг 1-, 2-, 3-, 4-, 7-, 8- ва 9- схемалари қўлланилади.

2. Сертификатлаш учун электротехник маҳсулотларни хавфсизлик курсаткичлари бўйича синашда маҳсулотнинг гуоляция қаршилиги, унинг электр мустаҳкамлиги, конструкциясига талаблар, қолдиқ кучланиши, комплектлиги, механик мустаҳкамлиги, вибрацияга бардошлиги, кучланиш узгаришига мустаҳкамлиги, намлик, совуққа, иссиққа чидамлиги, фойдаланиш коэффициенти, қаттиқ урилишга, портлашга, ёнғинга чидамлиги, токнинг йўқолиб кетишига бирикмаларнинг механик мустаҳкамлиги, ишлаш даври, устки юзасининг қизишга, юқори ва паст кучланишларга ва маркировка, упаковка каби асосий курсаткичларнинг норматив ҳужжатларда электротехник маҳсулотларнинг сертификатлашга қўйилган талабларига мувофиқ бажарилади.

Машинасозлик ва оғир саноат маҳсулотларни сертификатлаш хусусиятлари

1. Машинасозлик ва оғир саноат маҳсулотларни сертификатлашда сертификатлашнинг 1-, 2-, 3-, 4-, 7-, 8- ва 9- схемалари қўлланилади.

2. Сертификатлаш учун машинасозлик ва оғир саноат маҳсулотларини хавфсизлик курсаткичлари бўйича синашда маҳсулотни физик – кимёвий курсаткичлари, техник талаблари, шунингдек асосий техник талаблари ва алоҳида талаблардан маркировкаси, упаковкаси, овоз ва

ситуация курсаткичлари, атмосферага чиқадиган захарли моддалар, атроф муҳитга таъсир этувчилар норматив ҳужжатларда қўйилган талабларга мувофиқ бажарилади.

Енгил саноат маҳсулотларини сертификатлаш хусусиятлари

1. Енгил саноат маҳсулотларини сертификатлашда сертификатлашнинг 3-, 4- ва 7- схемалари қўлланилади.

2. Сертификатлаш учун енгил саноат маҳсулотларини хавфсизлик курсаткичлари бўйича синашда маҳсулотнинг узилиш таснифлари, ранги бузилиши, рангнинг ишқаланишга қаршилиги, болалар учун тайёрланган маҳсулотларнинг болалар ёшига мослиги, мустаҳкамлиги, қаттиқлиги, шунингдек норматив ҳужжатларда кўрсатилган маркировкаси, упаковкасини белгиланган талабларига мослиги текширилади.

Фармацевтик маҳсулотларни сертификатлаш хусусиятлари

1. Фармацевтик маҳсулотларга сертификатлашда 3-, 4-, 7- схемалар қўлланилади.

2. Сертификатлаш учун фармацевтик маҳсулотларни хавфсизлик курсаткичлари бўйича синашда барча фармацевтик курсаткичлар, шунингдек шу фармацевтик маҳсулотга норматив ҳужжатларда белгиланиш талабларига мувофиқ қўлланилади.

Қурилиш маҳсулотларни сертификатлаш хусусиятлари

1. Қурилиш маҳсулотларни сертификатлашда 3-, 4-, 7-, 9-схемалар қўлланилади.

2. Сертификатлаш учун қурилиш материалларини хавфсизлик курсаткичлари бўйича синашда совуққа чидамлиги, сув шимиши, радиоактив тузилиши, мустаҳкамлик курсаткичлари, ейилиши, зарарли моддалар мавжудлиги ва уни чиқариш (қурилиш идишлари, линолеум, деворга ёпиштиргичлар ва бошқа синтетика материаллар учун), иссиқликка чидамлик, шунингдек норматив ҳужжатларда сертификатланаётган қурилиш материалнинг турига қараб қўйилган талаблар бўйича ҳамда маркировка ва упаковкаси назорат қилинади.

Автотранспорт воситаларини сертификатлаш хусусиятлари

1. Автотранспорт воситаларини сертификатлашда 1-, 2-, 3-, 4-схемалар қўлланилади.

2. Сертификатлаш учун автотранспорт воситаларини хавфсизлик курсаткичлари бўйича синашда унинг техник талабларга ва БМТ Европа иқтисодий комиссиясининг талабларига, шу жумладан рул бошқарув механизми, ён ва тўғридан урилиши, ён ва олди ойналари, атроф муҳитга чиқадиган моддалар, хавфсизлик нормалари, кузов ва кабинанинг кузовлари

(хавфли юк ташувчи машиналар учун), автомобиллар турғунлиги, гидролизнинг мослиги, ёқиш мосламалар ва асбобларнинг ҳолати, тармоқ тизими, вибрацияга чидамлиги, шунингдек ҳайдовчи ва пассажирнинг хавфсизлигини таъминлайдиган ускуналар ҳолати ва норматив ҳужжатларда белгиланган талабларга мувофиқ маркировкаси назорат қилинади.

Ёқилғи ва энергетик маҳсулотларни сертификатлаш хусусиятлари

1. Ёқилғи ва энергетик маҳсулотларни сертификатлашда 3-, 4-ва 7-схемалар қўлланилади.

2. Сертификатлаш учун ёқилғи ва энергетик маҳсулотларни хавфсизлик курсаткичлари бўйича синашда уларнинг техник талабларга жавоб бериши, октан ва цитан сонлари, углеводороднинг таркиби, механик қушилмаси, намлик миқдори, қолдиқ серанинг миқдори, ёниш температураси ҳамда норматив ҳужжатларда ушбу ёқилғи ва электротехник маҳсулотга қўйилган талабларга мувофиқ назорат қилинади.

Кимё саноати маҳсулотларини сертификатлаш хусусиятлари

1. Кимё маҳсулотларини сертификатлашда 3-, 4-, 7- ва 9-схемалар қўлланилади.

2. Сертификатлаш учун кимё саноати маҳсулотларини хавфсизлик курсаткичлари бўйича синашда маҳсулотда зарарли моддалар мавжудлиги (сурма, мишяк, барий, кадмий, хром, кўрғошин, симоб, селен), мономерларни чиқариши, пластификаторлар мавжудлиги, резинали ингредиентлар, ёнишга мойиллиги, портлаш хавфи ҳамда норматив ҳужжатларда ушбу маҳсулот турига қўйилган талабларга мувофиқ назорат қилинади.

Ўйинчоқларни сертификатлаш хусусиятлари

1. Ўйинчоқларни сертификатлашда 3–, 4-схемалар қўлланилади.

2. Сертификатлаш учун ўйинчоқларни хавфсизлик кўрсаткичлари бўйича синашда уларнинг ўлчамлари, ечиладиган, ажратиладиган қисмлари (3 ёшдаги болалар учун мўлжалланган ўйинчоқлар учун), механик мустаҳкамлиги, узилиш таснифлари, ёниб кетишга мойиллиги, ўйинчоқ қисмларининг иссиқлик даражаси, эмизикли болаларга мўлжалланган ўйинчоқларнинг геометрик ўлчамлари, уст юзасининг текислиги, қисмларнинг бир бирига бириктириладиган жойларининг мустаҳкамлиги, ўйинчоқ хидининг даражаси, рангларнинг бир – бирига мослиги, уларнинг сифати, ёзилган ҳарфларнинг ўлчамлари, ҳамда маҳсулотга норматив ҳужжатларда қўйилган талабларга мувофиқ назорат қилинади

Назорат саволлари

1. Лицензиялашнинг асосий максоди нималардан иборат?
2. Қандай ҳолатда мамлакатда лицензиялаш қўлланилади?
3. Лицензиялашнинг умумий хусусиятлари нималардан иборат?
4. Сертификатлаш тизими дунё миқёсида қандай афзалликларга олиб келади?
5. Сертификатлаш тизими нималарга асосланади?
6. Хорижий давлатлардаги лицензиялаш ва сертификатлаш тизимлари қандай?
7. Аккредитлаш тўғрисида нималарни биласиз?
8. Мажбурий сертификатлаш ва унга қўйилган маҳсулот чиқарувчилар (тадбиркорлар)нинг мажбуриятлари нималардан иборат?
9. Ихтиёрий сертификатлаш тартиб ва қоидаларига нималар киради?
10. Сертификатлаш бўйича узаро баҳс – можаролар қандай тартибда ҳал қилинади?
11. Маҳсулотни сертификатлашнинг умумий қоидалари нималардан иборат?
12. Мувофиқлик сертификати маҳсулотга қанча муддатга берилади ва қайси ҳолатларда инспекцион назорат ўтказилади?

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Global Certifications for Makers & Hardware Startups: Find the regulatory path to legally bring your product to market in the US (FCC), Europe (CE) and beyond. Andy Eadie. Kanada, 2015
2. Сифат менежменти тизими ва уни сертификатлаштириш: Дарслик. Исмагуллаев П.Р., Ахмедов Б.М., Матякубова П.М., Хамрокулов Ғ.Х., Тураев Ш.А. – Тошкент. 2014. «Sano-standart» – 330 б.
3. Метрология, стандатлаштириш ва сертификатлаштириш. Дарслик: П.Р.Исмагуллаев, П.М.Матякубова, Ш.А.Тўраев (проф. П.Р.Исмагуллаев таҳририда) – Тошкент: ТошДТУ, 2015. “Lisson-press”, 430 б.
4. Аликулов С.Р. Патентшунослик, лицензиялаш ва сертификатлаштириш. Ўқув қўлланма. Қарши, 2012. – 150 б.
5. Абдувалиев А.А., Латипов В.Б., Алимов М.Н. и др. Основы стандартизации, метрологии, сертификации и управления качеством. Ташкент, НИИМСС, 2007 – 555 с.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот.

Мавзу: ПАТЕНТ ҚИДИРУВИНИ ОЛИБ БОРИШ ВА ПАТЕНТ ҚИДИРУВИ ҲИСОБОТИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШНИ ЎРГАНИШ.

Ишдан мақсад: Тадқиқот иши ёки бирор бир ишланма йўналишига мос изланиш предмети бўйича мавжуд патент маълумотларни тўплаш учун патент қидирувини олиб бориш ва олиб борилган патент қидирув ишлари натижалари бўйича ҳисоботни расмийлаштиришни ўрганиш.

Ишни бажариш тартиби:

1. Дастлаб мавжуд патент маълумотларни тўплаш учун бирор бир тадқиқот иши ёки ишланма йўналиши бўйича изланиш предмети ҳамда патент қидирув регламенти белгилаб олинади.

2. Сўнгра фаолият кўрсатаётган олий таълим муассасалари ёки илмий-тадқиқот институтлари ҳамда Ўзбекистондаги ва хорижий давлатлардаги патентлар базаларидан белгиланган регламент бўйича маълум бир давр оралиғидаги патентлар қараб чиқилиб, белгилаб олинган изланиш предметига мос келадиган патентлар ажратиб олинади.

3. Тадқиқот иши ёки ишланма йўналиши бўйича изланиш предметига мос келувчи ажратиб олинган патентлар олинган йили ва рақами бўйича ўсиш тартибида қуйидаги кўринишдаги жадвалга солиб чиқилади.

№	Ихтиро номи	Ҳужжат рақами	Синфи, гуруҳи	Ташкилот номи	Ихтирочи	Нашр этилган сана, манба
1	2	3	4	5	6	7
1						
2						
.						
.						

4. Тўпланган маълумотлар бўйича ўтказилган изланишлар ҳақида маълумотнома тўлдирилади.

Маълумотнома умумий қисм ва изланишлар регламентидан иборат бўлиб, умумий қисмда тадқиқот мавзуси ёки ишланманинг номи, патент изланишларини ўтказиш режалаштирилган жорий йил кўрсатилади.

Иzlанишлар регламентида эса изланиш предмети, изланиш предметини қидириш зарурияти мавжуд топшириқ ёки асос бўлувчи хужжат, изланиш даври, ахборот манбалари, изланиш предмети мавжуд давлат, изланиш предмети синфи ва индекси кўрсатилади.

Иzlанишлар ҳақида маълумотноманинг намунавий шакли қуйида келтирилган.

Иzlанишлар ҳақида маълумотнома.

1. Умумий қисм.

Мавзунинг номи: _____

Патент изланишларини ўтказиш режаси – _____ й.

2. Изланишлар регламенти.

№	Иzlаниш предмети	Иzlаниш предмети мавжуд топшириқ	Иzlаниш даври	Ахборот манбалари		Иzlаниш предмети мавжуд давлат ва синфи индекси (МКП,МКИ,УДК,НКИ)
				Номланиши	Жойи	
1						
2						
·						
·						

Амалий машғулот бўйича топшириқ:

Барча талабалар ўзининг диссертация мавзусидаги ишланмалари бўйича патент қидируви олиб бориб, унинг натижалари бўйича намунада келтирилган шакллар бўйича ҳисобот тайёрласин.

Иzlаниш предмети бўйича патент қидируви ҳисоботи ва изланишлар маълумотномасидан намуна қуйида келтирилган.

Жадвал.

Изланишлар регламенти (1960-2002 йй.)да кўзда тутилган, тадқиқотдаги техника объекти ва унинг элементлари кетма-кетлигига бевосита алоқадор бўлган ахборотларни излаш жараёнида танлаб олинган патент манбалари рўйхати

№	Ихтиро номи	Ҳужжат рақами	Синфи, гуруҳи.	Патент тегишли ташкилот номи	Ихтирочи	Нашр этилган сана, манба
1	2	3	4	5	6	7
1.	Роторли ўргичга баланд пояли экинларни йиғиштириш учун мослама, маккажўхори мисолида	155354	A01Д 45/02	СКБ Херсон комбайн заводи	Херсон комбайн заводи махсус к.о	1963 й. Б.И.№12
2.	Маккажўхори йиғиштириш комбайнининг сўта ажраткич аппарати.	175332	A01Д 45/02	-	Соломыкин А.П., Шатилов К.В. ва бошқалар.	21.09.1965. Б.И.№ 19
3.	Маккажўхори йиғиштириш машиналарига ручли турдаги ишчи органлар секцияси.	195747	A01Д 45/02	-	Барановский П.П., Куус А.А. ва бошқалар.	04.05.1967 Б.И.№ 10
4.	Маккажўхори йиғиштириш комбайни.	204770	A01Д 45/02	-	Киселев С.Г. ва бошқалар.	20.10.1967. Б.И.№ 22
5.	Маккажўхори пояларининг учки қисмини йиғиш учун машина.	205410	A01Д 43-08	-	Филлипов А.И. ва бошқалар.	13.11.1967. Б.И.№ 23
6.	Маккажўхори пояларидан сўталарни ажратиш учун қурлма.	232463	A01Д 45/02	-	Киселев С.Г. ва бошқалар	11.12.1968. Б.И.№1
7.	Сўта ажраткич аппарат	235455	A01Д 45/02	КазНИМЭСХ	Лактев Н., Бронштейн Я., Попов В.	16.01.1969. Б.И.№5
8.	Маккажўхори йиғиш машинасининг сўтаажраткич қурилмаси	240365	A01Д 45/02	-	Киселев С.Г. ва бошқалар	12.03.1969. Б.И.№12

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ОБЪЕКТЛАРИ ВА УЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

1	2	3	4	5	6	7
9.	Маккажўхори йиғиш комбайни	246187	A01Д 45/02	-	Киселев С.Г. ва бошқалар	11.06.1969.. Б.И.№ 20
10.	Баланд бўйли ўсимликларни, масалан маккажўхорини, йиғиш учун мослама	319114	A01Д 45/02 45/08	ФЕБ Комбинат Фортшрит Ланд машинен	Теодор Айстрет	28.10.1971. Б.И.№32
11.	Маккажўхори йиғиш комбайни	328867	A01Д 45/02	Укрқишлоқмаш- созлик ИТИ	Муханов .П. ва бошқалар	09.02.1972. Б.И. №7
12.	Ўриш мосламаси масалан, маккажўхори учун	355761	A01Д 45/02 43/08	Машинен-фабрик ФАРАТ	Иозеф Пюррер	16.10.1972. Б.И.№ 31.
13.	Маккажўхори йиғиш комбайни	392903	A01Д 45/02	Кубан ҚХИ	Ткачев В.А.	10.08.1973. Б.И.№ 33
14.	Маккажўхори сўталарини қобиқларидан тозалаш қурилмаси.	393992	A01Д 45/02	Херсон комбайн заводи	Бондарев В.Т. ва бошқалар	22.08.1973. Б.И.№ 43
15.	Маккажўхори йиғиш комбайни	545287	A01Д 45/02	Кубан ҚХИ	Будагов Г.А. ва бошқалар	05.02.1977. Б.И.№ 5
16.	Маккажўхори йиғиш комбайни	605575	A01Д 45/02	Краснодар ҚХИТИ	Ткачев В.А. ва бошқалар.	05.05.1978. Б.И.№17
17.	Сўта ажраткич аппарат	625653	A01Д 45/02	Кубан ҚХИ	Ткачев В.А. ва бошқалар.	30.09.1978. Б.И.№36
18.	Сўта ажраткич қурилма	657784	A01Д 45/02	Кубан ҚХИ	Деревенко В.В.,Будагов Г.А.	25.04.1979. Б.И.№15
19.	Маккажўхори йиғиш комбайни	701571	A01Д 45/02	Кубан ҚХИ	Деревенко В.В. ва бошвалар	05.12.1979. Б.И.№45
20.	Маккажўхори сўталарини қобиқларидан тозалаш қурилмаси.	728766	A01Д 45/02	Украина ҚХИТИ	Цымбил А.Г. ва бошқалар	25.09.1980. Б.И.15

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ОБЪЕКТЛАРИ ВА УЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

1	2	3	4	5	6	7
21.	Сўта ажратиш қурилма	793462	A01Д 45/02	Кубан ҚХИ	Деревенко В.В ва бошқалар	07.01.1987. Б.И.№1
22.	Маккажўхори йиғиштириш комбайни.	841621	A01Д 45/02	Украина ҚХМИТИ	Цымбил АГ. вабошқалар	30.06.1981. Б.И.№24
23.	Маккажўхори сўталарини поясидан ажратиш учун қурилма.	858630	A01Д 45/02	Кубан ҚХИ	Северин Ю,Д	30.08.1981. Б.И.№32
24.	Маккажўхори йиғиштириш машинаси	884608	A01Д 45/02	Кубан ҚХИ	Тудель Н.В. ва бошқалар	30.11.1981. Б.И.№44
25.	Маккажўхори йиғиштириш	961594	A01Д 45/02	Кубан ҚХИ	Козачок Б.Д. ва бошқалар	30.09.1982. Б.И.№36
26.	Маккажўхори йиғиштириш	973064	A01Д 45/02	ҚХМ лойиҳа- конструкторлмк технологиялар институти	Панков Л.С. ва бошқалар	15.11.1982. Б.И.№42
27.	Маккажўхори йиғиштириш	1028270	A01Д 45/02	ҚХМ лойиҳа- конструкторлмк технологиялар институти	Козачок Б.Д. ва бошқалар	15.07.1983. Б.И.№26
28.	Қаторлаб маккажўхори йиғиштириш комбайнининг ўргичи узатмаси	1049007	A01Д 45/02	ФЕБ Комбинат Фортшрит Ландмашинаен	Теодор Е., Герхорд Ш., Кристиян Н.	23.10.1983. Б.И.№39
29.	Маккажўхори йиғиштириш комбайни	895329	A01Д 45/02	САИМЭ	Салихов Н.К., Фозилов Н,Б	0701.1982. Б.И.№ 1
30.	Ручли типдаги маккажўхори йиғиштириш комбайни	1071257	A01Д 45/02	-	Лаврик В.И. ва бошқалар	07.02.1984. Б.И.№5

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ОБЪЕКТЛАРИ ВА УЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

1	2	3	4	5	6	7
31.	Маккажўхори йиғиштириш агрегати	1071258	A01Д 45/02	-	Козачок Б.Д. ва бошқалар	07.02.1984. Б.И.№ 5
32	Сўта ажраткич аппарати	1087006	A01Д 45/02	ҚХМ лойиҳа- конст рукторлик техно ло гиялар институти	Панков Л.С. ва бошқалар	23.11.1984. Б.И.№
33	Маккажўхорини тозалаш учун қурилма	1366103	A01Д 45/02	УкрҚХМЭИТИ	Исиков С. ва бошқалар	25.11.1985. Б.И.№2
34	Маккажўхори йиғиш комбайни	1373353	A01Д 45/02	Херсон комбайн заводи	Лаврик В.И. ва бошқалар	10.09.1986. Б.И.№6
35	Маккажўхори йиғиш агрегати	1429972	A01Д 45/02	-	Борисенко Н.П.,Лыфенков Ф.	15.10.1988. Б.И.№38
36	Маккажўхори пояларидан сўта ажратиш учун аппарат	1512515	A01Д 45/02	Херсон комбайн заводи	Архипов Г.М.	04.01.1988. Б.И.№37
37	Маккажўхори йиғиш машинаси	1530131	A01Д 45/02	УкрҚХМЭИТИ	Резниченко И.И., Кузьмич Я.А.	15.03.1988.
38	Маккажўхори комбайни таъминлагичи	1817990	A01Д 45/02	Херсон комбайн заводи	Архипов Г.М.,Наумов Н.В.	11.011991.
39	Маккажўхори йиғиш комбайни	2004116	A01Д 45/02	Херсон комбайн заводи	Кочан В.Т.	25.04.1993. Б.И.№46

Изланишлар ҳақида маълумотнома.

1. Умумий қисм.

Мавзунинг номи: Суғориладиган ерларда қатор оралиғи 60 ва 90 см ли маккажўхорини донга йиғиштириш технологияси ва машинасини ишлаб чиқиш.

Патент изланишларини ўтказиш режаси – 2003 й.

2. Изланишлар регламенти.

№	Изланиш предмети	Изланиш предмети мавжуд топшириқ	Изланиш даври	Ахборот манбалари		Изланиш предмети мавжуд давлат ва синфи индекси (МКП,МКИ,УДК,НКИ)
				Номланиши	Жойи	
1	Маккажўхори йиғиш технологияси	19-дастур 19.55 грант	43 йил 1960- 2003 йй.	“Ихтиролар,фойдали моделлар, саноат намуналари, махсулот белгилари” РАСМИЙ АХБОРОТНОМАСИ 1991 ЙИЛДАН 2003 ЙИЛГАЧА “Тракторы и сельхозмашины” рефератив журналы 1960...1990 йиллар “Открытия,изобретения,промышленные образцы и товарные знаки” бюллетени 1960йилдан 1991 йилгача “Открытия и изобретения” бюллетени 1960йилдан 1990 йилгача “Изобретения в СССР и за рубежом” 1970 йилдан 1990 йилгача	ТИҚХММИ Бухоро филиали патент фонди ТИҚХММИ патент фонди ҚХМИТИ ПАТЕНТ ФОНДИ ИМА ПАТЕНТ ФОНДИ	Ўзбекистон МКП Кл.А01Д 45/02 СССР МКИ кл. А01Д 45/02; 43/08 АҚШ 56/122,56/145 Германия 45/02,43/08 Англия 45с, 43 с
2	Маккажўхори йиғиш машинаси					

2-амалий машғулот.

Мавзу: ПАТЕНТЛАРНИ ТАҲЛИЛ ЭТИШ ВА АНАЛОГ ПРОТОТИПЛАРНИ АНИҚЛАШНИ ЎРГАНИШ

Ишдан мақсад: Изланиш предмети бўйича олиб борилган патент қидирув ишлари натижалари бўйича тўпланган патентларни таҳлил этиш ва улардан изланиш предметиға мос аналоглар ҳамда прототипни аниқлашни ўрганиш.

Ишни бажариш тартиби:

1. Дастлаб изланиш предметиға мос бўлган патентлардан ихтиро моҳияти бўйича яқинлари ажратиб олинади.
2. Сўнгра ихтиро моҳияти бўйича ажратиб олинган патентларнинг синфи, конструкцияси ва ихтиро формуласи таҳлил этиб чиқилади.
3. Таҳлиллар асосида ихтиро моҳияти, синфи, конструкцияси ва ихтиро формуласи бўйича мос патентлардан изланиш предметиға мос аналоглар ҳамда прототип ажратиб олинади.

Аналог ва прототип ҳақида тушунча.

Аналог - ихтиро моҳияти, синфи, конструкцияси ва ихтиро формуласи бўйича изланиш предметиға ўхшашлиги яқинроқ бўлган патентлар.

Прототип - ихтиро моҳияти, синфи, конструкцияси ва ихтиро формуласи бўйича изланиш предметиға ўхшашлиги энг яқин бўлган патент.

Қуйида изланиш предмети бўйича олиб борилган патент қидирув ишлари натижалари бўйича тўпланган патентларни таҳлил этиш ва улардан изланиш предметиға мос аналоглар ҳамда прототипни аниқлаш ҳақида тушунча берадиган намунавий таҳлил келтирилган бўлиб, у изланувчига ҳар қандай изланиш предмети бўйича мавжуд патентларни таҳлил этиш ҳамда аналог ва прототипларни аниқлаш бўйича керакли кўникмаларни шакллантириш имконини беради.

Ишни бажариш бўйича намуна:

Маккажўхори йиғиш машиналарининг иш сифат кўрсаткичларини яхшилаш ва тузилишини соддалаштириш бўйича кўплаб ихтиролар таклиф қилинган.

С.Г.Киселев ва бошқалар томонидан маккажўхори йиғиш комбайнининг схемаси таклиф этилади /М.Г.№204770/. Муаллифларнинг фикрича комбайнда маккажўхори

сўтаси ва донининг нобудгарчилигини камайтириш учун таъминлаш қурилмаси пояузатгич транспортеридан сўнг ўрнатилган бармоқли-дискли барабан ва у билан ўзаро таъсирда бўладиган қўзғалмас иккита тарагичдан иборат бўлган, улардан бири барабан тагида унинг узунлиги бўйича, иккинчиси эса барабан устида тишлари унинг дисклари ва ступицалари орасига кириб турадиган қилиб қўйилган.

Бизнинг фирмизча, бу машина ёппасига экилган маккажўхорини йиғиштиришга мўлжалланган.

1970 йили Ю.П.Муханов /М.Г. № 328867/ таклиф қилган схемада, комбайннинг тузилишини соддалаштириш учун майдалагич барабан кесиш аппаратига параллел, сўтаажратгич жўваларга эса перпенди-куляр жойлаштирилган, поялар камерасида эса ўнг ва чап чиққили шнек ва поя майдалагич барабанга узатадиган қия транспортер ўрнатилган.

Бу схема хозирда мавжуд ККП-2 ва ККП-3 комбайнларида фойдаланилган.

В.А.Ткачев томонидан ўзига хос комбайн схемаси таклиф қилинган /М.Г. № 392903/. Бунга кўра қисувчи занжирли ручли типдаги жатка ва ундан сўнг пояларни сўтаажратгичга узатиш учун ўрнатилган юқориги ва пастки секцияли транспортерга эга маккажўхори йиғиш комбайнида сўталарнинг нобудгарчиликсиз сифатли ажралишини таъминлаш мақсадида секцияли транспортер оралиғига вертикал ўрнатилган кронштейн кўринишида тупайиргич қўйилган. Иш жараёнида тупайиргич ҳар бир ручдан келаётган пояларни алоҳида-алоҳида сўтаажратгичга узатиб беради.

Кубан ҚХИ дан Будагов Г.А. ва бошқалар таклиф этган схемага кўра /М.Г. № 545287/ пояларни сўтаажратгич аппаратга узатилишини яхшилаш мақсадида, ҳар бир ручдаги поя узатувчи занжирли тасманинг юқори яруси пастки ярусига нисбатан комбайн бўйлама ўқи томонга силжитилган.

1976 йили Краснодар ҚХИ томонидан қилинган ихтирода /М.Г. № 605575/ комбайннинг габарити ва металсиғимини камайтириш учун пастки ярус занжири поя узатувчи жўвалар орасига жойлаштирилган бўлиб, пастки сўтаажраткич ва пояузаткич жўвалар рамага ётиқ холда ўрнатилган.

Сўтаажраткичларнинг бундай ўрнатилиши пояларни қамраб олиш-ни бир мунча қийинлаштиради. Чунки комбайн далада ҳаракат-ланаётганда нотекисликларга учрайди

ва силкинади ўша вақтда пастки занжирдан ажралган пояларнинг туб қисми, поя юқори занжирда илашиб турган бўлишига қарамай унинг оғирлик маркази пастга йўналиб инерция кучи таъсирида занжирнинг тутиб туриш қобилиятини енгиб пастга тушиб қолиши мумкин. Натижада сўталари билан бирга кесилган пояларнинг нобудгарчилиги ўз-ўзидан ошиб кетади.

Ушбу камчиликни тузатиш учун КубанҚХИ дан қуйидаги ихтиро таклиф этилган /М.Г.№ 701571/. Унга кўра, поя тубларининг бутун узатиш йўли бўйича ушланиб турилишини таъминлаш мақсадида пастки ярус узатиш занжири ва сўтаажраткич аппарат орасига қисувчи транспортер қўйилган.

УкрҚХМИТИ да ишлаб чиқилган схемада /М. Г. № 841621/ пояни майдалаш сифати ва майдаланган массани итқитишни яхшилаш учун комбайн майдалагич барабани кожухуга шарнирли қилиб таъминлаш аппарати ўрнатилган. Бунда поялар кесилиб сўталари ажратилгандан сўнг, таъминлаш аппарати жўвалари ёрдамида қисиб олиниб майдалагич аппаратига узатилади.

Бизнинг фикримизча бундай схема комбайн тузилишини бир мунча мураккаблаштириб юборади.

Н.В.Тудель ва бошқалар томонидан ККП-2 , ККП-3 комбайнлари тузилишини соддалаштириш, металсиғимини камайтириш ва майдалаш сифатини ошириш мақсадида таклиф этилган ихтирода пояларнинг шнекли транспортери икки қисмли, ўз навбатида ўнг ва чап чиқикли қилиб ишланган бўлиб , уларнинг ўртасига майдалагич ўрнатилган. Майдалагич иккита кесувчи юзага эга дискдан иборат бўлиб шнеklarнинг тугаган қисмига қўйилган ва шнеklar узатиб берган пояларни ўша жойнинг ўзида кесиб майдалайди. Кесиш сифатини ошириш учун эса майдалагичга қаршикескич ўрнатилган /М.Г.№ 884608/.

№ 973064 муаллифлик гувоҳномасида келтирилган ихтирода маккажўхори йиғиштириш комбайнининг иш унумдорлигини ошириш ҳамда пояларнинг ерга тушиб қолиб нобуд бўлишини камайтириш учун сегмент-бармоқли кесиш аппарати билан жиҳозланган комбайнларда кесиш аппаратида сўнг пояларни кўтарувчи битер қўйиш тавсия қилинади. Бунда поя кесиш аппаратида кесилган захоти битер билан тагидан кўтарилади ва транспортернинг ушлаш қобилиятини ҳамда пояларнинг узатилиш

тезлигини оширади.

Б.Д.Козачок, А.П.Ореховлар муаллифлигидаги ихтирога кўра /М.Г. №1028270/ сўтаозалагич жўвалар комбайннинг жатка қисмида сўтаажраткич жўвалардан сўнг улар билан тўғрима-тўғри ўрнатилган бўлиб, бу билан улар КОП-1,4 комбайнининг тузилишини соддалаштириш билан бирга сўта қобикларини ҳам нобуд қилмасдан ҳашак сифатида йиғиб олишни таъминлайдилар. Аммо сўтани қобикларидан ажратиш зонасининг кичкиналиги сўталарни қобиклардан тўлиқ тозалаш имконини бермайди ва кейинги янчиш-тозалаш жараёнларини амалга оширишда қийинчиликлар туғдиради.

Германиянинг “ФЕБ Комбинат Фортшрит Ландмашинен” фирмаси эгалигидаги №1049007 патентида келтирилган машина схмаси ҳам бир мунча эътиборлидир. Бу схемада қаторлаб йиғувчи маккажўхори комбайни кенг қамровли жаткаси келтирилган бўлиб, бунда 6-7 қатордаги ўрилган поялар занжирли транспортерлар орқали жатка марказига йиғилиб майдаланади. Бунинг учун ўзига хос ишчи органлар узатмаси ишлаб чиқилган. Бу ихтирода келтирилган ечимлардан фойдаланган ҳолда жаткасининг қатор оралиғини 60,70,90 см оралиқда ростлаш имкониятига эга бўлган маккажўхори йиғиштириш машинасини ишлаб чиқиш мумкин.

Ўказилган таҳлиллар асосида изланиш предметиға яқин бўлган аналоглар ва протип сифатида қуйидагилар қабул қилинди:

1-аналог: А.с. СССР №688153, А01D 45/02 – маккажўхори йиғиш машинаси.

Ихтиро моҳияти – маккажўхори йиғиш машинаси қия ўрнатилган сўтаажраткич жўвалар, уларнинг тагида жойлашган айланувчи горизонтал ўқли роторли майдалагич ҳамда майдалагичдан кейин жойлаштирилган шнекдан иборат бўлиб, бунда майдалагичнинг айланадиган ўқи шнекка паралелл қилиб ўрнатилган.

Ушбу маккажўхори йиғиш машинасининг камчилиги йиғиштирилган сўта таркибига барг пояларни ўтказиб юбориши ҳисобланади. Бу кўшиндилар эса кейинчалик сўталарни қобикларидан тозалаш, уларни янчиб донларини ажратиш ишларида қийинчиликлар туғдиради.

2-аналог: А.с. СССР №884608, А01D 45/02 – маккажўхори йиғиш машинаси.

Ихтиро моҳияти – маккажўхори йиғиш машинаси сўта ажартиш аппарати, сўта шнеги, ўриш аппарати, барг-поялар учун ўнг ва чап ўрамли икки қисмга эга шнекли транспортердан ташкил топган бўлиб, шнекли транспортер қисмлари орасига кесиш элементларига эга диски майдалагич жойлаштирилган. Майдалагич шнек четки қисмида қарши кескич элементларга эга.

Мазкур маккажўхори йиғиш машинасининг камчилиги поялардан ажратиб олинган сўталар таркибига қўшилиб кетаётган барг ва пояларнинг ажратиб олинмаслиги ҳисобланади.

Прототип: А.с. СССР №1028270, А01D 45/02 – маккажўхори йиғиш машинаси.

Ихтиро моҳияти бўйича таклиф этилаётган янги техник ечимга энг яқини №1028270 муаллифлик гувоҳномасидаги А01D 45/02 ихтиро синфига тегишли маккажўхори йиғиш машинаси бўлиб, у қия ўрнатилган сўтаажраткич жўвалар, улар устида жойлашган сўтаажраткич пластиналар ва занжирли транспортерга эга. Сўтаажраткич жўвалар тагида горизонтал ўқда айланадиган роторли майдалагич кўринишидаги пояларни қирқиш аппарати ва ундан сўнг пояларни майдалаш аппаратига узатиб бериш учун шнек мавжуд. Шнек устида ўқи сўта ажраткич жўвалар ўқи билан бир йўналишда бўлган, узунлиги калтароқ, консолли, шу билан бирга усти рифелли барг-поя ажраткич жўвалар жойлаштирилган. Барг-поя ажраткич жўвалар устига ажратилган сўталар ва улар таркибидаги барг-пояларни жўваларга босиб туриш учун кураклари эластик материалдан бўлган битерлар қўйилган. Консолли барг-поя ажраткич жўваларнинг қиялиги сўтаажраткич жўваларнинг қиялигидан кичик ва улардан кейин сўта шнеги ўрнатилган.

Прототип сифатида қабул қилинган маккажўхори йиғиш машинасининг камчилиги унга ўрнатилган барг-поя ажраткич жўвалар узунлиги етарли бўлмаганлиги сабабли иш жараёнида улар ажратиб олинган сўта таркибига қўшилиб келаётган барг ва пояларни тўла ажратиб улгурмайди. Натижада бир қисм барг-поялар барибир сўта таркибига қўшилиб ўтиб кетади ва уларнинг ифлосланиш даражаси белгиланган талабдан юқори бўлиб қолаверади.

Амалий машғулот бўйича топшириқ:

Барча тингловчилар ўзининг битирув-малакавий иши мавзуси ёки тадқиқот йўналишига мос бўлган ишланмалари бўйича патентларни таҳлил этиб, уларнинг ичидан аналог ва прототипларни ажратиб олсин ва юқоридаги кўринишда ҳисобот тайёрласин.

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ**Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий ҳужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича мавзулар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- махсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

Мустақил таълим мавзулари

1. Ҳалқаро патент классификатори.
2. Патентларнинг турлари ва гуруҳланиши.
3. Ривожланиш жадал шароитда интеллектуал ишланмаларни яратиш.
4. Интеллектуал мулк объектларини қисқа муддатда ҳимоялаш шартлари.
5. Интеллектуал мулк бўйича низолар ва уларни ҳал этиш йўллари.
6. Лицензиар ва лицензиатнинг асосий вазифалари.
7. Лицензиялашда “ноу-хоу” ва унинг моҳияти.
8. “Тоза” ва “Ёрдамчи” лицензия тушунчалари.
9. Сертификатлаш тизимининг асослари.
10. Импорт молларни сертификатлаш тартиби.

VII. ГЛОССАРИЙ

- Саноат мулки объектлари** - ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси, товар белгиси, хизмат белгиси.
- Ўзбекистон Республикаси - Патент Агентлиги** - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги патент тизими фаолиятини таъминлайди ва бошқаради, аризаларни куриб чиқади ва Республика ҳудудида тан олинадиган ҳуқуқий ҳужжатларни беради.
- Саноат мулкининг Давлат Жамғармаси** – Патент Агентлигининг таркибида бўлиб давлат ихтиёрига берилган патентлар ва патент эгалари ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг бажарилишини таъминлайди ва фойдаланишда кумаклашади.
- Дастлабки экспертиза** - Патент Агентлиги томонидан ихтиро, саноат намунаси, фойдали модельга патент олиш учун берилган ҳужжатларнинг талабга мослиги аниқланади.
- Патент** - давлат номидан саноат мулки объектига бериладиган ва муайян муайян вақт оралиғида амал қиладиган муҳофаза ҳужжати.
- Ариза** - белгиланган тартибда патент ёки гувоҳнома олиш учун Патент Агентлигига бериладиган ариза.
- Ихтиро** - янги, ихтиролик даражасига эга, қўлланиш имконияти бўлиб, ҳуқуқий ҳимояланган ускуна, машина, усул ёки услуб, модда каби объектлар.
- Ускуна ёки машина** - бир бири билан ўзаро боғлиқлиги бўлиб фазода аниқ жойлашган конструктив элементлар тизими.
- Усул ёки услуб** - аниқ кетма кетликда ёки аниқ қоидаларга асосланган ҳолда ишлаб чиқаришда ижобий самара берадиган, ўзаро боғлиқ ҳаракатларни бажариш учун қўлланиладиган жараён.
- Модда** - янги, моҳиятли фарқларга эга, сунъий равишда ўзаро боғлиқ элементлар, ингредиентлар ёрдамида ёратилган моддий бирикма бўлиб, ишлаб чиқаришда фойдаланилганда ижобий самара берадиган объект.
- Ихтиро матни** - ихтиронинг моҳиятини тўлиқ аниқладиган, уни тайёрлаш ва ишлатиш имконияти, унинг янгилиги, эътиборли фарқлари, ижобий самараси тўғрисида

- маълумот.
- Ихтиро формуласи** - ихтиро моҳиятининг қисқа баёни, янгилигини, мақсадини, ҳажмини белгиланган қоидаларга асосан ёзилган ҳужжат.
- Патент фаолияти муддати** – ихтиро, саноат намунаси, фойдали модельга берилган патентнинг ҳуқуқий ҳимояланиши.
- Апелляция Кенгаши** - ихтиролар экспертизасини қонуний ўтказиш, баҳс мунозалар бўйича қарор қабул қилувчи Патент Агентлигининг коллегиял идораси.
- Лицензия** - патент эгасининг бошқа шахслар билан алоҳида ҳуқуқларининг бир қисмини сотиш (бериш) бўйича тузган ҳуқуқий битими (шартномаси).
- Лицензиар** - лицензия сотувчи
- Лицензиат** - лицензия сотиб олувчи
- Лицензия савдоси** - замонавий технологик алмашинув.
- Патент ахбороти** - универсал ахборот манбаи.
- Сифат** - маҳсулот ва (ёки) хизматларнинг истеъмолчи талабларини қондиришга олиб келувчи ҳусусият ва тавсифлар йиғиндиси.
- Сертификатлаш** – маҳсулот, жараён, жисм ёки персонални учинчи томонидан тасдиқлаш.
- Ихтиёрий сертификатлаш** – тайёрловчи (бажарувчи), сотувчи (таъминловчи) ёки истеъмолчининг хоҳишига биноан ихтиёрий асосда маҳсулот (жараён, хизмат)ни сертификатлаш.
- Мажбурий сертификатлаш** – маҳсулот (жараён, хизмат)ни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан стандарт, техник регламентларнинг мажбурий талабларига жавоб беришни ваколатли идора томонидан тасдиқлаш.
- Сертификатлаш тизими** – сертификатлаш мувофиқлагини аниқлаш учун ўз қоидалари ва бошқарувчи эга бўлган тизим. Сертификатлаш тизими миллий, ҳудудий ва халқаро даражада фаолият кўрсатиши мумкин.
- Мувофиқлиги** – маҳсулот, жараён ёки хизматларни белгиланган талабларга жавоб бериш.
- Мувофиқлик сертификатлаш** – текширилаётган маҳсулот, жараён ёки хизмат керакли даражада аниқ стандарт ёки бошқа норматив ҳужжатга бутунлай ёки алоҳида кўрсаткичлари билан жавоб бериши учинчи

томондан исботланиши.

Мувофиқлик сертификати – маҳсулот, жараён ёки хизмат белгиланган даражада аниқ стандарт ёки бошқа норматив ҳужжатларга бутунлай ёки алоҳида кўрсаткичлари билан жавоб беришига сертификатлаш идоралар қоидасига мувофиқ бериладиган ҳужжат.

Мувофиқлик сертификатни тан олиш – Халқаро тизим ва келишувлар доирасида белгиланган қоидаларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид бўлмаган жараён.

Мувофиқлик тўғрисида декларация – тайёрловчи (биринчи томон) баҳолаш объектини белгиланган талабларга тўғри келиш баён этиладиган ҳужжат.

Сертификатлаш идораси – сертификатлашни ўтказиладиган идора.

Ариза берувчи – юридик ёки жисмоний шахс (маҳсулот чиқарувчи ташкилот, таъминловчи, сотувчи, бажарувчи) ёки уларнинг ваколатли шахслари сертификатлаш идораси (мувофиқлигини баҳолаш идораси)га баҳолаш ёки маҳсулот (хизмат)нинг мувофиқлигини тасдиқлаш учун ариза билан мурожаат қилувчи.

Инспекцион назорат – сертификатланган маҳсулот, сифат ёки ишлаб чиқариш бошқарув сифати, сертификатлаш идоралар, синов лабораториялари (марказ)ни сертификатлаш ва аккредитлашга қўйилган талабларга тасдиқлаш мақсадида такрорий баҳолаш учун бажариладиган жараён.

Сифат бўйича эксперт – аудитор – қонунчилик доирасида аккредитланган ва сертификатлаш, аккредитлаш, назорат соҳасидаги ишларни ўтказиш учун тегишли касбий малакага эга мутахассис.

Техник эксперт – сертификатлаш соҳасига оид махсус билим ва тажрибага эга шахс.

Сертификатлаш схемаси – мувофиқлик тўғрисида сертификатлаш жараёнини ўтказишда учинчи томон томонидан бажариладиган таркиб ва кетма-кетлик.

Мувофиқлик белгиси (сертификатлаш соҳасида) – маҳсулот, жараён ёки хизматга аниқ норматив ҳужжатда қўйилган талабларга жавоб бериш тўғрисида сертификатлаш идоралари томонидан қўйиладиган белги.

- Сертификатлаш синовлари** – норматив ҳужжатларда белгиланган ҳужжатларга мослигини аниқлаш учун объектни назорат синовларидан ўтказиш.
- Ишлаб чиқаришни текшириш** – ишлаб чиқариш ҳолатини таҳлил қилиш учун маълумотларни йиғиш ва якунида текшириш актини ҳужжатлаштириш.
- Ишлаб чиқаришни текшириш тўғрисида акт** – мувофиқлик сертификатини бериш учун асос бўладиган ишлаб чиқаришни текшириш натижаларидан иборат махсус ҳужжат.
- Сертификатлаш синовлар учун намуна** -- сертификатлаш синов ўтказишга мўлжалланган қоидаларга мувофиқ олинadиган маҳсулот бирлиги, унинг қисми ёки намуна.
- Идентификатлаш** – объектни аниқлаш учун унга қўйилган белги, тамға орқали кейинчалик уларни кузатиш жараёни.
- Идентификатлаш тўғрисида акт** – идентификатлаш жараёни ва идентификатлаш объектни белгиланган талабларга жавоб бериши тўғрисида маълумотлардан иборат махсус ҳужжат (баён).
- Намуналар олиш бўйича акт** – намуна олиш жараёнига таалукли белгиланган шаклдаги махсус ҳужжат (баён, ёзув).

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Asosiy darsliklar va o'quv qo'llanmalar

1. Global Certifications for Makers & Hardware Startups: Find the regulatory path to legally bring your product to market in the US (FCC), Europe (CE) and beyond. Andy Eadie. Kanada, 2015.

2. Сифат менежменти тизими ва уни сертификатлаштириш: Дарслик. Исмагуллаев П.Р., Ахмедов Б.М., Матякубова П.М., Хамрокулов Ғ.Х., Тураев Ш.А. – Тошкент. 2014. «Sano-standart» – 330 б.

3. Метрология, стандатлаштириш ва сертификатлаштириш. Дарслик: П.Р.Исмагуллаев, П.М.Матякубова, Ш.А.Тўраев (проф. П.Р.Исмагуллаев таҳририда) – Тошкент: ТошДТУ, 2015. “Lisson-press”, 430 б.

4. Аликулов С.Р. Патентшунослик, лицензиялаш ва сертификатлаштириш. Ўқув қўлланма. Қарши, 2012. – 150 б.

5. Абдувалиев А.А., Латипов В.Б., Алимов М.Н. и др. Основы стандартизации, метрологии, сертификации и управления качеством. Ташкент, НИИМСС, 2007 – 555 с.

Qo'shimcha adabiyotlar

6. Mirziyoev SH.M. Tanqidiy taxliliy, qat'iy tartib – intizom va shaxsiy javobgarlik - har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo'lishi kerak. Toshkent, O'zbekiston, 2017.-104 b.

7. Mirziyoev SH.M. Erkin va farovon demokratik O'zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz. Toshkent, O'zbekiston, 2016. -56 b.

8. Исмагуллаев П.Р., Қодирова Ш.А. Метрология, стандатлаштириш ва сертификатлаштириш. Ўқув қўлланма. Тошкент, ТошДТУ, 2007.

9. Абдувалиев А.А. Стандартизация и сертификация: состояние и перспективы развития. //Standart, 2011- №1, с.13-15.

10. Абдувалиев А.А., Латипов В.Б., Алимов М.Н. Стандартизация. Энциклопедический словарь – справочник. Ташкент: Государственное научное издательство “Ozbekiston milliy ensiklopediyasi”, 2006. – 271 с.

11. Салихов С.А., Рахимов Д.А. “Патентшунослик, лицензиялаш ва сертификатлаш” фанининг истиқболлари. //Standart, 2010- №4, 34- 39 б.

Интернет ресурслар:

1. <http://ziyonet.uz> – Таълим портали Ziyonet
2. <http://www.tiame.uz> – “Тошкент ирригация ва кишлок хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий-тадқиқот университети
3. www.patent.com
4. www.patent.ru